

А.Исманова,
С.Камолдинова,
С.Юнусова

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

(Адабий уқиш)



4

Кыргыз Республикасынын
Мамлекеттик Герби



Кыргыз Республикасынын
Мамлекеттик Туусу



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Текстин авторлору:

Ж. Садыков менен Ш. Кулуев.

Музыкасынын авторлору:

Н. Давлесов, К. Молдобасанов.

Ак мөңгүлүү аска-тоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма: Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө.
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма.

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Ыйык сактап урпактарга берели.

Кайырма.



А.Исманова, С.Камолдинова, С.Юнусова

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

(АДАБИЙ ЎҚИШ)

Тўрт йиллик бошланғич таълимнинг
4-синф ўқувчилари учун дарслик

Учинчи босилиши, қайта ишланган

Қирғизистон Республикаси
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган

Бишкек 2012

УДК 373.167.1
ББК 83.3 я721
И 87

Академик *М.Т.Мамасанов* тахрири остида

Иккинчи нашри 2007 йил

Исманова А. ва бош.

И-87 Ўзбек адабиёти (Адабий ўқиш): Тўрт йиллик бошланғич таълимнинг 4-синф ўқувчилари учун дарслик./Исманова А., Камолдинова С., Юнусова С.
Б.: 2012 - 168 б.

ISBN 978-9967-439-89-4

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун «Дарсликлар яратиш маркази» томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни «Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри, Г. Айтиев кўчаси, 27-уй.

И 4306020400-12

УДК 373.167.1
ББК 83.3 я721

ISBN 978-9967-439-89-4

© А. Исманова, С. Камолдинова, С. Юнусова, 2012.
Дарсликлар яратиш маркази, 2012.
Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги, 2012.

САЛОМ МАКТАБ

Мақсуд Шайхзода

Биз мустақил даврда эркин насллар
Бизни қилар парвариш гулгун фасллар.
Бизни кутар маърифат олий қасрлар,
Биз илмнинг қалъасин олмоққа келдик,
Бахтимизнинг созини чалмоққа келдик!
Ўқийлик ғайрат ила, баҳо бўлсин «5»
Бизга Ватан китоби қўлланма ва эш,
Илғорлардан саналмоқ кўп ҳурматли иш...
Салом мактаб! Салом фан - ифтихоримиз,
Бизни сенга йўллади гул диёримиз.



Савол ва топшириқлар

1. Шеърни ўқинг ва ёд олинг.
2. Шеърдаги қайси сатрлар сизга ёқди?

КИТОБ ЎҚИШ ҚОИДАСИ ОЎҚИЛ БОБО МАСЛАҲАТИ

Малик Муродов

Кимда - ким ёшлигида китобни севса, у билан қиёматли дўст бўлса, китоб ўқишни ҳар кунги одатга айлантирса, ўқиш маданияти кўникмасини ҳосил қилиб, уни тобора ўстириб борса, ундай киши албатта ўқимишли бўлиб етишади. Бугина эмас, балки машҳур киши бўлишига замин ҳозирлайди. Чунки, кўп ўқиш, ўқиганда ҳам китоб ўқиш маданиятига амал қилган ҳолда иш тутилса, тафаккур жавоҳири китоб-дўстликка, меҳнатсеварликка, матонатли бўлишга, қобилиятини ўстиришга, фан ва маданият бойликларини эгаллашга, инсоният тарихи ва ҳозирги ҳаётини тушуниб олишга ёрдам берувчи ҳақиқий воситачига айланади.

Хўш, китоб ўқиш маданияти деганда нимани тушуниш лозим?

Булар:

- китобни танлай олиш ва зарурини ўқиш;
- китоб устида ишлаш малакасини обдан ўрганиб олиш ва унга чуқур амал қила билиш;
- китобни мустақил ўқий билиш;
- ўқиган китобнинг асосий мавзусини талқин қила билиш, унинг фусункор оламига кира билиш;
- ўқиганлардан ҳаётий хулоса чиқариш;
- унинг керакли, зарур жойларини ён дафтарчага кўчириб олиш, нотаниш сўзларни эса сақлаб қолишга интилиш;
- мунтазам равишда ўқиш кўникмасига эга бўлиш;
- китоб билан муомалада энг яқин дўстингга муносабатда бўлгандай эътибор билан қараш;
- китобни шошилмасдан, ўйлаб, диққат- эътибор билан ўқиш малакасини эга бўлиш;
- қайта-қайта ўқиш-китобхонлик кўникмасини орттириш;
- китобни ўринда ётган ҳолда, кўчада, машинада, трамвай ва троллейбусда мутолаа қилмаслик.



Савол ва топшириқлар

1. Сўз санъати қачон пайдо бўлган экан?
2. Болалар учун ёзилган қандай асарларни биласиз?

1 БЎЛИМ

ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Бадий асарларга эртақ, масал, ҳикоя, ривоят, нақл, шеър, мақол, топишмоқ ва дostonлар киради. Сиз уларни ифодали ўқишни билишингиз лозим. Бунинг учун берилган сўзлардаги ҳарф бирикмаларини тўғри ўқиш, ҳарф бирикмаларидаги унли товушларга урғу қўйиб ўқиш ва ундошлар талаффузига эътибор бериш лозим.

Масалан:

пи, пэ, по, па, пў, пу, пи
би, бэ, бо, бў, бу, би

пибби, пэббэ, пабба
тидди, тэддэ, тадди

КУЗ

Яна хазонрезгилик,
Боғлар ранги синиқди.
Дилда ҳоким эзгулик,
Анҳорда сув тиниқди.
Оқ ятакли қайинлар
Тақди яна зар балдоқ.

Т. Адашбоев
Қушларга гап тайинлаб
Чағ-чағлайди зарғалдоқ.
Уфқ эса лолагун,
Дарахтлардан ранг олар.
Хайрлашиб куз бугун,
Сочар олтин тангалар...



Изоҳли луғат

зар балдоқ - олтин ёки қумушдан ясалган тақинчоқ
зарғалдоқ - чумчуқсимон қушларнинг тури, қанотлари
қорамтир, ўзи сариқ сайроқи қуш.



Савол ва топшириқлар

1. Шеърни ифодали ўқишни ўрганинг ва ёд олинг.
2. Сўзлардаги унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилинг.
3. Куз манзарасини ифода этувчи сўзларни аниқланг.

ОЛТИН ФАСЛ

I ҚИСМ

Она диёримизга олтин куз ўзининг баракали сепини ёйди. Салқин кечалар, эрталаб майса-кўкатлар, дов-дарахтлар баргларини безайдиган шудринглар куз келганидан дарак бермоқда.

Тоғ дараларидаги шаффоф шалолалар садоси пасайди, асрий музлар эришдан тўхтади, тоғ ҳавзаларидаги сувлар камайди. Наъматаклар меваси қизил ранг олди.

Бу даврда пахта далалари ҳам ўзига хос манзара касб этади. Қуёш уфқдан бош кўтариши билан унинг заррин нурлари, ғўза қатор ораларига тушиб, баргларидаги шудринглар ранго-ранг бўлиб товланади. Қуёш нури тушган барглар, кеч очилган гуллар, лўппи-лўппи пахталар кўзни қамаштиради.

Эрталаб ва қуёш ботаётган пайтларда чуғурчуқлар галаси кўзга кўриниб қолади. Улар ҳали диёримиздан учиб кетишгани йўқ. Сентябрь охирига бориб чуғурчуқлар биз билан хайрлашиб, ўзлари учун қадрдон бўлиб қолган жойларга парвоз қилишади.

Иссиқсевар қалдирғочлар, узунқанотлар, кўкқарғалар биринчи бўлиб учиб кетишади.

Сентябрда туёқли жониворларнинг ҳам ҳаёти сезиларли даражада ўзгаради. Улар кўк ўтлар билан бирга, дон озуқаси, меваларни ҳам иштаҳа билан ейишади. Бу уларнинг қишга кўп куч тўплаб олишига имкон беради.

Кузнинг биринчи ойида мевалар, сабзавот маҳсулотлари, қовун-тарвузлар сероб бўлиши билан дилларга қувонч бахш этади. Ноклар, шафтолилар, олмалар фарқ пишади, узум ва анор ҳам дастурхонни безайди.



Савол ва тўншириқлар

- 1. Мағнадаги сўзларни тўғри талаффуз қилиб ўқинг.*
- 2. Мағнага режа тузинг ва қайта ҳикоя қилинг.*
- 3. Сиз кузни қандай тасвирлаган бўлар эдингиз?*

БУВИСИНИНГ УЗУМИ

Вахтанг Гоголашвили

Ҳаммага маълумки, узум фақат кузда пишади.

Баъзилар буни билади, баъзилар эса, йўқ. Масалан: Каха, буни билмас эди. Мана қандай воқеа содир бўлди.

Қўшнилари уйларини битирай деб қолишган эди. Улар Бедзина амакини оиласи билан хашарга чақирди. Грузия қишлоқларида

шундай одат бор, уйи битай деганда, албатта ошна-оғайнилари ни ёрдамга чақиршади ва охириги шифер билан миҳни қоқиб бўлиб, ҳаммалари стол атрофига ўтириб, уй тўйини нишонлашади.

Қўшнилар хашарга амакиси билан кеннойисини, бувисини, онасини ва Гуликони чақиршди. Кичкина болалар эса уйда қолиши керак эди.

Манана билан Гоги катталар базмида бўлишни жуда-жуда иташса ҳам эътироз билдиришмади. Каха бўлса инжиқлик қилиб: «Мени ҳам олиб боринглар! Мен ҳам қўшнига ёрдам беришни хоҳлайман!»-деб туриб олди.

Уни гапга кўндирмоқчи бўлишди, уялтиришди, бари бир бўлмади. Бедзина амаки бошқа иложи қолмагач: «Майли, уни ҳам олиб борамиз...» дейишга рози бўлган эди, бирдан онасининг ёдига ўғли узумни яхши кўриши тушиб қолди.

– Биласанми, нима, -деди онаси, – агар қолсанг, сенга узум олиб келамиз.

– Ростданми?-сўради Каха ҳар эҳтимолга қарши.

– Рост, рост!-суянганидан бақириб юборишди онаси, амакиси, бувиси ва Гулико.

Каха ўйлаб туриб рози бўлди. Қўшнининг томида ҳеч қанақа қизиқ нарса йўқдир, узум бўлса-чи, ҳатто у сал-пал хомроқ бўлса ҳам ширин нарса.

Кечқурун катталар қўшнининг томини ёпишаётганда Каха ўзи ювиниб, кейин ечиниб, ўрнига ётди.

Эрталаб уйғониб, Каха онаси ётган каравотга чиқиб, секин сочидан тортди:

– Ойижон, узум олиб келдингизми?

Олдиниға онаси уйқузираб унинг нимани сўраганига тушунмади. Кейин эса:

– Кечир, жонгинам, бутунлай эсимдан чиқибди!-деб ўғлини бошини силади. Каха яланг оёқ ҳовлига югурди. Тамара кеннойиси сигир соғаётганди.

Визз-визз, визз-визз...-сут томчилари челакка уриларди.

– Кеннойи, узум олиб келдингизми?

– Вой, кечир мени, Каха, - деб у қўлларини силкитди.

Бола югуриб айвонда ётган Гуликонинг олдига борди.

– Гулико, Гулико!-опасини силкита бошлади у.

У зўрға кўзларини очиб.

– Нима бўлди?-деб сўради.

– «Нима, нима»...-масхара қилди Каха. – Узум қани?

– Кечир, Кахажон, эсимдан чиқибди, – деб хижолат бўлди Гулико.

У яна бир нима демоқчи эди, лекин Каха энди қулоқ солмади. У тахлаб қўйилган баланд жўхори устига чиқиб ўтирди. «Уялмасдан алдашганини-я!»- ғамгин ўйлади у. Яна улар катта одамлармиш». Бирдан Каханинг кўзи бувисига тушди. У жуда эрта туриб ўтлоққа бузоқни олиб бориб қўйиб, нонуштага кўкат олиб келаётганди. Каха туриб, унинг йўлини тўсди.

– Уйғондингми, менинг қувончим!-кулиб деди бувиси.

Жавоб ўрнига невараси сўради:

– Бувижон, сиз ҳам узумни эсингиздан чиқардингизми?

Бувиси бирдан шошилиб қолиб, ҳатто қўлидаги кўкатларни ерга тушириб юборди. Каха эҳтиёткорлик билан кўкатларни йиғиб энди уй томон бурилган эди, яна бувиси билан тўқнашди, унинг қўлида икки бош сап-сариқ узум бор эди.

– Мана сенга узум, неваражоним. Тўғри, бултурдан бери анча сўлиб қолган, аммо жудаям ширин.

– Раҳмат, мен фақат шунақасини яхши кўраман, – деб суюниб кетди Каха.



Тавалот ва гуниҳомасбу

1. Ҳикоядаги сўзларни ролларга бўлинг ва тўғри ўқинг.

2. Грузияликларнинг қандай урф-одати бор экан?

3. Она Кахани алдаб тўғри қилдим?

4. Кахага узумни ким олиб келди?

Широқ ҳалок бўлди бийдай саҳрода,
Ёвнинг қиличида чопилди тани.
Лекин озод қилди, даҳлсиз қолди
Кўзин қароғидай азиз Ватани.

Бу хабар яшиндай кезди овулни,
Кирди ҳар ҳовлига эшик, дарчадан.
Шу чоғ ёлғиз қолган нуроний она.
Йиғлади дунёни бузиб дафъатан:

«Алвидо, паҳлавон, алвидо, мардим,
Юртнинг асл ўғли-суянган тоғим.
Шаънимизни мангу нурга чулғаган,
Бўронларда мангу ўчмас чироғим!»

Ҳануз эшитилар шаклар фарёди,
Гарчи бу ўтмишдир биздан кўп йироқ.
Хотирда: фанимни ажал даштига
Бошлаб кетаётган музаффар Широқ.

Изоҳли луғат

овул - қишлоқ

шак - қабилла номи

Широқ - шак қабиласининг афсонавий қаҳрамони

Савол ва ғалатиликлар

1. Шеърни ифодали ўқинг.
2. Шеър неча мисрадан иборат.
3. Широқнинг жасоратига тавсиф бериш.
4. Она ноласи тасвирланган муҳим ўринларни аниқланг.
5. Уйда Широқ ҳақида эртак ёзинг.

ТЕЗ АЙТИШЛАРНИ МАШҚ ҚИЛИНГ

Олти жуфт оқ чинни чойнакка тўрт жуфт кўк қоқоқ, тўрт жуфт кўк чинни чойнакка олти жуфт оқ қоқоқ ёпса бўладими?

Ўктам кўм-кўк, кўркам кўклам расмини кўм-кўк қаламда чизмоқчи.

Бир туп тут, тутнинг тагида бир туп туруп. Тут турупни туртиб туришtimi, туруп тутни туртиб турупtimi?

Олтин ўтлоқ - оқ ўтлоқ.

МАҚОЛЛАР

1. Ўқиган бошқа - уққан бошқа.
2. Дўстинг билан сирдош бўл, қилган ишига қўлдош бўл.
3. Кенг бўл, тоабад камлик тортмайсан
4. Камтариннинг кўнгли тоғ, Бахилнинг кўнгли доғ.

ТОПИШМОҚЛАР

Ойна эмас жимирлар,
Тек туrolмас, қимирлар.

Касби доим тақир-туқур,
Қайда илон кўрса чўқир.

Ўзи қизил, гўзал бирам,
Қирга ёзар қизил гилам.

Пилла каби бўғиндор,
Ҳар бўғинда мағзи бор.



Сизга қандай топшириқлар

1. Топшироқлар, мақолларни ўқинг, топшироқлар жавобини топинг.
2. Сиз қандай мақол ва топшироқларни биласиз?

ТОШОХУР

Қурбон Жўра

Жалолобод шаҳридан
Бошланар кенг адирлар.
Одамлар туз дарани
Тошоҳур деб қадрлар.
Туташтирар шу дара,
Адирларни ўр - қирга
Ана, бир тош тўртбурчак,
Ўхшар худди охурга.

Ҳайрат билан тикилдик,
Табиатнинг сеҳрига.
Эга экан асрлар,
Бу тош инсон меҳрига.
Ем еганмиш, сув ичиб,
Алпомишнинг тулпори.
Шундан унга одамлар,
Ихлоси ҳам юқори.

Балки бу бир афсона,
Ё бўлгандир бир замон.
Лек табиат кашфини,
Эъзоз этар ҳар инсон.



Изоҳли дугат

тошоҳур - тошоҳир ҳайвонларга ем берадиган идиш (демак тошдан ясалган охур)

Тошоҳур - Жалолобод вилоятига қарашли жой номи



Савол ва топшириқлар

1. Шеърни урғу белгиларига риоя қилган ҳолда инфодали ўқинг.
2. Тошоҳур ҳақида қандай афсонани билиб олдингиз?
3. Сиз ўз қишлоқ, шаҳрингиздаги қандай афсонавий жой номларини биласиз? Бу хусусида кексалардан сўраб билиб олинг.

ҚУШЛАР МОЖАРОСИ

Йонас Авижюс - Литва ёзувчиси

Ҳовлида кўкрагини кериб, гўдайкиб юрган гулғули бошқа ҳамсояларига мақтанди:

– Ҳаммангдан зўрман! Тенгим йўқ! Бўлди-қўйди, фозчалар-эй!
Қўлди-юлди, чўлтоқ товуқчалар қоқсуяк жўжахўрозлар! Пўшт-эй,
бошлиққа йўл бўшат!

– Ғо-ғо-ғо! - деб кулди қари ғоз. – Аввал қўл қўйишни ўрган, кейин бошлиқ бўласан.

– Ўзинг ёзишни биласанми?-деб унга ташланди ғулғули.

– Бўлмаса-чи! - деди пинагини бузмай қари ғоз. – Бундан юз йил, ҳатто минг йил олдин ёзилган жами китоблар бизнинг патимиз билан битилган. Ғоз патида ёзилган китобларни ўқиган одамларнинг ақлига ақл қўшилиб, пўлат ручкаларни кашф қилишган, билдингми! Мен ҳам аслида бошлиқ бўлишга арзийман, лекин камтарлик қиялман.

– Мендан ҳам бошлиқ чиқади,-деб можарога аралашди хўроз. – Биласанми, қадим замонларда соат бўлмаган, лекин ўз вақтида уйқудан туришган. Чунки уларни ҳар куни эрталаб аканг қарағай уйғотган. Энди одамларда соат бўлса ҳам, бари бир, уйғотишни қанда қилмайман. Кўрдингми, хизматларим жуда катта, мақтанишга арзийди, лекин бундан нима фойда?

– Бор мақтанса топилар, йўқ мақтанса чопилар, - деб ғулғули ғулдираб қўйди-да, баттар кеккайди.

– Мақтанишдан олдин бурнингни артиб ол, кейин ғўдайсанг ҳам ярашади, - деди қари ғоз.

Паррандалар қоқоғлаб кулиб юборишди, ғулғули шошиб қолди. Кўзини қия сузиб, бурнига қараса, чиндан ҳам қип-қизил бўлиб осилиб тушяпти.

Шу пайти бўйнига қизил галстук бойлаган Алдутетовуқбоқарнинг қизи келиб қолди. Галстукни кўрган ғулдулининг баттар жаҳли чиқиб:

– Э-ҳа, бўлди-қўйди, қўйди-бўлди, сен ҳам мени майна қилмоқчимисан!-деб Алдутегга ташланган эди, Алдуте қўлидаги хипчин билан уни тушириб қолди. Ғулғули турган жойда чанг кўтарилди. Ўтакаси ёрилиб қочиб бораётганда ҳамсоялари уни қувлаб қолишди:

– Ҳой, қаёққа? Бошлиқ деган ҳам шунақа қочадими?..



Савол ва топиширликлар

1. Матнин ичингизда ўқинг ва қайси сўзларга урғу бериб ўқиш мумкинлигини аниқланг.
2. Матндаги тимсолларни аниқланг ва ролларга бўлиб ўқинг.
3. Нима учун Алдуденинг қизил галстугига фулғулнинг жаҳли чиқди?

Билиб олинг! Матн ифодали ўқилганда тиниш белгилар бор жойда қисқа тўхтам қилинади. Тиниш белгиларга вергул (,) нуқта (.), ундов белгиси (!), сўроқ белгиси (?) киради.

Эсланг: тўхтам нима?

ОТА ВАСИЯТИ

(ЭРТАК)

Малик Муродов

Қадим замонда бир камбағал деҳқон ўтган экан. Унинг ҳовлисида бир туп токи бор экан, шу тоқдан олган ҳосилни сотиб, қишин-ёзин тирикчилик қилар экан. Бир куни деҳқон бетоб бўлиб ётиб қолибди. Шунда у ёлғиз ўғлини ёнига чақириб бундай дебди:

– Ўғлим, менинг куним битганга ўхшайди. Сенга айтадиган бир гапим бор. Шунини қулоғингга исирға қилиб ол. Гапим шуки, тоқларимизнинг орасига икки хум тилла кўмилган. Шу тиллани йилда икки мартаба – баҳор ва кузда ковлаб олиб, тирикчилигингга яратгин. Зора шу билан бойиб кетсанг.

Отаси шу гапларни айтибди-да, оламдан ўтибди. Бу пайт қиш экан, бола баҳорни орзиқиб кутибди. Баҳор ҳам келибди...



Савол ва топиширликлар

1. Эртақни тўхтамларга риоя қилиб ўқинг.
2. Эртақни ўз фикрингиз билан давом эттиринг.
3. Сизнингча бола икки хум тиллани топдимми?

Ўрмондан ўтиб кетаётган бир йўловчи пўстлоқ саватини бехос тушириб қолдирибди, сават ўша тушган ерида қолиб кетаверибди. Шу атрофда учиб юриб саватга кўзи тушган пашша: «Қарайчи, зора егулик бирон нарса топилса», -деб ўйлабди.

Саватнинг қопқоғида катта пашша ҳам бемалол сиғадиган тешик бор экан.

Пашша сават ичига киришга кирибди-ю, аммо бирон тузукроқ егулик тополмабди: сават бўм-бўш, фақат тагида озгина нон ушоғи бор экан. «Майли, ушоқ ҳам бўлаверади, - деган қарорга келибди пашша. –Борига барака. Бу ерда мени бирон қуш еб ҳам қўймайди, ёмғирда қолиб шалаббо ҳам бўлмайман.

Шундай қилиб, пашша сават ичидан чиқмай қўя қолибди. Бир кун ўтибди, икки кун ўтибди, уч кун ўтибди. Учиб, овора ҳам бўлмабди. Ушоқ тамадди қилишга етиб турибди.

Баногоҳ учиб келган чивин саватнинг тешиги ёнига қўнибди-да:
– Ҳой, кошонада ким бор? Бу ҳашаматли уйда ким яшайди?-деб сўрабди. – Мен яшайман, ўзинг кимсан?

– Мен финғиллоқ, искабтопарман. Ёнингга кирсам майлими?

– Кир, киравер! Хоҳласанг, шу ерда яшашинг мумкин.

Искабтопар энди саватга кирган ҳам экан, иттифоқо ари пайдо бўлибди:

– Ҳой, кошонада ким бор?

– Биз, фўнғиллоқ пашша билан финғиллоқ искабтопар бормиз, ўзинг кимсан?

– Мен жиккак ариман. Менга ҳам жой топиладими?

– Жой-ку топилади-я, лекин тешик торлик қилмасмикин сенга?

– Қанотчаларимни йиғиштириб олсам бўлди, бемалол сиғаман, семиз эмасман.

– Ундай бўлса, киравер, қаламингга ҳасанот!

Ари саватга кирган заҳоти ташқаридан тағин овоз эшитилибди:

– Ҳой, кошонада ким бор? Ким бор бу ҳашаматли уйда?

– Ғўнғиллоқ пашша, ғинғиллоқ искабтопару жиккак ари ўтирибмиз, ўзинг кимсан?

– Мен сўнаман

– Хўш, нима ишинг бор?

– Ичкарини бир кўрсам девдим.

– Бош устига! Аммо тешикдан кира олармикинсан?

– Нега киролмас эканман?! Сал ёнласам, сиғаман қўяман-да! Сўна ҳам саватга кириб олибди.

Улар ўртасида ҳангома қизиб кетибди.

– Мен шунчаки, жайдари эмас, девпашшаман, - дебди пашша.

– Бизнинг наслимиз асл, жуда қадимий зотлардан.

Ҳамма жойда бизга йўл очиқ. Хоҳлаган жойимизда емиш тайёр. Эҳ-ҳе, татиб кўрмаган ҳеч нарса қолмаган мендан! Қаерларда бўлмадим мен! Ҳеч қаерда мендай аслзода пашша йўқ!

– Биз ҳам унақа-бунақалардан эмасмиз, -дебди ари.

– Менинг олдимда нима бўпсан сен!? Чиройим ҳам, овозим ҳам оламга машҳур. Шунақа донгдорман ман.

– Барибир ғўнғиллашда мендан ўтолмайсан-ку, - дея керилибди сўна.

– Лекин сенинг овозинг ёқимли эмас. Менинг овозим бўлса, майин, - дебди ари.

– Менинг товушим ҳаммангникидан ўткир, ҳаммангникидан жарангдор!-деб ғинғиллабди искабтопар.

Шу тариқа улар ўзаро баҳслаша бошлашибди. Шунда ногоҳ ташқаридан нотаниш шарпа эшитилиб қолибди.

– Ким у?- дея сўрашибди саватдагилар.

Аммо чурқ этган жавоб эшитилмабди.

– Ҳой, юқорида тимирскилаётган ким? Гапир! Яна жавоб бўлмабди.

– Ким у бизга халақит бераётган? Биз, кимсан девпашша, ғинғиллоқ искабтопар, жиккак ари, ғўнғиллоқ сўнаминиз.

Юқоридан ҳамон жавоб қайтарилмабди.

– Чиқиб қараш керак!-дейишибди шунда саватдагилар.

- Мен чиқмайман, кимсан, аслзодаман-а! – дебди пашша.
- Мен ҳам чиқмайман, ҳаммадан хушовозман, - дебди искабтопар.
- Менга гапириб овора бўлманглар, ҳаммадан кўра чиройлиман, - дебди ари.

- Менинг чиқмаслигим тайин, чунки ҳаммангдан кучлиман!-дебди сўна.

Улар роса тортишибдилар, ҳеч қайсилари ташқаридан хабар олишни исташмабдилар.

Бирдан сават ичи қоронғилашиб қолгандай бўлибди.

- Қайси беадаб ёруғликни тўсиб қўйди?-дея қичқиришибди саватдагилар бир овоздан.

- Э, ўргимчак ин тўқияпти шекилли, - дебди искабтопар.

- Ростданми? Йўғ-е!-талвасага туша бошлашибди саватдагилар.

- Энди нима қилдик? Тезроқ саватдан чиқиб олмасак бўлмайди! Йўқса, нақ ўргимчак ҳаммамизни чирмаб ташлайди.

- Мен биринчи чиқаман, - деб қичқирибди пашша, –мен ҳаммадан аслзодаман!

- Йўқ, мен биринчи чиқишим керак! – дея ғувиллабди ари,-мен ҳаммадан чиройлиман!

- Ҳечам-да, менга йўл беринглар! – Чийиллабди искабтопар, -мен ҳаммадан хушовозман!

Шу зайил ўзаро тортишув бошланиб, ёқалашув хавфи туғилибди.

Фурсатдан фойдаланган ўргимчак чаққон ип тўқий-тўқий кўп ўтмаёқ ишнини охирига етказибди. Қарабсизки, ташқарига чиқиш йўли қолмабди. Охир – оқибат искабтопар ҳам, пашша ҳам, ари ҳам, сўна ҳам сават ичида қолиб, ўргимчакка ем бўлибдилар.



Сават ва тошхиряклар

1. Масални ўқинг ва қандай тиниш белгилар ишлатилганини айтгинг.
2. Масалдаги тимсолларни аниқлап ва ролларга бўлиб ўқинг.
3. Масалга режа тузинг ва қайта ҳикоя қилинг.
4. Ноаҳиллик қандай оқибатларга олиб келади?

Анвар Обиджон

Зўр товугим бор эди,
 Семиз ва сергап.
 «Япалоқ» деб мен унга
 Қўйгандим лақаб.
 Тухум қилиб берарди,
 Ҳар куни оппоқ.
 Шу туфайли у билан
 Яшардик иноқ.
 Аммо сўнгги пайтда у
 Бўп қолди айёр.
 Тухум десанг, юз бурар
 Дон сочсанг-тайёр.
 «Дангаса»! деб кеча сал
 Қилган эдим дўқ.
 Бугун кўрсам катакда -
 Товуққинам йўқ.
 «Япалоқ»ни қидирдим.
 Чақирдим роса
 Наҳотки у аразлаб,
 Кетворган бўлса.
 Катагида қолибди.
 Фақат битта пат,
 Ва ойдинда ёзилган
 Ажи-бу хат:
 «Менга жуда меҳрибон,
 Ширин сўз эдинг,
 Доим суйиб эркалаб.
 Тухумим ердинг,
 Сени дўст деб юрардим
 Тушундим бугун

Фақат ошна экансан
 Қуймоқлар учун.
 Тухумни ҳам берардим,
 Кутмадинг пича
 Қўпол сўйлаб, айниқса
 Ранжитдинг кеча.
 Гарчи сендан айрилмоқ,
 Бўлса ҳам оғир
 Қарор қилдим бош олиб
 Кетмоққа охир.
 Чунки дўст деб юргани
 Тамагир чиқса,
 Ҳатто оддий товуқ ҳам
 Ўксинаркан жа...
 Энди бошқа жойларда
 Соламан довруғ
 Сени эслаб юргувчи
 Япалоқ товуқ».
 Мендан битта илтимос,
 Болалар, сизга,
 Япалоқни кўрсангиз
 Қайтаринг тезда.
 Қайтса чин дўст бўлардим,
 Сўзлардим сизлаб.
 Кечирим ҳам сўрардим,
 Патларин силаб.

Савол ва топшириқлар

1. Шеърни овоз чиқариб, тиниш белгиларга эътибор берган ҳолда ифодати ўқинг.
2. Шеърдаги тимсолларни аниқланг ва ролларга бўлиб ўқинг.
3. Тамагирлик ҳақида фикр юритинг. Фикрингизни мисоллар билан асосланг.

Темп - бадий асарни ўқиш даражаси.

Ўқиш даражаси - ўрта, паст ва юқори бўлади.

Ажратилган сўзларни ўрта, паст ва юқори даражада ўқишни машқ қилинг.

Эртак сўзлайлик қулоқ бер менга

Эртак сўзлайлик қулоқ бер менга

Эртак сўзлайлик қулоқ бер менга

КАТТА ВА КИЧИК

Учай Дегук

Сўрашибди филдан бир кун:

- Айтчи, кимдан қўрқасан?
- Йўлбарс зўрми, ё Маймун,
- Қай бирин сен зўр дейсан?!

- Айтгин, қай бири йиртқич?
- Менимча, сичқон қўрқинч!
- Қўрқмоқ керак миттидан,
- Бир гап чиқар кетидан!

Чиқиб олиб бошингга,
Заҳар солар ошингга!
Уни бўлмас қулатиб,
Ўтирмагин йўлатиб.

Кичкина ёв қўйнингга -
Кириб олиб уйингга
Босиб қолар ғафлатда
Кичикдан қўрқ албатта.

Катта душман келиб тик,
Уришар билмай ҳадик.
Катта душман айтарли
Эмас ундан хатарли.



Символ ва топшириқлар

1. Шеърдаги ажратилган сўзларни темп даражасига риоя қилиб ўқишни машқ қилинг.
2. Нима учун кичик ёвдан кўрқиш керак?
3. Шеърни ёд олинг.

ОНА МУСИЧА

А. Сотиболдиев

Иккинчи қаватда жойлашган тўртинчи синфнинг кунга қараган деразасига баҳорга яқин мусича уя қурди. Икки дона тухум қўйиб, уни босишга, бола очишга тараддуд кўра бошлади. Табиат муаллими ўқувчиларига:

– Бунга сира халақит *берманглар*. Деразани очибми, ё бўлмаса, *тарақлатиб* безовта қилманглар. Уларнинг яшаш шароитини ўрганамиз,-деб қаттиқ тайинлади.

Болалар муаллимнинг *айтганларича* иш тутишди. Уни авайлаб, иложи борича безовта қилишмади. Бирор ҳафталардан кейин *мусича* бола очди. Шундан сўнг болаларини *ёлғиз қўйиб*, дон тўплагани учиб кетди, йиғиб тўплаган донларни *ўзи емай* болаларига оғзида ташиб кела бошлади.

Мухтор, Ҳасанжон *ўртоқлари* билан келишиб, мусича қийналиб қолмасин, деб нон ушоқлари ва *бир* ҳовуч буғдой олиб келишди. Мусичани чўчитиб юбормаслик учун дон излаб кетгандан кейин бу нарсаларни қўйишмоқчи бўлишди.

– Бир суюнсинки, донни еб бизга *раҳмат айтади*,-деди Ҳасанжон.

– Севинганини кузатамиз-а? Ё ишламай топилган овқатни *емасмикин?* Дадамлар, қушлар ҳам *меҳнат қилиб* емишини тўплайди, дегандилар.

Узоқ танаффусдан кейин Ҳасанжон деразани *аста* очиб, жажжигина *жиш* *полапонлар* олдига донларни қўйиб, бир оз кузатиб турди. Қизиқсиниб уларни *секин* ушлаб кўрмоқчи бўлиб қўлига олганди ҳамки Мухтор: «*Тегма*, ёмон бўлади. *Заҳа қилиб қўясан*».

деб тирсагидан тортиб юборди. Иккинчи қаватдан тушган мусича болалари асфальтга тушиб, ўша заҳотиёқ чалпак бўлиб қолди. Ҳасанжон билан Мухтор синфдошларининг олдида эҳтиётсизлиги туфайли жуда катта гуноҳ қилиб қўйишди.

Муаллимнинг кўзига қандай кўринамиз, деган ўйдан сесканиб кетди. Улар деразани ҳаяжондан анча қийналиб ёпиб қўйиб, ранглари бўзариб, ўринларида жимгина нафасларини ичларига ютиб ўтиришди. Оғзи тўла дон билан келган она мусича болаларини ўрнида топа олмай, уясида ғамгин, шумшайиб турди. Хафа бўлганидан оғзидаги донлар ерга тушди. Уяси олдидаги болалар қўйган донга қарамади. Болаларнинг шовқинига парво қилмай узоқларга бефарқ, ўйчан тикилиб ўтирди. Ора-сира: «Уп-уп-уп» деб қўяди. «Бу унинг йиғиси бўлса керак. Улар ҳам йиғлар экан-да», - Ҳасанжон ана шуларни кузатди, хаёлидан ўтказди. У анчадан кейин яна учиб кетди. Бир оздан кейин яна оғзида дон тишлаб қайтиб келди. Биронтаси ҳазиллашиб олган бўлса, қайтариб қўйиб қўяр, деган бўлса керак. Шу дам девор остига тушган болаларини кўриб қолди. Ўзини болалари томонга отди... Буни кўрган табиат муаллими ҳаммадан кўп қайғурди. Мухтор билан Ҳасанжон эса ўзларини йиғидан базўр тутиб турардилар...



Савол ва топшириқлар

- 1. Ҳикоядаги ажратилган сўзларни тегили даражасига ривоят қилиб ўқинг.*
- 2. Сизнингча мусича полапоинини ерга тушиб кетишига ким айбдор?*
- 3. Мусича қандай куш? У ҳақида қандай ривоят биласиз?*

САККИЗ САВОЛ

М.Халил

- Нима азиз кўҳна дунёда?
- Меҳнат билан топилган нонинг.
- Нима қиммат ҳар бир инсонда?
- Топилмасдир ҳар лаҳза онинг.

- Нима покдир, ҳам муътабардир?
- Фақат, фақат онанинг сути.
- Нима ўчмас, абадий порлоқ?
- Инсондаги муҳаббат ўти.
- Нима содда ва рост ҳаққоний?
- Алам билан оққан кўз ёши.
- Нима мангу ва ҳеч ўчмасдир?
- Одамзоднинг орзу қуёши.
- Нима кескир - оловми, қилич?
- Энг тўғри сўз кескир, беомон.
- Баломи ё одатми-даҳшат?
- Бўхтон сўздир баридан ёмон.



Савол ва топшириқлар

1. *Шеърни ўрта, паст ва юқори темпга ажратинг ва ўқинг.*
2. *Шеърда берилган саволларга сиз қандай жавоб берган бўлардингиз?*
3. *Шеърни ёд олинг.*

ГУЛЛАР ВА ШАМОЛ

(ЭРТАК)

Рауф Толиб

Бир бор экан, бор бўлганида ҳам бир-биридан чиройли, бир-биридан хушбўй гуллар бор экан. Тонг чоғида еллар майини эсганида улар аста-секин тебранишиб, рақсга тушишаркан. Қуёш бобо кўкда жилмайиб кўринганида гуллар яна ҳам очилишиб кетишаркан. Ўтган-кетганларнинг уларга ҳаваси келаркан. Лекин улар ўртасидаги баҳсни ҳеч ким эшитмас экан. Фақат шамолгина . . .

- Гуллар ичида энг сараси ўзимман,-дебди олтиндек ярақлаган Сарикгул ҳил-ҳил товланиб, - шуъла сочишда қуёшга ўхшайман.

Қараб туриб, қуёшнинг ҳам менга ҳаваси келади.

- Сал пастроқ тушинг, жуда ошириб юбордингиз-ку, - дебди Оқгул

ғаши келиб, - чаманга оро берган мен бўламан. Тонг ўз чиройини мендан олган. Сиз қуёш бўлсангиз, мен ойман.

Гулсапсар бу гапларни эшитиб, чидаб туролмапти:

– Бу ерда биз ҳам бормиз. Одамлар бизга бекорга қарашмайди.

– Ҳуснда танҳо мен ўзимман, – дебди керилиб Пуштигул.

– Чиройда менга тенг келадиган гул топилмаса керак ё гапим ёлғонми?–дебди Карнайгул ва Атиргулга қарабди. Мақтанчоқларнинг гапидан Атиргулнинг юзлари қип-қизариб лов-лов ёниб кетибди. Райҳон эса уялганидан ўзини гуллар панасига олибди.

– Гулларжон, - дебди Шамол чидолмай, – айтинг- чи, ким ўзини мақтайди? Наҳотки сизлар . . .

Кутилмаганда гуллар ҳам жим бўлиб қолишибди. Шамол эса гапида давом этибди:

– Мен чиройлиман, деб бир-бирингизга гал бермайсиз-а? Райҳонга қаранг, у хунукми?

Ҳамма Райҳонга ялт этиб қарабди. Мақтовларга ўрганмаган Райҳон қимтиниб яна ҳам ўзини панага олибди.

– Тўғри, - дебди Шамол, – у бир оз кўримсиз. Лекин хушбўйликда сиздан қолишмайди. Сизга айтсам, ҳар бирингизнинг ўз ўрнингиз бор. Унутмангки, мақтаниш, яхшиликка олиб келмайди.

Гуллар ҳам оҳиста тебранишиб, шамолнинг гапларини тасдиқлашибди.

Шамол ҳам шод бўлибди-да, уларнинг хушбўй ҳидини узоқ-узоқларга олиб кетибди. Шу билан эртақ ҳам битибди.



Савол ва топшириқлар

- 1. Темп қондасига рноя қилган ҳолда эртақни ўқинг.*
- 2. Эртақда қандай гуллар ўзаро баҳслашмоқда?*
- 3. Улар орасидаги тортишув асосан нима ҳақида эди?*
- 4. Шамол нима учун улар баҳсига аралашди?*

КЎЗАЧА ВА БЎТАЧА

(ЭРТАК)

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир бола бор экан. У жуда ҳам эркатой экан. Айтгани айтган, дегани деган экан. Отаси билан онаси у нимани сўраса муҳайё қилар экан. Кунлардан бир кунги бола:

– Кўзача! Кўзача! - деб хархаша қилибди. Отаси билан онаси елиб-югуриб ахири бир кўзача топиб келишибди.

Шунда бола:

– Бўтача! Бўтача! - деб хархаша қила бошлабди.

Шўрлик ота-она елиб-югуриб, бўтачани ҳам етаклаб келишибди. Лекин шу маҳал бола:

– Кўзачамга бўтачамни солиб берингла! - деб уввос солибди.

Ота билан она танг аҳволда қолибди, чунки бунинг уддасидан чиқиш жуда ҳам мушкул экан. Ахир, бўта шунчаки миттигина бўтача эмас, балки бутун бошли бўталоқ эканда. Аммо шуниси ҳам борки, эртакта ҳамма нарса қилса бўлади.



Савол ва топшириқлар

1. Эртактан ўрта, паст, юқори темпларни аниқланг ва ўқинг.
2. Эртакни қандай давом эттира оласиз?
3. Сизнингча, болани қандай таърифлаш мумкин?

ОЧ БЎРИ, ШЎХ ҚЎЗИ ВА ҚИРЧАНГИ

(МАСАЛ)

Шукур Саъдулла

Қорни очиб, кучи қочиб келарди Бўри,
Дер эдики: «Йўлиққаннинг қурийди шўри».
Не бўлди-ю, қаршисидан чиқди бир қўзи,
Суюнчидан чиқаёзди Бўрининг қўзи.
Бўри деди: «Очман, ҳозир сени егайман!»

Қўзи деди: «Майли, лекин бир сўз дегайман.
 Гўштим кабоб, ёғларимни жизза айласанг,
 Мурчга пиёзни ўлдириб, мазза айласанг.
 Бу дунёга бир келасан, шундай қил Бўри!»-
 Бўри деди: «Сўзинг маъқул, кенгашинг тўғри!»
 Бўри пиёз, мурч излаб овулга борди,
 Қўйчибонлар уни уриб, тумшуғин ёрди.
 Қайтиб келиб бўри кўрса йўқдир Қўзичоқ,
 Алаmidан деди: «Мени алдабди чатоқ!»
 «Чатоқ ўзинг!» деди ўтлаб юрган Қирчанғи,
 Бўри деди: «Энди сени ейман, эй шанғи!»
 От дедик: «Мунча қўпол бўлмасанг нодон!»
 «Ёлғон!»-деди Бўри, - менман катта билимдон!»
 От дедик: «Туғимда бор эди бир хат,
 Буни ўқи, отанг сенга ёзган васият . . .»
 Хат ўқимоқ бўлиб Бўри ортга қайрилди,
 Калласидан тепкини еб, жондан айрилди.



Савол ва Ҷавоблар

1. Масални ичингизда ўқинг.
2. Қайси сўзларни ажратиб кучли оҳанг билан ўқиш мумкин?
3. Масалдаги титмсолларни аниқланг ва улар хусусида баҳс мунозара юргизинг.
4. Бўри билан қўзичоқ ҳақида яна қандай масалларни биласиз?

ОСТАНА

Тўлқин Имомхўжаев

Чўғдек тиниқ кўзлар тўлар зиёга,
 Учраган кишига боқиб дўстона,
 Ахир кириб келдик улкан дунёга,
 Кичик уйимиздан ҳатлаб остона.

Остона-бу бизнинг илк қадамимиз,
Баланд чўққиларга биринчи зина.
Ойга муҳр босса гар одамимиз,
Остона хизмати бордир озгина...
Кичик уйимиздан босиб остона,
Биз кулиб боқяпмиз улкан дунёга.
Ҳаётга боқамиз ташна, дўстона,
Шунинг учун кўзлар тўла зиёга!



Савол ва топшириқлар

1. Шеърни ўқинг ва темп даражаларини аниқланг.
2. Ўйланг, Сизнингча, Ватан қасрдан бошланади?
3. Шеърни ёл олинг.

РУСТАМ

Фахри Эрдинч - Турк ёзувчиси

Бозорга кетаётган эдим, рўпарамдан етти-саккиз ёшлардаги оёқ яланг, чувринди бола чиқиб қолди. Елкасига ўзидан ҳам катта сават осиб олган. У, «мени ёлланг», деб ялина бошлади. Кўп нарса харид қилмоқчи эмасдим, шунинг учун уни рад этдим. Тўғриси айтсам, ёшгина болага юкимни кўтартириб юришдан номус қилдим. Бироқ у ялинаверди:

– Мен кўп ҳам сўрамайман, амаки, беш қуруш берсангиз бас. Бугун мени ҳали ҳеч ким ёлламади, пакана бўлганим учун ёллашмаяпти. Лекин бақувватман!

Унга ачиниб кетдим. Чўнтагимдан беш қуруш олиб болакайга узатдим:

– Олақол!

У бурнини тортиб қўйди-да, ҳайрон бўлиб менга қаради.

– Юкингизни олиб бориб қўйганимдан кейин берасиз.

– Олавер, мен сенга шундоқ беряпман.

Болакай худди озор чеккан қуш каби хурпайиб менга тикилиб қолди.

– Тиланчи эмасман! -деди у тўсатдан. -Юкингишни ташимасам, пулингишнинг нима кераги бор?

Нима деб жавоб қилишни ҳам билмай қолдим.

– Уйим анча олисда, - дедим ниҳоят. -Кўп нарса харид ҳам қилмайман. Ўзим олиб кетавераман.

– Майли, олис бўлаверсин. Қанча харид қилсангиз ҳам барибир. Нима сотиб олсангиз, шуни кўтариб кетавераман.

Энди кўнмасликнинг иложи қолмаганди.

– Майли, - дедим унга, - қани, кетдик.

У билан суҳбатлашгим келди. Бозорда кўп юрмадик.

Харид қилган нарсаларимни унинг ярим ҳам бўлмаган саватига солиб уйга қайтдик. У бошини тик тутиб (юки унча оғир эмасди), ўнг томонидан юриб, катта, ҳашамдор уйларни, баланд дарахтларни ва узоқдаги қор билан қопланган тоғларни томоша қилиб борарди.

– Исминг нима? - деб сўрадим ундан.

– Рустам. Қизилжаҳоман яқинидаги қишлоқдан келганман. Ёшим тўққизда. Онам ўтган йили қазо қилганлар. Қишлоқда амаким қолган, лекин у менга ёрдам бермайди. Шу сабабли ҳам Анқарага келдим, - деди у бидирлаб. Шошма, шошма, - дея гапини бўлдим, - буни сендан сўраётганим йўқ.

– Биладан, -деб жавоб берди у. -Лекин барибир, сўраган бўлардингиз. Яхшиси, бирданига жавоб бериб қутулганим маъқул.

У билан гаплашиш қийин экан. Ҳар бир сўзида болаларга хос бўлмаган тadbиркорлик сезилиб турарди.

Индамай қолганимни кўриб сўзида давом этди:

– Ҳамма суриштираверади, ҳаммасига гапириб беравераман-у, барибир ҳеч кимдан бирор наф кўрмайман. Ҳа, майли, бу ерда яна бир оз чидасам бас! Беш-олти йил...

– Кейин нима бўлади?

У менинг юзимга диққат билан тикилиб сўради:

– Сиз полицияда ишлайсизми?

– Нималар деясан! Қўрқма, қани менга айт-чи, беш йилдан кейин нима қилмоқчисан?

– Турмага ўт қўяман!

– Нега?

– Отамни қамаб қўйишган, уни озод қиламан!

Кулгидан ўзимни зўрға тийиб қолдим. Анча жойгача индамай бордик. Кейин сўрадим:

– Отангни нега қамаб қўйишди?

– Жандармлар билан олишганди. Биттасини қишлоқнинг нақ ўртасида ерга қулатди. Отам зўр мерган-да! Жандармнинг қоқ пешанасига теккизибди. Ўн саккиз йилга ҳукм қилишди. Ҳали икки йил ҳам ўтгани йўқ.

– Отанг нега жандармлар билан олишди?

– Солиқ тўламагани учун-да. Отамнинг пули йўқ эди. Улар келиб кўрпаларни, қозонни, ёпқини олиб кетмоқчи бўлишди. Шунда отам қўлига милтиғини олганди, жандармлар тирақайлаб қочиб қолишди. Отам, мана сенларга кўрпа, деб битта ўқ узди! Мана сенларга қозон, деб яна отди! Мана сенларга ёпқи, деб учинчи марта ўқ узди! Жандармлардан бири додлаб юборди-ю, кўчанинг қоқ ўртасида ерга қулаб тушди...

Уйга яқинлашиб қолдик. Яна нима дейишини кутиб, Рустамга диққат билан тикилдим.

– Менга бунақа қилиб қараманг, амаки. Биз қашшоқ одамлармиз, юзларимиз ҳам кир-чир.

Муюлишдан ўтдик. Тўсатдан бу болани савати билан қўшиб бағримга босгим келди. Лекин ботинолмадим. Фақат иягидан тутиб кўзларига тикилиб қарадим.

– Рустам, сенинг юзинг ҳечам ифлос эмас, ўғлим-дедим

– Анқарада, бутун Туркияда сенга ўхшаган минглаб шунақа болалар бор. Ҳаммаларнинг ақли расо, соф дил, ҳалол кишиларсиз. Кел, сени бир ўпай.

Рустам сал жилмайиб қўйди:

– Қўйсангиз-чи, афандим! Безгак касалим бор. Яна сизга юқиб қолмасин!

– Безгак юқумли эмас.

– Йўқ, юқумли. Менга онамдан юққан. Жуда ёмон касаллик. Безгагим тутса борми-худди лайлак тумшугини тақиллатгандек, тишим-тишимга тегмай қолади... Рустам гўё бунинг ҳеч қандай қайғули томони йўқдек кулиб қўйди.

– Рустам, отангни кўргани боряпсанми?-деб сўрадим ундан.

– Ҳар ҳафта боряпман. Унга сигарета элтиб бераман. Қанча пул ишласам, ҳаммасига сотиб оляпман. Ўтган ҳафтада ишларим юришиб кетиб, икки пачка сотиб олдим.

Унга кирганимиздан кейин хотиним дастурхон ёзди. Рустамнинг елкасидан саватни тушириб, ичидаги нарсаларни олдик. Унга ўн қурушли танга узатдим.

– Уйингиз яқин экан, юкингиз ҳам оз, -деди у беш қуруш қайтимни узатиб.

Яна: «Тиланчи эмасман», дейишидан чўчиб қайтимини олдим. У кетишга ҳозирланди.

– Кел, бирга тушлик қила қолайлик. Рустам!-дедим елкасидан қучиб.

– Мумкин эмас, - деб жавоб берди Рустам, - бугун бозор. Яна икки-уч марта юк ташишга улгуришим керак.

Шу пайт гапга хотиним аралашиб қолди. Бироқ лабини тишлаб қолишга тўғри келди.

– Оппоқ дастурхон ёпилган стол ёнида ўтиришга одатланмаганман. Санчқи билан овқат ейишни ҳам билмайман, - дея чўрт кесди Рустам.

– Яхши бола экансан, - дедим у билан хайрлашаётиб.

– Лекин ўйлаб қўйган ишинг менга ёқмаяпти.

– Қанақа ишим?

– Ахир сен турмага ўт қўймоқчисан-а? Рустам яна жилмайиб қўйди.

– Эҳ, амакижон-эй, шунга ишониб ўтирибсизми? Отамга далда бериш учун буни ўйлаб топгандим. Унга шуни айтганимда, отам панжара ортида ҳам йиғлаб, ҳам кулиб юборди!..

Кўзим ёшланиб кетди. Буфетдан икки қути сигарет олиб, унга узатдим:

– Бу сенга эмас, отангга. Уни кўргани борганингда, мендан салом айтиб қўй.

Рустам сигареталарни олиб қўйнига солиб қўйди-да, соддадиллик билан сўради:

– Ўзингиз ким бўласиз, амаки?

– Бунинг сенга нима кераги бор?

– Сиздан, ахир, салом етказишим керак-ку!

– Бир кишидан деявер. Кимлигимни айтиш шарт эмас. Кейин дадангга айтиб қўй: ўзини бардам тутсин. Бу турмалар ажойиб кунларнинг бирида ўз-ўзидан вайрон бўлиб кетади.

Ёшига нисбатан идрокли Рустам бунга ишонмагандир. Аммо айтган сўзларимни унутмаслигини ва албатта, отасига етказишини билардим.

– Амакижон, сиз яхши одам экансиз, - деди у кўчага чиқар экан. У жуда оч қолса, бизникига келишга ваъда берди.



Изоҳли лугат

куруш – Туркия чақаси

Савол ва тоғшириқлар



1. Матнни тўхтам қондасинга эриоя қилган ҳолда ўқинг.

2. Рустам нима учун ёлланиб ишлади?

3. Рустам оч қолганда нотаниш кишининг уйига боради, деб ўйлайсизми?

ҚАЙСИ БИРИ ОСОН

В.А. Осеева

Уч бола ўрмонга қараб жўнашибди. Ўрмонда маймунжон, кўзиқорин ва қушлар кўп экан. Болалар маймунжон ва кўзиқорин териб, ўйнаб юриб, кеч кирганини билмай қолишибди. Уйларига қайтгани кўрқибдилар.

– Кечикканимиз учун уйдагилар роса адабимизни беришади!

– Болалар йўлда тўхташиб: «Ёлғон гапирсакмикан ёки ростини айтсакмикан?»-деб маслаҳатлашибди.

Бир бола дебди:

– Ўрмонда мени бўри талади, дейман. Отам қўрқиб кетиб, уришмайди.

Иккинчи бола:

– Мен бўлсам, йўлда бобомни учратдим, дейман. Ойим севинганидан мени уришмайди, - дебди.

Учинчи бола:

– Мен ростини айтаман. Ростини айтиш ёлғондан кўра осонроқ, - дебди.

Шундан кейин болалар уй-уйларига тарқалиб кетишибди. Болаларнинг биттаси:–Мени бўри талади, - деб отасини алдаб турган экан, бирдан уйларига ўрмон қоравули келиб қолибди.

Қоровул:

– Йўқ бу тарафларда бўри бўлмайди, - дебди.

Отасининг жаҳли чиқибди, боласини кеч қолгани учун уришибди, ёлғон гапиргани учун баттарроқ уришибди.

Иккинчи бола эндигина онасига:–Бобомни учратдим,-деб турган экан, бирданига бобоси меҳмон бўлиб келиб қолибди. Ёлғон гапиргани учун онасининг жаҳли чиқибди. Кеч қайтгани учун бир уришса, ёлғон гапиргани учун баттарроқ уришибди.

Учинчи бола кириши биланоқ, айбини бўйнига олибди, фақат холаси бир оз койибди-ю, гуноҳидан ўтибди.



Савол ва топшириқлар

- 1. Хикояни ўқинг.*
- 2. Хикоядан темп даражаларини аниқланг.*
- 3. «Ёлғоннинг умри қисқа» мақолини изоҳланг.*

Билиб олинг: *Рубоий – тўрт қаторли шеър, тугалланган маънога эга*

РУБОИЙ

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси - жавҳари ҳам биз.
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.

Бозорда бир кулол кўрсатиб ҳунар,
Бир бўлак хом лойни пишитиб тепар,
Лой инграб айтади: ҳой, секинроқ теп,
Мен ҳам кулол эдим, сендек биродар.

Умар Хайём

Китобдан яхши дўст йўқдир жаҳонда,
Ғамхўринг бўлгай у ғамли замонда.
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат беради такрор.

Илм олишга белингни чоғла
Бошқа ҳар ишдан қўлингни боғла.
Устод, муаллимсиз қолса гар замон,
Нодонликдан қора бўларди жаҳон.

Жомий



Изоҳли луғат

самар - [а] *натижа, мева*

жавҳар - [а] *қимматбаҳо тошларнинг умумий номи*
тўгарак жаҳон - шар шаклидаги ер юзи



Савол ва топшириқлар

1. Рубоийларни ўқинг ва темп даражасини аниқланг.
2. Рубоийлар мазмунини изоҳланг.
3. Рубоийни ёд олинг.

ҲИКМАТЛАР

Икки дўст тураркан елкама-елка,
Товларни ҳам осон айлади тилка.

* * *

Ёмонга қўшилма, бўлурсан ёмон,
Қаросин юқтирар доимо қозон.

* * *

Тўғрилиқдан келмиш ҳама яхши от,
Эғрилиқдан фойда кўрмади бир зот.

Фирдавсий

Кимки шогирдликка чин дилидан шод,
Бир куни ўзи ҳам бўлғуси устод.

* * *

Ҳамиша халқингга меҳрибон бўлгин,
Яхшиликка тириш ва омон бўлгин.

* * *

Тутгил қариларнинг қалтироқ кўлин,
Қаригач биларсан кексалик йўлин.

Носир Хисрав

Халқ хизматига ярашга интил,
Халқинг бирла-бу жаҳонни соз қил.

* * *

Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир,
Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир.

Низомий



Савол ва талшириқлар

1. Ҳикматларни ифодали ўқинг.
2. Ушбу ҳикматлардан қандай хулоса чиқардингиз.

АРЗИМНИ АЙДИМ БОДИ САБОҒА

Хувайдо

Арзимни айдим боди сабоҒа,
Еткурса холим ул дилрабоҒа.

Қилса худойим кўнглин мулойим,
Раҳм айлағайму ман мубталоҒа?!


Қилғайму хайрин ўз қўли бирла,
Борсам куйига, мискин гадоҒа?...

Кўнглумда йўқтур зарра гумоним,
Кимки ёмондур, солдим худоҒа,....


Дўстини ёрим ранжу аламда
Қўйди эл ичра жавру жафоҒа.

Мискин Хувайдо сабру таҳаммул
Айлаб, ҳамиша йиғлар худоҒа.

Изоҳли луғат

 боди сабо - [ф-т] *тонг ели*
ул дилрабо - [ф-т] *севикли ёр*
мубтало - [а] *ошиқ*
мискин - [а] *бечора*
таҳаммул - [а] *сабр-тоқат, чидам.*

Савол ва топшириқлар

-  1. Ҳазални ўқинг ва темп даражаларини аниқланг.
2. Ҳазални ёд олинг.

II БҮЛИМ

МАТНИ ИДРОК ҚИЛИШ ВА

ҚАЙТА ҲИКОЯЛАШ

Бадий асарлар мазмунини тушуниш ва қайта ҳикоя қилиш ҳақида қуйи синфларда танишгансиз. Бунинг учун матн бошланмаси, асосий нуқтаси, якунини шунингдек бадий асар матнини қисмга ажратиш, режа тузиш қисмларга сарлавҳа қўйишни билишингиз даркор.

ТОҒ ВА ЯЙЛОВ БОЛАЛАРИ

Қирғиз болалар адабиёти оғзаки кўринишда жуда қадим-қадим замонлардан бери мавжуд.

Бир айтиб, қўлига кўмиз тутмаган қирғиз боласи бўлмаган. Бир дегани қўшиқдир. Қўшиқ қирғиз болаларининг энг дилкаш ҳамдами бўлган. Воқеа-ҳодиса ва вазиятга қараб қўшиқ тўқийверганлар. Қўшиқларнинг энг яхшиси оғиздан оғизга ўтган ва эл орасида узон замонлар яшаган.

Ширилданг айта-айта
Тунда келар уйқумиз.
Йилқимиз омон бўлса,
Тонгда қонар уйқумиз.

Ширилданг айтар экан,
Арпа билан тариқни
Еб кетмасин йилқимиз.

Қирғиз болалари жўмўқ-эртак тинглаб, эртак айтишни яхши кўрганлар. Эртакларнинг аксарияти ҳайвон ва қушлар ҳақида тўқилган. «Тўрғай», «Чол билан тулки», «Мушук, тулки, айиқ қашқир», «Қирғий ва улки» сингари эртаклар бунга мисол бўла олади. Кўп ҳолларда қирғиз эртаклари ҳам сажъ-қофияли наср билан бошланиб, қофияли наср билан тугалланган. Масалан: «Илгарки замонда чорвага бой, тўрт томони тўкис жой Кулуке деган хон ўтган экан...»

XX асрга келиб болаларга атаб атайин шеър, ҳикоя ва эртактлар ёзила бошланди. Ўнлаб болалар ёзувчилари етишиб чиқди. Улар қирғиз болалари учун шеър ва дostonлар, ҳикоя билан қиссалар яратдиларки, оқибатда, бой қирғиз болалар адабиёти пайдо бўлди. Бу бадиий асарлар ўнлаб авлодларга завқ-шавқ бағишламоқда. Али Тоқомбоевнинг марш оҳангидаги ушбу сатрлари минглаб болаларни сафга турғизди:

Сафга шайлан,
Қурол билан!
Ўйлама ёвни
«Келар деб қайдан».

Тайёр бўл, ёш куч!
Юр! Бир, икки, уч!..

Али Тоқомбоевнинг қаторига шоир сифатида Мусо Жонғозиев, Райқан Шукурбеков, Жўмарт Боконбоев, Қувоничбек Маликов, Мариям Абулқосимова, Турар Қожомбердиев, Қармишоқ Тошбоев кабилар қўшилдилар. Шукурбек Бейшеналиев, Шотмон Садибақосов, Чингиз Айтматовлар ҳам болаларга атаб ҳикоя ва қиссалар ёздилар.

Қўлдош Мирзо

Савол ва Ҷавоблар

1. Матни ифодали ўқинг ва мазмунини ҳикоя қилинг.
2. Қирғиз халқ эртактларидан ўқиганмисиз?
3. Халқ қўшиқларидан биласизми, айтиб беринг.

«ОҚ КЕМА» ҚИССАСИДАН

(Эртактдан сўнг)

Чингиз Айтматов

Унинг икки эртаги бўларди. Бири ўзиники бўлиб, уни ҳеч ким билмасди. Иккинчисини эса, бобоси сўзлаб берганди. Кейин биронтаси ҳам қолмади. Гап шу хусусда.

Ўша йили у етти ёшга тўлиб, саккизга қадам қўйганди.

Аввал портфель сотиб олинди. Қоп-қора дермантин портфелни очиб-ёпганда шиқиллайдиган қулфи ялтираб турарди. Ёнида майда-

чуйда соладиган киссаси ҳам бор. Қисқаси, ғаройиб, айна пайтда оддий мактаб портфели эди. Ҳамма нарса, эҳтимол, шундан бошланди.

Бобоси уни кўчма дўкондан сотиб олди. Кўчма дўкон тоғдаги чорвадорларга мол сотиб, айланиб юрганда уларга ҳам, Сан-Тошдаги ўрмончилик қоровулхонасига ҳам бирров бурилганди.

У бу ердан, дара ва нишаб йўллар бўйлаб тоғдаги қатагон ўрмонга кўтарилди. Қоровулхонада бор-йўғи уч оила яшайди. Лекин шундай бўлса-да, вақти-вақти билан кўчма дўкон ўрмончиларни ҳам йўқлаб турарди.

Уч ҳовлида ёлғиз битта бола бўлиб, у ҳар сафар кўчма дўконни биринчи бўлиб кўрар эди.

- Келяпти! - деб қичқирди у эшик ва деразага қараб чошиб. - Машина-магазин келяпти!

Иссиқкўл бўйларидан бу тарафга чўзилган айланма йўл келакелгунча дара, дарё соҳили бўйлаб, тошлоқ ва ўнқир -чўнқирлардан ўтиб келарди. Бу йўллардан юриш ҳазилакам иш эмас.

Ўша сафар-иссиқ ёз кунларидан бирида бола ўз кўлобида чўмилиб турган эди, шунда қия йўлни чангитиб келаётган машинани кўриб қолди. Кўлоб дарёнинг четроқ саёз жойида, қумлоқ ерда бўлиб, бобоси тош қалаб тўсиб берган эди. Агар шу тўсиқ бўлмаганда, ким билади, балки, бола ҳам аллақачонлар тирик қолмаган бўлармиди? Бувисининг айтишича, дарё аллақачон унинг суякларигача ювиб, тўғри Иссиқкўлга элтиб ташлармиди ва у ерда балиқлар ҳамда сувдаги ҳар хил балон баттарларга ем бўлармиди? Ҳеч ким уни қидириб жон койитмас, дардида куйиб, адо бўлмас эди, ростда, сувда пишириб қўйибдимиди? Сирасини айтганда, у кимга ҳам керак. Ҳали ҳозирча бу фалокат бўлганича йўқ. Содир бўлса, ким билади бувиси, балки, чиндан ҳам уни қутқаргани уриниб кўрмас, кампир туғишган бувиси бўлганда бошқа гап эди, ахир, унинг ўзи ўғайсан, деб юради-ку. Ўғай эса, қанча едириб-қанча ичирма бари бир ўғайлигига боради. Ўғай ... Агар у ўғай бўлишни истамаса-чи? Ҳўш, нега энди у ўғай бўлиши керак? Балки у эмас, бувисининг ўзи ўғайдир?



Савол ва топшириқлар

1. Матнини ўқинг ва қайта ҳикоя қилгинг.
2. Ҳўланг, Боланинг бобоси қайси эртақни зўтиб берган?
3. Чингиз Айтматовнинг яна қандай асарларини биласиз?

Эсланг: Матнини идрок қилиш нима ?

КАКЛИК БИЛАН ҚИЗ

(Эртақ)

Ёқубжон Шукуров

I қисм

Бор эканда, йўқ экан, оч экан-да тўқ экан, бир овчи бор экан. Унинг кампирию, биттагина қизи бор экан. Учаласи яшар экан, топганини ошар экан.

Кунлар ўтиб овчи мункиллаб қолибди, юрса қўл-оёғи толибди. Битта отию, ўқ ёйидан бўлак ҳеч нарсаси қолмапти.

– Э, аттанг!-дебди овчи ачиниб, пешонам шўр экан, бошимизга ўғил битмади, ғам-ғуссамиз кетмади. Овчининг бу гапини эшитиб қолган қизи роса ҳафа бўлибди. «Дадам мени севмас экан, ўғилга тенг кўрмас экан» деб кўзига ёш олибди. Кейин кўз ёшларини артиб, ўзини-ўзи йўлга солибди. «Мен қайси ўғил боладан камман», - дебди-да, дадасига айтибди:

– Дадажон, менга оқ йўл тиланг! Ўн бешга тўлдим, оқу қорани билдим.

– Оҳ, қизим-а, қизим-а! Қани энди сен ўғил бўлсанг-у, оқ йўл тиласам! ...Э, аттанг! Кошки от минолсанг!-дебди овчи.

– Минаман!-дебди қиз.

– Минолганинг билан ўқ-ёй отолмайсан-да, қизим! - Отоламан!

– Отолганинг билан сени ёлғиз овга юбориб бўлармиди! Йиртқич ҳайвонларга дуч келиб қоласан, нима қила оласан? Ўғил бола бўлсанг эди...

- Ҳеч нарсадан қўрқмайман, йўлга рухсат бераверинг отажон, - дебди қиз.

Овчи хайрон бўлиб, кампирга қаради.

- Ҳа, тўғри айтади, оқ йўл тиланг, омон қайтади.

Шундай бўлса ҳам овчи қизига ишонмапти. «Она-бола мени овутиш учун айтишяпти»-деб ўйлабди.

Аммо қизи илтимосини, она қисташини қўймабди. Охири овчи оқ йўл тилаб, жавоб берибди...



Савол ва топшириқлар

1. Эртакини ўқинг. Нима учун овчи афсусланди?

3. Қизнинг қарори тўғри эдимми?

4. Эртакини ролларга бўлиб ифодала ўқинг.

5. Эртақ давомида қандай воқеаларни бошидан кечирган деб ўйлайсиз?

II қисм

Қиз йигит кийимини кийибди, қалпоқни бостирибди, ўқ-ёйинни тақибди, тизгинини тортибди, тоғ томонга от қўйибди, мўл юрибди, тоққа етиб борибди.

Отини озгина қайтарибди-терини қуритибди, эгар-жабдуғини олибди, яланғочлаб: «Бор, ўтла жонивор. Яйловда яйра!»-деб ҳайдаб юборибди, мўл юрибди. Ўзи тоғ тепасига йўл олибди, қияликда икки боласини эргаштириб кетаётган кийикни кўрибди.

Отмоққа шайланибди. Онасини отай деса, ёш болалари етим қолади, боласини отай деса, чирқиллайди. Қиз биттасини ҳам отмабди.

Тоққа чиқаверибди. Бирдан парр-пурр, какур-кукур этган овозни эшитибди. Тепага қарабди. Бир какликни кўтариб кетаётган калхатни кўрибди, дарҳол уни мўлжалга олибди, ёй калхатнинг қанотига тегибди. Калхат какликни ташлаб, ҳаккалаб қочиб қолибди. Қиз дарров какликни қўлга олибди.

– Шўрлик ўлибди!-дебди ачиниб шу пайт каклик тилга кирибди:
– Мен тирикман, раҳмат сенга! Болаларим бахтига мени ўлимдан олиб қолдинг. Яхши қиз экансан.

– Менинг қиз болалигимни қаёқдан билдинг?-деб ажабланибди қиз.

– Майин овозингдан, ипакдек юмшоқ қўлингдан билиб турибман,-дебди каклик.

– Мени дўст деб билгин, энди яна бир яхшилик қилгин.

– Хўп бўлади, дўст деб билай, буюр, яна нима қилай?-деб сўрабди қиз.

– Мен учолмайман, қанотим лат еган, агар хафа бўлмасанг, сендан бир нарса илтимос қилардим.

– Айт, дўстим.

– Ана у тоғни ёриғига кир, кўряпсанми?

– Ҳа, кўряпман, какликхон.

– Қўрқмай унинг ичига кир, яхшилаб қара, ўша ерда минг йиллик асал бор, асал эмас доривор. Ўзи қаттиқ.

Пичоғинг бўлса кесиб, тешанг бўлса чошиб олиб кел, лат еган қанотимга сурт, - дебди каклик.

Қиз каклик айтганини қилибди. У дарров тузалиб кетибди. Бундай мўъжизадан қиз ҳайрон бўлиб сўрабди:

– Бу нима какликхон, қандай дори бўлди?

– Одамлар буни «мумиёи асал» дейишади. Бу доридан еган касал тузалади, кекса ёшаради, - дебди каклик.

Қиз какликка раҳматлар айтиб, мумиёдан олиб уйига қайтибди. Қиз мумиёдан ота-онасига едирган экан ёшариб кетибди, бунинг овозасини эшитган табиблар танг қолишибди. Шундай қилиб, камбағал овчининг қизи ота-онасини ёшартириб, ҳам бадавлат қилиб юборибди. Улар мурод-мақсадига етишибди.



Изоҳли лугат

калхат - катта йиртқич қуш

мумиё асал- [а] тоғ-тошлари орасидан оқиб чиққан шифоли мей



Савол ва топшириқлар

1. Эртакии ўқинг ва мазмунини айттинг.
2. Эртақ давомиди сиз ўйлаган воқеалар юз бердимиди?
3. Қиз какликни қутқариб тўғри қилдимиди?
4. Каклик ва калхат ҳақида сўзланг. Улар қандай кушлар?
5. Эртакии ролларга бўлиб ўқинг.

Эсланг: танлаб ўқиш нима?

НАВОИЙНИНГ ДЎСТИ

Улуғ шоир Алишер Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммад деган шогирди ҳам дўсти бор экан. Шоир уни жуда яхши кўрар, шогирди бўлса ҳам қадрдон, сирдош дўсти деб билар экан. Кунлардан бир куни Паҳлавон Муҳаммад кичик бир гуноҳи туфайли Султон Ҳусайннинг қаттиқ ғазабига учрабди. Воқеа бундай бўлибди: Султон Ҳусайн ғазаб отига миниб турган бир пайтда Паҳлавоннинг гуноҳ иш қилиб қўйганини етказишибди.

Ҳусайн Бойқаро:

– Паҳлавоннинг соқол-мўйловини қириб ташланглар, сўнг калтадум либос кийдириб, кўча-кўйда сазойи қилинглари, - деб буйруқ берибди. Паҳлавоннинг бундай жазога гирифтор бўлганини Навоийга айтишибди. Навоий, агар бу жазо амалга оширилса, Муҳаммад Паҳлавоннинг иззат-нафси камситилиб, у бунга чидолмай ўлиб қолишини англаб, уни бундай шармандаликдан қутқариш ҳаракатига тушибди. Тезликда Ҳусайн Бойқаро ҳузурига етиб бориб:

– Султони Боқарам, маълумингизки, мен ва Паҳлавон Муҳаммад ёшлигимиздан бир хил кийинамиз, бирга соқол-мўйлов қўйиб, дўст-биродар бўлиб юрамиз. У бошқа кийиниб, мен бошқа кийиб юрсам, ўрғадаги аҳд бузилиб, гапимиз тузсиз, ўзимиз субутсиз бўлиб қоламиз. Буюрсангиз, менинг ҳам соқол-мўйловларимни қирсинлар, менга ҳам худди Паҳлавон Муҳаммадга берилгандек калта либос кийгизилиб, дўстим билан бирга кўча айлантирсинлар, - дебди.

Навоийнинг шогирди ҳамда дўстига бўлган садоқатини, меҳроқибатини кўрган Хусайн Бойқаро ғазаб отидан тушиб, меҳр дарёси мавж олганини ўзи ҳам билмай қолибди-да:

– Паҳлавоннинг гуноҳидан ўтдим, жазо қолдирилсин, - деб буюрибди.



Изоҳли луғат

сазойи - [ф-г] эл кўзида тиббех, таъзир

гирифтор - [ф-г] учрамоқ, йўлиқмоқ.

субут - [а] сўзнинг, ваъланинг устидан чиқиш.



Савол ва җошвириқлар

1. Ҳикоятни ўқинг.

2. Ҳикоятдан Х. Бойқаро ва А. Навоий суҳбатини ўқинг.

3. Режа асосида ҳикоят мазмунини айтинг.

ТУРНАЛАР

Ҳамза Имомбердиев

Довул туриб денгизда,
Ҳаво тамом бузилди.
Кечга бориб турналар -
Сафи бехос узилди.
Қолиб кетди бир турна
Дош беролмай жалага,
Қирровлари етмади,
Беътибор галага.
Хавотирда онаси,
Сафдан чиқар қайрилиб,
Қаёққа ҳам борарди,
Дилбандидан айрилиб.
Қушлар чарчаб, хориган,
Тугаб борар куч- сабот.
Тортмоқчидай домига

Тўлқинлар сапчир бот-бот.
Азоблардан қушчанинг
Кўзларида ёш қотди.
- Чидолмайман, онажон,
Қанотларим тош қотди.
Нетарди онаизор
Юрагин ўртар бу сас.
- Яна бир оз сабр қил,
Сабр қил, болам, бир пас.
Кўп ўтмай уфқ бўзариб,
Жала ҳам тиниб аста
Алғов-далғовли борлиқ
Тинчиб қолди бир пасда.
Ётар денгиз ястаниб,
На боши бор, на чеки бор

Денгиз узра турналар,
Учиб борар бемадор.
Шу чоқ олисда ёлгиз,
Кема кўзга чалинди.
Шод қирровлаб турнача
Онасига ялинди.
- Учайлик ўша ёққа,
Тоғ қояга ўхшайди.
-Йўқ, йўқ! Бу сузар орол;
Қанотсизлар яшайди.
Улар ҳақда авлодлар.

Бирор хуш сўз айтмаган.
Уларга яқинлашган,
Ҳеч вақт омон қайтмаган.
Йўқ қулоқсиз турнача
Илмайн она сўзин,
Учиб кетди сузувчи?
Оролдан кўзин узмай,
Она турна қиррови
Кўкни тутар бу дамлар,
Ожизлармиз сизларга,
Инсоф берсин одамлар



Изоҳди лугат

довул - кучли бўрон
қирров - турналар овози
сас - овоз, товуш



Савол ва ғалшриқлар

1. Шеърни тўхтамагарга роия қилиб ифодали ўқинг.
2. Шеърдан куйидаги режада кўрсатилган ўринларни аниқланг.
а) довул бошланди б) турна боласи илтижоси в) нотинч она
3. Шеърда келтирилган куйидаги мисра мазмунини изоҳланг.
-Йўқ, йўқ! Бу сузар орол, қанотсизлар яшайди . . .

Эсланг: Матн бошланмаси ва якунламаси нима?

ҲАТОСИНИ ТУШУНГАН БОЛА

Худойберди Тўхтабоев

I қисм

Қосимжон очиқ дераза олдида боғ томонга тикилганича ўйга толиб ўтирибди. Боғда эса ўриқлар оппоқ бўлиб гуллаган, асаларилар гул атрофида виз-визлашади, қаердадир қушлар сайрайди, ариқчадаги сувнинг бир меъёрда жилдираб оқиши қулоққа чалинади. Қосимжон бўлса буларнинг ҳеч бирига парво қилмайди, хафа, кўксида

аллақандай дард. . . Ахир синфдоши Муҳаббат туғилган кунига бутун синфни таклиф этса-ю, уни лоақал юр ҳам демаса, алам қилмайдими?! Тўғри, Қосимжон бутун ўқувчилар билан, яқин синфдоши Муҳаббат билан ҳам аразлашиб қолган.

Бир куни синфда ўтирган эди. Тоҳир ҳовлиқиб кирди:

– Шерик, қани бир ўйнаб юбор-чи!

– Нима гап ўзи?-ҳайрон қолди Қосимжон.

– Аввал ўйинга туш, кейин биласан. . .

Қосимжон қўлларини кўтариб ўйнаган бўлди. Дўсти хатни узатди. Бундоқ ўқиб қарашса, хат Тошкентдан, редакциядан экан. Хатда Қосимжон ёзган «Мен эккан ниҳол» шеъри олинганлиги, уни газетанинг келгуси сонларида босиб чиқарилиши, яна шеърлар ёзиб туриши, кўп машқ қилиши кераклиги айтилганди.

Тоҳир Қосимжонга Тошкентдан машинкада ёзилган хат келганини кўриб, аввало уни тузукроқ ҳурмат қилмагани учун ўзидан ўзи уялиб кетди. Унинг бирдан хат тагига қўл қўйган редакция ходимининг фамилиясига кўзи тушди.

– Ўзи ҳам жуда яхши одам бўлса керак-а?- деб сўради ўртоғидан, кейин у хат тагидаги фамилияни негадир яна чўзиб ўқиди:-Шо-абди-каримов . . .

– Албатта яхши-да, - жавоб қайтарди Қосимжон, - улар сен билан менга ўхшаган одамлар эмас. Биласанми, улар қанақа бўлишади? Тепаси ангишвонага ўхшаган шляпа бўлади-ку, нуқул ана ўшандан кийишади.

Ундан кейин ҳеч ҳам пиёда юришмайди.

Уларни-чи, машинаси, ундан кейин русчани сувдек биладиган шофёри бўлади, билдинг-ми?

– Сен ҳам зўр шоир бўлиб кетсанг-а!-деди яна Тоҳир.

– Албатта бўламан!-Қосимжон хатни яна бошқа ўртоқларига ҳам кўрсатмоқчи бўлиб ташқарига чиқа бошлаган эди, Тоҳир унинг йўлини тўсиб, жиддий, лекин ташвишли бир оҳангда:

– Зўр шоир бўлиб кетсанг, мени ўзингга шофёр қилиб оласанми? - деб сўради.

- Менга барибир.
- Қани, қўлни бер, келишдик, унутмайсан-а?
- Унутган одам эмас.

Ўша кунни хатни ўқимаган ўқувчи қолмади, ҳатто синф раҳбари Абдуллаев ҳам ўқиб, Қосимжонни мақтаб қўйди. Унинг ўзи бўлса, босар жойини билмай қолган эди. Дарсга қулоқ солгиси келмади.

«Зўр шоир бўлиб кетсам, Тоҳирни шофёрликка олайми ёки олмайми, шляпанинг қайси рангидан кийсам экан», деган ўй-хаёллар билан бутун кунни ўтказди. Дарс тугагач, деворий газета муҳаррири Муҳаббат унинг ёнига келиб: «Шеърни қачон ёзиб берасан», деб қистаб қолди.

- Сенинг деворий газетанга шеър ёзишга вақтим йўқ.
- Нега вақтинг бўлмас экан?
- Йўқ, вассалом, мен Тошкентга ёзишим керак. Мендан шеър сўрашяпти. Тушундингми?

- Вой-бўй, шунақа катта одам бўлиб кетдим, дегин ҳали.

Қосимжон жавоб ўрнига кулиб қўя қолди. Муҳаббат эртаси шеърни яна қистаб, «қўлингдан келса, ўзинг ёзиб ол», деган жавоб олди. «Мен экан ниҳол» сарлавҳали шеър босилиб чиққан кунни газета мактабда, сўнгра жамоа хўжалигининг ўзида ҳам қўлма-қўл бўлди. Ҳамма: «Бу ўзимизнинг Қосимжон-ми, вой қурмағур-эй. Бундан тузук одам чиқадиганга ўхшаб қолди-ку!» деган гапларни айтишди, Қосимжон кун бўйи, ҳатто дарсда ўтириб ҳам шеър ёзди, ўчирди, яна ёзди. Тарих дарсида қўлга ҳам тушиб қолди.

- Бармоқларинг билан нимани санаяпсан? - сўради Абдуллаев.

- Етти бўғин, - деди Қосимжон шошиб-пишиб. Кейин ўқувчилар «гур» этиб кулиб юборишди. У нотўғри жавоб берганини сезиб ўздан-ўзи уялиб кетди. Ўқитувчи унинг шеър ёзиб ўтирганини кўриб шеърни дарсдан сўнг ёзасан, деб огоҳлантирди. Қосимжон бўлса, худди эшитмагандек, унинг кўзларига тикилганча жим тураверди.

- Йиғиштирмайман, - деди у ниҳоят.

- Сен манман бўлиб кетяпсан, - деди-да, ўқитувчи дарсини давом эттирди.

II қисм

Эртасига деворий газета чиқди.

Унда Қосимжоннинг расмини бошлаб чизишган эди. Юзи осмонга қараган, бўйни олманинг бандидек ингичка, бурнини шунақанги узун чўзишибдики, нақ деворий газетадан чиқиб кетай деб турибди, расмнинг остига «ёш шоир» деб ёзиб қўйилган.

Қосимжон шунақанги аччиеландики, анча маҳалгача тили сўзга келмай дудуқланиб қолди.

– Ким чизди? - деди у ниҳоят.

– Мен-деди ўтирган ўрнида Муҳаббат.

Қосимжон унинг ёнига борди.

– Нега чиздинг?

– Чиздим . . .

– Мана сенга!-Қосимжон урмоқчи бўлиб қўл кўтарган эди, қизнинг ёнида ўтирган Одил чаққонлик билан ушлаб қолди.

– Ҳозир кечирим сўра! - деди у қалтираб.

– Сен менинг шахсий ишимга аралашма! - Қосимжон Одилнинг қўлини силтаб ташлади.

Бу воқеа бир нафасда синф раҳбарининг қулоғига бориб етди. Дарсдан сўнг Қосимжонни ўқувчилар ўртасида муҳокама қиладиган бўлишди. Лекин синф мажлиси эндигина бошланай деб турганда. Қосимжон пайт пойлаб деразадан ошиб тушди-да, Тоҳирни эргаштириб уйга жўнаб қолди.

– Қани биттаси ёнинг деб кўрсинчи, газетага ёзарман, -деди у аччиеланиб.

– Албатта, сен қаёқда-ю, улар қаёқда, - деди Тоҳир. Кейин икковлари ҳам анча маҳалгача сўзлашмасдан жим кетдилар. Тоҳир дўстининг ортидан соядек эргашиб бораркан, энг оғир пайтда уни ёлғизлатиб қўймаганидан мамнун эди.

Қосимжон бўлса бутун синфни, ўртоқларини, ундан кейин ўқитувчисини ҳам алдаб, уларнинг юзига оёқ босганига юрагининг аллақаери ачишиб турган бўлса-да: «Барча шоирлар ҳам қийинчилик билан шоир бўлишган. Мен ҳам ҳозир қийналяпман, кейинчалик

ҳаммаси ҳам уялиб қолади», - деб ўзига ўзи тасалли берарди. Эртасига уни синф раҳбари директор кабинетига чақиртирди.

– Сендан яхши йигит чиқади, деб юрардим, - гап бошлади Абдуллаев, - сен бўлсанг, ҳеч кимни ҳурмат қилмай қўйибсан.

Қосимжон бошини солинтирганча жим тураверди.

– Нега мажлисдан қочдинг? Ўртоқларингни куттириб қўйишга уялмадингми? Қосимжоннинг кўзларида йилтираб ёш томчилари кўринди. Абдуллаев «у ўз қилмишига пушаймон бўлди», деб ўйлади шекилли: «Бор ўртоқларингдан кечирим сўра», - деди-да, кетишга ижозат берди.

Лекин Қосимжон кечирим сўрамади. Шу сабаб бўлди-ю, кундан-кунга ўртоқларидан узоқлашиб, охири Тоҳирдан бошқа ҳеч ким унга сўзламай қўйди. Энди синфдошлари уни ўйинга таклиф этмас, биргалашиб ўйнаб кулмас, шеър ўқиб бер деб қистамас эди. Волейбол ўйинига-ку, бутунлай қўшмай қўйишди. Ҳаммалари ҳам манмансираб кетган Қосимжонни ёқтирмай қўйишганди.

Аввалига у буларнинг ҳеч бирига парво қилмади, бироқ кунлар ўтган сари ёлғизланиб қолиши унга алам қила бошлади, кўнгли гаш бўлиб, энди шеър ҳам ёзгиси келмай қолган эди.

...Кимдир кўча эшикни устма-уст икки марта қоққан эди, ўйга толган Қосимжон бир чўчиб тушди-ю, ўзига келди. Кейин чуқур бир хўрсинди-да, бориб эшикни очди.

Тоҳир экан.

– Муҳаббат сени туғилган кунига айтдимми? - унинг биринчи гапи шу бўлди.

– Айтгани йўқ...-маънос жавоб берди Қосимжон.

Икковлари ҳам жим қолдилар. Қосимжон ниманидир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин ... «бор-е» дегандек қўл силтаб қўя қолди.

– Бизни айтмади-а, –хўрсиниб қўйди Тоҳир.

Улар узоқ ўтиришди. Бир маҳал Қосимжон ўрнидан туриб юзларини совуқ сув билан ювди, сочларини яхшилаб таради, совға учун жилдининг ички томонига шеър ёзилган альбомни қўлига олди.

- Қани, юр!
- Қаёққа?!
- Муҳаббатларникига . . .

Тоҳир ҳайрон бўлиб қолди. Қосимжоннинг ҳозирги важоҳати эътирозни кўтара олмасди.

- Шерик, айтилмаган жойга боряпмиз-да, қалай бўларкин? - деди Тоҳир аста.

Қосимжон негадир сал юмшади:

- Қизиқ экансан-да, биз бегона жойга боряпмизми? Синф раҳбаримизнинг сўзи ёдингдан чиқдими, хатосини тушуниб, кечирим сўраган кишини ҳамма ҳурмат қилади, деган эдилар-ку . . .
Бораверамиз.



Савол ва топириқлар

1. Ҳикояни ўқинг. Ҳикоя қандай воқеадан бошланди?
2. Қосимжон хатти-ҳаракати тасвирланган ўринларни аниқланг.
3. Ўйланг, сиз Қосимжоннинг ўртоқлари ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлардингиз?
4. Ҳикояни қисмларга ажратинг, сарлавҳа қўйинг, режа тузинг ва қайта ҳикоя қилинг.
5. Ўйланг, Қосимжонни Муҳаббат қандай кутиб олди?

Матндаги асосий нуқта тимсол хусусиятини ёритади.

ЎЖАР ТОШБАҚА

Ҳ. Ёқубов

Бир ўжар ёш Тошбақа,
Инжиқ бебош Тошбақа.
Онасига: «Дод!» - деди,
- Менга илож топ, - деди.

Кераги йўқ косамнинг,
Бунда юриш осонми?
Ҳалақит берар, қаранг,
Чопаман секин, аранг.

Қуённи ушлолмасам,
Сичқонни муштолмасам.
Она шўрлик юпатар,
Бола кўнглин кўтарар:

- Косанг жонингга ҳузур,
Ғалва қилма, қўй, тек юр.
Сенга қалқон усти бош,
Гапга кир, бўлма бебош.

-Йў-ўқ!-деб ўрмалаб қайсар,
Онасин жеркиб вайсар.
Косасин улоқтирар,
Парча гўшт бўлиб юрар.

Жиш Тошбақа юролмай,
Чополмай ва туролмай
Косага кирар қайтиб
Онага узр айтиб.

Аммо жилолмас қиттак,
Ботар тош ва чўкиртак.
Яланғоч юриш кулги,
Кўрса хап ютар тулки.

Энди ўжарлик қилмас,
Она сўзидан чиқмас.



Изоҳди нуғат

*қалқон - донра ёки тўртбурчак шаклидаги ҳимоя асбоби.
Бу ерда: тошбақа косаси маъносиди*



Савол ва топшириқлар

1. Масални ўқинг.
2. Масалдаги она ва бола тошбақа суҳбатини аниқланг.
3. Сиз масал мазмунидан қандай хулоса чиқардингиз?

ХҲЖАЁШ

Қирғиз халқ афсонаси

Жуда кўп йиллар муқалдам бепоён саҳролару улуғвор тоғлардан иборат бўлган азалий қирғиз юртида Хўжаёш исмли ёшгина овчи яшаган экан. У хуркак ёввойи эчкининг кўзини беҳато мўлжалга оладиган уста мерган эди. Бўрининг изидан қуш каби шиддат билан қувлаб етар, баҳайбат тоғ чўққиларини бемалол забт этар экан. Бу овчи қўлга киритган ўлжа бутун бир овулга етиб ортарди. Хўжаёш дуч келган ҳайвонни ўлдирмагунча тинчимасди: ўзини шу юртнинг хўжайинидек ҳис қилар, ўзига бино қўйган эди. Ажойиб кунларнинг бирида Хўжаёш бир жуфт ёввойи тоғ эчкисига дуч келади. Шунда кулранг эчки тилга кириб: «Нишонга беҳато урадиган овчи фақат сенсан. Бу оламда сендек уста мерган бўлмаса керак. Ўтиниб сўраймиз,

бизга тегма, раҳминг келсин. Бизнинг авлодимиздан фақат бир жуфт эчки қолдик. Наслимизни давом эттиришимиз учун имкон бергин, бизни қириб юбормагин. Хўжаёш!» - деб зорланди. Лекин овчи у билан пачакилашиб ўтирмай, бир ўқ билан йиқитади. Буни кўрган она эчки: «Сен эчкилар наслини қуридинг. Лаънатлар бўлсин сенга, Хўжаёш. Шу дақиқадан бошлаб бирорта жониворларни отолмайсан. Агар ишонмасанг, мана мени отиб кўр-чи», - дейди. Ўзига бино қўйган овчи она эчкини гапларини эшитиб, мийиғида кулиб қўяди. Лекин она эчкининг гаплари ҳақиқат бўлиб чиқади. Хўжаёш отган ўқнинг бирортаси ҳам мўлжалга тегмайди.

Бундан ғазабланган овчи қўлда пичоқ билан эчкига ташланади. Она эчки тошдан-тошга, қоядан-қояга сакраб-сакраб дара бўйлаб чўққига томон қочиб боради. Хўжаёш ҳам жон ҳолатда унинг ортидан юқорига тирмашиб чиқаверади ва тик қоя устига чиқиб қолганини сезмай қолади. Эс-ҳушини йиғиб қарасаки, ўқ етмас масофада турибди.

Орқага қайтиб бўлмасди.

Шунда она эчки:

«Сон - саноқсиз ўлдирилган ҳайвонларнинг хунини тўлайдиган пайт келди. Сенинг дастингдан озмунча ҳайвон кўзёш тўкдим. Энди сўнгги дамларда ўзинг ҳам йиғлаб-йиғлаб тўйиб олгин» - дейди.

Ҳаётдан умидлари узилган, муқаррар ўлимга маҳкум бўлган Хўжаёшнинг ўкраб-ўкраб йиғлаётган товуши тоғ-тошлар узра узок вақт таралиб туради. У ҳалдан ташқари шафқатсиз, бемехр, адолатсиз бўлгани учун ўзини-ўзи қарғаб йиғларди. Бироқ ниҳоятда кечикиб айтилган истигфордан, тавба-тазаррудан ҳеч қандай фойда йўқ эди.

Табиатга қилинган ҳар қандай адолатсизлик ана шундай яқун топар экан...



Изохли дугат

забт - [а] эгалламоқ

хун - [ф - г] қон. Бу ерда ўлдирилган нарса учун тўланадиган ҳақ: говон маъносиди.



Савол ва топшириқлар

1. Афсонани ўқинг. Хўжаёш афсусланган ўринларни аниқланг
2. Хўжаёшнинг тоғ эчкиларини овлашини қандай баҳолайсиз?
3. Она эчкининг Хўжаёшга берган жазоси тўғрими?
4. Матндан 1 дақиқада 80-90 та сўз ўқишни машқ қилинг.

ҚЎНОЛМАГАН ОҚ ЛАЙЛАКЛАР

Дилрабо Худойқулова

Кул тиккага келган маҳал. Дадам билан Нарпай канали ёқалаб уйга қайтардик. Бошимдан иссиқ ўтиб, оёқларим куя бошлади.

– Чарчадингми, қизим? - деди дадам мадорсизланганча судралиб келаётганимни кўриб.

– Йўқ, иссиқлаб кетдим.

Кутилмаганда шундоққина тепамиздан икки лайлак хорғин учиб ўтди.

– Қаранг, дада, лайлаклар... Оқ лайлаклар. - дедим қувонганимдан осмонга сакрагудек бўлиб. – Қўниб ўтинг оқ лайлаклар! Қўниб ўтинг, оқ лайлаклар! - ўзимча хиргойи қилдим, чапак чалиб. Оппоқ қушлар қўшиғимга парвосиз олислаб боришарди.

– Қаерга қўна оларди, қизим? - деди дадам оғир хўрсиниб. - яқин орада бирор туп дарахт бўлмаса!

Дадам бироз жим қолди-да, кейин тушунтира бошлади:

– Биласанми, қизим. Бу лайлаклар - эски қадрдонларимиз. Бу ёқларга ўз гўшаларини зиёрат қилгани келишган. Бундан ўн беш йил муқаддам мана шу канал ёқаси кета-кетгунча дарахтзор эди.

Хув анави кўприк яқинида танаси кучоққа сиғмайдиган иккита чиройли оқ терак бор эди. Унга лайлаклар уя қурардилар. Канал бузилди-ю атрофидаги дов-дарахтлар ҳам қўпориб ташланди. Қайтадан дарахт ўтқозишга ҳеч ким журъат қилмаяпти. Лайлаклар ҳам бегоналашиб кетяпти. Уялари бирдан йўқолиб қолса, ҳам ғалатида. Шўрликлар, неча йилдирки, ўша ғойиб бўлган полапонли инини ахтариб келиб, қўнолга тополмай қайтиб кетаверадилар...

Дадам хўрсинди. Мен кўзларимни яна осмонга тикдим. Оқ лайлакларни қидирдим. Улар аллақачон уфққа сингиб кетишганди.



Изоҳли луғат

гўша - [ф-т] одамлар назаридан узоқ ер, овлоқ жой
қўнолға - қушлар қўниб дам оладиган жой



Савол ва топшириқлар

1. Ҳикояни ўқинг. Режа тузинг ва қайта ҳикоя қилдинг.
2. Канал қирғоғи тасвирланган ўринни ёддан айттинг.
3. Ҳикоя яқулламасини аниқланг.

Эсланг: матн қисмга қандай ажратилади?

ФИЛЛАР ВА ҚУЁНЛАР

(Масал)

I қисм

Зербод деган бир оролда филлар яшар эди. Бу оролга бир йил ёмғир ёрмади ва қуруқчилик офатидан булоқлар ҳам қуриб қолди.

Филлар ташналик азобидан бетоқат бўлиб, подшоларига арз қилишди. Шоҳнинг буйруғи билан улар ҳар томонга сув қидириб кетишди. Ниҳоят, бир булоқ бошига етишди. Бу булоқни араблар айнил қамар, форсийлар чашмаи моҳ деб атардилар. Булоқнинг суви кўп эди. Филлар подшоши ҳамма лашкарлари билан сув ичгани шу булоққа борди.

Булоқнинг атрофида қуёнлар ватан қилган эди. Филлар унга гинчлик бермас эди, баъзи қуёнлар филларнинг оёғи остида қолиб нобуд бўлар эди. Барча қуёнлар бирлашиб, подшоларининг олдига арз қилгани боришди:

– Тахтга ўтирмақ арз-додга етмоқдир. Тахт ўйин-кулги учун эмас. Бизнинг арз-додимизга етиб, филлардан ўч ол, азоб-укубатимизнинг гадорикни қил. Чунки филлар келиб, заиф ва бечораларни босиб-инчиб ўтляпти, - дейишди.

Шунда подшо:

– Бу ишга ёлғиз бир одамнинг кучи етмайди, ҳар кимнинг фаросати, фаҳми ва идроки бўлса, ҳозир бўлсин, маслаҳат билан юриш қилгаймиз, маслаҳатсиз иш қилмоқ ақлли одамларнинг иши эмас, - деди.

Қуёнлар орасида бир ақллиси бор эди. Отини Беҳрўз дер эдилар. Ўзи ақлли, тадбирли эди. Беҳрўз кўрдики, бу ишдан подшо анча ташвиш тортади. У подшонинг олдига келиб бундай деди:

– Агар маслаҳат сўрсангиз, мени филларга элчи қилиб юборинг; қуёнлардан бирортасини менга ҳамроҳ қилинг, у менинг айтганларимни эшитсин, қилган ишларимни кўрсин.

Подшо деди:

– Сенинг тўғрилигингга ҳеч шубҳа йўқ. Гапларингни кўп эшитганмиз, ишларингни кўп кўрганмиз. Хурсандлик билан бор, аҳволга қараб иш қил. Элчи подшонинг тилидир . . .

Беҳрўз таъзим қилиб, подшо ҳузуридан ташқари чиқди. Кечгача сабр қилди. Кеча қора либосини кийиб, зулмат пардаси тортилди ва бир вақтдан кейин дастурхончи қудратли ой кумуш товоғин кумуш дастурхонига ёзди. Ой осмон ўртасига етиб ер юзини нур билан тўлдирди.

II қисм

Беҳрўз филлар оролига қадам кўйиб, уларнинг манзилига етди ва «У золимлар мени ҳалок қилсалар керак. Ҳалок қилишни ўйламасалар ҳам, эҳтиёт бўлиш лозим. Яхшиси, золимларга учрашмаганим маъқул. Филлар катта, шунинг учун фақирларга, қўнгли озор топганларга нарво қилмаслар. Тўғриси шуки, юқори тарафдан бориб хабар берай ва узоқда турай. Агар гапимни қабул қилсалар, мурод ҳосил бўлур ва агар афеуским таъсир қилмаса, ўзим саломат қайтаман», - деб ўйлади. Беҳрўз баландликка чиқди, узоқдан филлар подшосига қичқириб шу гапларни айтди:

«Мен ойнинг элчисиман. Агар элчи ҳар нарса деса ҳам уни кечирадилар. Элчиларнинг иши хабар еткурмоқдир ва сўз қаттиқ

бўлса ҳам, эшитишга мажбурсан. Ой нима деган бўлса, бекамикўст баён қиламан. Сен билурсанки, ой кечанинг подшоҳидир Агар кимки ухлаб қолиб, ойнинг хабарини жон-дили билан эшитмаса, ўз қўли ва оёғига теша ургай ва ўз ихтиёри билан ўзини ҳалокатга еткургай».

Бу сўзни эшитиб, филлар подшоси сапчиб ўрнидан турди ва:

– Элчиликнинг мазмуни нимада? - деб сўради.

Бехрўз деди:

– Ой айтадики, ҳар ким ўзининг куч-қудратига мағрур бўлиб, кучсизларга зулм ва ситам қилса, ўзининг расво бўлишига сабабчи бўлади ва бу сифат уни ҳалокатга етказди. Сен бу гурур билан бошқа ҳайвонлардан ўзингни зўр фаҳмлаб ҳақдингдан ошибсан. Агар ўз ишинг пайида бўлиб, бу ҳаракатдан юз ўгирсанг, яхши иш қилган бўласан. Мен ўзим булоқнинг устида турибман. Ўз кўзинг билан кўргил. Бундан кейин булоқнинг яқинига йўлама.

Филлар подшоси бу сўздан ҳайрон қолиб, булоқ томонга борди ва ойнинг аксини сувда кўрди.

Бехрўз унга деди:

– Эй подшо, озроқ сув олиб, юзингни ювиб сажда қилгилки, ой сенга марҳамат қилиб, сендан рози бўлғай.

Фил хартумини чўзди ва сувга тегизди, сув чайқалди, филга ой келаётгандек бўлиб кўринди.

Фил:

– Эй ойнинг элчиси хартумимни сувга тегизишим билан ой ўрнидан қимирладими? - деб сўради.

Бехрўз деди:

– Ҳа, тезроқ сажда қилгилки, ой яна ўз жойига келсин.

Фил фармонга бўйсуниб, сажда қилди, ўзи ва филларнинг булоқ ёнига келмаслигига ваъда берди.

Шундай қилиб, Бехрўзнинг ақллилиги ва тадбиркорлиги туфайли қуёнлар филлардан омон қолди.

«Калила ва Димна» дан олинди



Изоҳли луғат

тадорик - [a] тайёргарлик, ҳозирлик
афсун - [ф-т] сеҳр-жоду



Савол ва топшириқлар

1. Масални ўқинг. Масал қисмларга тўғри ажратилганми?
2. Филлар ва қуёнлар ўз подшоларига арз қилган ўринларни топиб ўқинг.
3. Бехўрўз ўз дўстларини қандай асраб қолганлигини айтинг.
4. Сиз бўлганингизда нима қилган бўлар эдингиз?

ҚИШ ТЎЗҒИТАР МОМИҚ ПАР . . .

Қудрат Ҳикмат

Саваб булут тўшагин
Қиш тўзғитар момиқ пар.
Ерга сербар оқ наMAT
Ёзилгандай ялтирар.

Маҳалла - кўй кўчада
Чувурлашиб қор кулар.
Эсиб совуқ изғирин:
– Тезроқ юр деб буюрар.

Пирпиратиб кўзини
Автобуслар ўтади.
Қаҳратон қиш ҳовурни
Мўркон каби ютади.
Қорга дейман: - Намунча
Зериктирдинг учқунлаб?

Ёғмасдинг-ку илгари
Сурункаси уч кунлаб.
Томлар кийди оқ қалпоқ,
Ҳовлиларда сен тепа.

Осмон элак, наздимда,
Шаҳримизга ун сепар
Етар шунча ёққанинг,
Узоқ дала, қирга бор!

Улар сени кутмоқда,
Ҳар заррангга бўлиб зор.
Водийларга файз бериб,
Гуллат боғу роғини.
Ўра кумуш чойшабга,
Ўлкамнинг ҳар ёғини.



Изоҳли луғат

наMAT - кигиз, полос
сербар - энг катта, кенг
мўркон - [ф-т] тутун чиқиб кетадиган йўл.



Савол ва топшириқлар

1. Шеърни ўқинг. Ўз сўзингиз билан шеър мазмунини айтиб беринг.
2. Шеърда қиш манзараси қандай тасвирланган? Шу сатрларни топиб ўқинг.
3. «Томлар кийди оқ қалпоқ». «Ховлиларда сен тепа» сатрларини сиз қандай тушунасиз?

Эсланг: режа ва сарлавҳа нима?

ОВЧИ, КЎКЧА ВА ДОНО

I қисм

Бир замонда бир овчи бор экан. Кунлардан бир кун у далага чиқибди. Шу пайт бир гала каптар учиб келиб, чинорга қўнибди, ерга тушиб донламоқчи бўлибди.

Каптарлар орасида Кўкча деган кекса бир каптар бор экан. У каптарларга қараб: «Пастга тушманглар, тузоқ бор, илиниб қоласизлар»,-дебди.

Каптарлар Кўкчанинг гапига қулоқ солмай, битта-битта тушиб, донлай бошлабдилар. Ахири нафслари устун келиб, тўр оғзига ҳам кирибдилар. Кўкча шерикларидан ажраб қолиб, ёлғиз яшашни истамабди. Ўзи ҳам пастга тушиб, тўр оғзига кирибди. Овчи аста-секин тўрнинг ипини тортибди. Ҳамма каптарлар тўрга илинибди.

Кўкча шерикларига қараб:

– Энди бир гапим бор, агар хўп десангиз, айтайин, зора-мора қутулсак, - дебди.

Каптарлар:

– Хўп, айтинг аввал сизнинг сўзингизга кирмай, бу балога йўлиқдик, энди нима десангиз, шуни қиламиз, - дейишибди.

Кўкча қараса, овчи уларга қараб келаётган эмиш. Каптарлар жуда баланд кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлибдилар. Кўкча энди тўрдан қутулиш йўлини излаб туриб, Доно исмли бир сичқон дўсти ёдига тушиб қолибди ва каптарларни унинг ёнига бошлабди. Каптарлар чўл-биёбонлар устидан ўтиб, тоғлар ошибдилар, бориб-бориб

Дононинг ини оғзига қўнибдилар. Кўкча Донони чақирибди. Доно чиқиб қарасаки, дўсти Кўкча эмиш: Доно дўсти Кўкчанинг илтимоси билан аввал Кўкчанинг шерикларини, кейин ўзини тўрдан қутқазибди. Сўнгра ҳол-аҳвол сўрабди. Кўкча бўлган воқеани айтибди. Доно қадрдон дўстларини кутиш учун салқин ва хушхаво ерга жой қилибди, дон-дун, ноз-неъматлар билан меҳмон қилибди.

II қисм

Чинорда ўтириб ҳамма воқеани кўрган қарға: «Каптарлар бирор ерга бориб тушса, донига шерик бўламан» деган умид билан улар орқасидан учиб келган экан. Қарға Дононинг каптарларга берган ёрдамини кўриб, ҳайрон қолибди ва ўзича: «Дўст ёрдам берар экан, мен сичқон билан дўст бўлайин» деб ўйлабди. Сўнгра бориб, Донони инидан чақирибди. Доно чиқиб қараса, бир қарға турган эмиш.

Доно эшикда турган қарғага қараб:

– Хўш, келинг биродар, - дебди.

Қарға:

– Мен жониворларнинг ҳеч бирига қўшилмай бир ўзим яшайман, ёр-биродарларим, жонкуярларим йўқ; жониворлар ҳамиша мендан қочишади. Ёлғизлик жондан ўтди, қийналиб кетдим, ўйлаб - ўйлаб сиз билан дўст бўлишни маъқул кўрдим, орзумни қабул қилсангиз деб, умид билан келдим, - дебди.

Сичқон қарғага қараб:

– Дуруст, лекин сиз мени қаерда кўрсангиз ейсиз, шунинг учун сўзингизга ишониш қийин, - деган экан, қарға:

– Тўғри айтасиз дўстим, ростини айтсам, қаерда сичқонни кўрсам тутиб ер эдим. Аммо дўстлик яхши экан, энди сизга сира зарар етказмайман, - деб чин ваъда берибди. Шундан кейин Доно қарғанинг сўзига ишониб инидан чиқибди, қарға билан қўл олишиб, дўст бўлибди, уни меҳмон қилибди.

Бир куни қарға дўсти Донони боғига таклиф қилибди. Доно рози бўлибди. Қарға Донони тумшугида олиб бормоқчи бўлибди, лекин сичқон қийналмасин деб, уни чангалида авайлаб олиб кетибди.

Боғда дунёдаги ҳамма мева дарахтларидан бор экан. Хилма-хил гуллар ҳид таратиб боғни яшнатиб турар, шишадек тиниқ сувлар шилдираб оқиб турган экан. Турли-туман мевалар пишиб, тағига тушиб ётган экан. Қарға Донони яхшилаб зиёфат қилибди. Сичқон жуда хурсанд бўлиб, боғ ичини қарға билан томоша қилиб юрибди. Буларни шу боғда юрган тошбақа кўриб қолибди. Уларга ҳаваси келибди ва салом бериб улар олдига борибди. Ҳол-аҳволларини, сичқон билан қарға ўртасидаги иноқлик, меҳрибонлик сабабларини сўрабди. Қарға тошбақага каптарлар воқеасини айтиб берибди.

Тошбақанинг ҳаваси яна ортибди. Дўстлик, биргаликнинг баҳоси йўқ, деб улар билан қадрдон дўст бўлишга аҳд қилибди. Қарға тошбақани ҳам кўп иззат-хурмат билан зиёфат қилибди.

III қисм

Боғнинг бир томонидаги баланд тепалик бағрида бир кийик яшар экан. У қарға, сичқон ва тошбақанинг тотув бўлиб юришганини кўриб, қарғанинг маконига қараб йўл олибди. Улар яқинига келиб сўз қотибди. Уни ҳаммалари хурсандлик билан кутиб олибдилар. Қарға кийикни дастурхонга таклиф қилибди ва ўзаро гаплашиб ўтиришганда кийик, қарға, сичқон, тошбақанинг бир-бирлари билан ҳамжинс бўлмасалар ҳам, нима учун бунчалик иноқликларининг сирини билишга қизиқибди.

Қарға бўлиб ўтган воқеаларни кийикка бирма-бир ҳикоя қилиб берибди.

Сўнгра кийик ҳам улар билан дўстлашмоқчи бўлибди. Улар қабул қилибдилар. Ҳаммалари қайтадан ўринларидан туриб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, кийикни юқорига ўтказиб, унга кўп илтифот қилибдилар. Шу пайтда Доно каптарни хотирлабди. Қарға каптарларга бир хат ёзиб беришни Донодан сўрабди. Доно хурсанд бўлиб хат ёзиб, уни қарғанинг ўнг оёғига боғлабди. Қарғага оқ йўл тилаб, ҳаммалари уни кузатишибди. Қарға каптарларнинг маконига келиб хатни берибди. Каптарлар хатни ўқиб, қарға билан бирга учиб

келибдилар. Дўстлар кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, ширин-ширин суҳбатлашибдилар.

Бир пайт кийик сайр-томошага чиқиб кетибди. Лекин ҳадеганда келавермабди. Шунда Кўкча қарғага қараб:

– Кийикдан шу чоққача дарак йўқ, ундан хабар олиш керак, - дебди. Қарға кийикни кўп ахтарса ҳам тополмабди. Ҳайрон бўлиб, нима қиларини билмай кетаётганда, кўзи бир ерга тушибди. Қараса, бечора кийик золим овчининг тузоғига илиниб ётган эмиш. Қарға тезда учиб бориб, дўстларини бу воқеадан хабардор қилибди. Улар жуда хафа бўлиб, бир-бирлари билан маслаҳат қилибдилар.

Кўкча шундай маслаҳат берибди.

– Қарғавой, сен сичқонни чангалингда олиб бор, сичқон овчининг тузоғини қирқсин.

Бу гап ҳаммага ёқибди. Қарға сичқонни олиб учиб кетибди, орқасидан Кўкча учибди. Уларга тошбақа ҳам эргашибди. Кўкча тошбақага ҳарчанд бормагин деса ҳам бўлмабди. Қарға сичқонни кийикнинг олдига олиб бориб қўйибди. Сичқон кийикнинг оёғидаги тузоқни қирқа бошлабди. Кўкча ўйлаб туриб:

– Дўстим Доно, кийикнинг оёғидаги ҳамма ипни қирқма: уч толасини қолдир. Тагин овчи буни биздан кўриб, зарар етказмасин. Овчи келгач, кийик бир зўр бериб, қолганини узиб кетаверади, - дебди.

Доно Кўкчанинг айтганини қилиб уч тола ип қолдирибди. Қарға аввал сичқонни кўтариб учибди. Унинг кетидан каптар учибди. Улар боққа келиб қўнишибди. Қарға сичқонни астагина ерга қўйибди.

Овчи тузоққа илинган кийикни кўриб, югуриб келган экан, кийик бир интилиб, қолган ипни узиб қочибди. Овчи ноумид бўлиб, тузоқни олиб кетмоқчи экан, тошбақани кўриб қолиб, хуржунига солибди. Кийик аллақачон қарғанинг боғига етиб келган экан. Дўстлар қарасалар тошбақа йўқ эмиш Кўкча:

– Мен унга бормагин, деган эдим, кўнмади. Бор, қарға, хабар олиб кел!-дебди.

Қарға кийик қутқарилган жойга бориб қараса, овчи тошбақани хуржунга солиб, оғзини маҳкам қилиб беркитаётган эмиш. Қарға буни

тезда бориб дўстларига айтибди. Кўкча яна маслаҳат берибди. Дўстлар Кўкчанинг маслаҳатини маъқул топибдилар. Қарға сичқонни кўтариб учибди. Кийик овчининг олдидан оқсоқланиб ўта бошлабди. Овчи кийикни кўриб: «Тузоқдан қочаётганда оёғи синиб, чўлоқ бўлиб қолган экан-да, энди уни ушлаб оламан» деб, кийикнинг орқасидан югурибди. Кийик ҳам оқсоқланиб қочаверибди.

Ахири овчи жуда чарчабди-да, елкасидаги хуржунини ташлабди, кийикнинг орқасидан яна югурибди.

Қарға сичқонни хуржун яқинига элтиб қўйибди. Сичқон хуржунни тешиб, тошбақани қутқарибди. Тошбақа бир катта тошнинг тагига кириб беркинибди. Қарға сичқонни боққа олиб бориб қўйибди. Сўнгра кийикнинг олдига бориб: «Иш битди, энди қочавер!»- дебди. Кийик қочиб кетибди. Энди овчи кийикка сира етолмаслигига ақли етибди. Кийик билан тошбақа иккиси қарғанинг боғига етиб боришибди. Дўстлар хурсанд бўлишиб, боғда тинчгина яшай бошлабдилар.



Савол ва топшириқлар

- 1. Эртакни ўқинг ва ҳар бир қисмга сарлавҳа қўйинг, режа тузинг, мазмунини айтинг.*
- 2. Капгар, сичқон, қарға, тошбақа, кийик дўстлиги қандай воқеадан бошланди, аниқланг.*
- 3. Ўйланг. Сичқон бўлмаганда овчининг тузоғидан қутулиши мумкин*
- 4. Сиз эртакни қандай яқунлаган бўлар эдингиз?*

Эсланг: Матнни қайта ҳикоя қилиш турларини айтинг

ҚОРҚИЗ

В.И. Даль

Бор экан-да, йўқ экан, бир чол билан кампир ўтган экан. Уларнинг ўғил-қизлари йўқ, ёлғиз яшашаркан. Бир байрам куни эрталаб чол-кампир кўчага чиқишиб, болаларнинг қорбўрон ўйнаётганларини томоша қила бошлабдилар. Бир маҳал чол каттагина қор парчасини кўлга олиб:

– Кампир, бизнинг ҳам худди шу қорга ўхшаган оппоққина, лўпигина бир қизчамиз бўлса қандай саз бўларди-а? - дебди.

Қорга қараган кампир ҳам ўксиб:

– Шўримиз қурсин, чол, йўқ бўлса начора, - дебди. Чол ҳалиги қорни ташлаб юбормай, кулбаларига келтиргач, уни бир лаганга солибди-да, устини дурра билан ёпиб, дераза ёнига қўйибди. Кун ёйилиб, борлиқни илитган экан, лагандаги қор ҳам эрий бошлабди. Шунда чолу кампирнинг қулоғига бояги дурра остида нимадир ғимирлаётгандай туйилибди. Дераза ёнига бориб, қай кўз билан кўрсинларки, лаганда қор янглиғ оппоқ, қор каби лўппи бир қизча турганмиш.

Қизча уларга қараб:

– Мен қорқизман, кўкламнинг тоза қоридан бино бўлдим, тонг офтоби мени иситиб, юзларимга қирмизи ранг берди, - дебди.

Чол-кампир ўзларида йўқ қувониб кетишибди. Қизчани лагандан кўтариб олишибди, кампир унга дарров либос тикишга ўтирибди, чол бўлса, Қорқизни сочиқчага чирмаб, кўтариб, эркалатганича алла айгибди:

Ухла, Қорқиз, ой қизим,

Юзлари ширмой қизим.

Бино бўлдинг оқ қордан,

Қувват олдинг баҳордан.

Ичганинг оқ сут бўлсин.

Ҳар не есанг қут бўлсин.

Шоҳи либослар кийгин,

Ақлли қизча бўлгин...

Шундай қилиб, Қорқиз чолу кампирнинг бағрини тўлдириб, кўзларини қувнатиб, кундан-кунга ўса бошлабди. Бунинг устига, қиз шунақаям ақлли, фаросатли эканки, бунақаси эртаклардагина бўларди дермиш ҳамма.

Чол-кампирнинг ишлари юришиб, рўзгорларига барака кирибди. Кулбалари иссиқ, озиқ-овқат мўл экан. Сигир бузоқлари кўпайибди, товуқлари жўжа очиб чиқарибди. Ана шунда бир чатоқлик юз берибди. Товуқларини баҳорда уйдан қўрага чиқаришлари биланоқ, ҳовлидаги тўрткўзнинг ёнига айёр Тулки келибди, ўзини касалга солиб, хаста овоз билан ялина бошлабди:

– Тўрткўз, жон Тўрткўз, оёқларинг оқ устундай, ёлларинг бароқ, думларинг ипакнинг ўзи, кел, оғайни, мени қўрага ўтказиб юбор, исиниб олай!

Аввалги куни эртадан-кечгача чол билан ўрмон кезган Тўрткўз кампир товуқларни қўрага чиқарганидан беҳабар, касал Тулкига раҳми келиб, ўтказиб юборибди; Олчоқ тулки бўлса, икки товуқни гиппа бўғиб, инига олиб кетибди. Буни кўрган чол Тўрткўзни уриб-уриб ҳайдабди:

– Йўқол, даф бўл, касофат, сендан қўриқчи чиқмайди, - дебди. Тўрткўз йиғлай-йиғлай ҳовлидан кетибди. Кампир билан Қорқиз унга ачиниб қолишаверибди.

Ёз келиб, мевалар пишганида дугоналари Қорқизни ўрмондан бирга мева териб келишга чақиришибди. Чол билан кампир рухсат бертилари келмабди. Қизчалар бўлса ялиниб: «Қорқизни қўлидан ушлаб юрамиз, ҳавотир олманглар», - дейишибди. Қорқиз ўзи ҳам: «Мева тергим келяпти, ўрмонни кўргим келяпти», - деб ялинибди. Чол-кампир ноилож кўниб, сават билан бир бурда нон беришибди.

Қизчалар Қорқиз билан қўл ушлашиб, югуриб кетишибди. Ўрмонга етиб боргач, анвойи меваларни кўриб қувониб, ҳар томонга ёйилиб, яйрай-яйрай мева териб, бир-бирларини чақириб юраверишибди.

Мева териб тўйишибди-ю, бироқ Қорқизни йўқотиб қўйишибди. Қорқиз йиғлаб, ўртоқларини чақира бошлабди, бироқ ҳеч ким унга жавоб бермабди. Шўрли қизча ўзи йўл қидириб, қанча юрса, шунча кўп адашиб кетаверибди, ахийри бир дарахт устига чиқиб, йиғлаб чақира бошлабди.

Шоҳ-шаббаларни қасир-қусур, новдаларни босиб-япчиб айиқполвон келиб қолибди:

– Нима бўлди, ҳо-ой қиз, юзлари ой қиз?

– Эҳ-ҳей! Мен Қорқизман, баҳорнинг тоза қоридан бино бўлганман, наҳор офтобидан рангимга қон югурган, дугоналарим бобом билан бувимдан сўраб, мени ўрмонга олиб келиб йўқотиб қўйишди!

– Туш, ундай бўлса дарахтдан, - дебди айиқ, - уйингга обориб қўяман!

– Йўқ, айиқ, - дебди Қорқиз, - ёнингга тушмайман, қўрқаман, сен мени еб қўясан! Айиқ кетибди.

Сур бўри чошиб келибди.

– Нима бўлди, ҳой қиз, юзлари ой қиз, гапир-р-р!

– Эҳ-ҳей! Мен Қорқизман, баҳорнинг тоза қоридан бино бўлдим, наҳор офтобидан рангимга қон югурган, дугоналарим мева терамиз деб бобом билан бувимдан сўраб, мени ўрмонга олиб келиб йўқотиб қўйишди!

– Туш ундай бўлса, дебди Бўри, - мен уйингга обор-риб қўяман, бўл дар-ров!

– Йўқ, Бўри, - дебди Қорқиз, - ёнингга тушмайман, сен мени еб қўясан!

Бўри ҳам кетибди. Доғули Тулкиной етиб келибди.

– Нима бўлди, қизгина, юзлари қирмизгина?

Айта қол, жоним қоқиндиқ!

– Эҳ-ҳей! Мен Қорқизман, баҳорнинг тоза қоридан бино бўлдим, наҳор офтобидан рангимга қон югурган, дугоналарим мева териб келамиз, деб бобом билан бувимдан рухсат олиб мени ўрмонга олиб келиб йўқотиб қўйишди!

– Вой, чиройли қизгинам! Вой, ақлли қизгинам! Вой шўрликкинам! Дарров туша қол, бирпасда уйингга олиб бора қолай!

– Йўқ, Тулкиной доғули, сўзларинг кўп оғули, сендан қўрқаман, - дебди Қорқиз. - сен мени Бўрига бошлаб борасан, айиққа йўлиқтирасан... Сен билан ҳеч қасқа бормайман!

Тулки дарахт атрофида ўйнаб йўрғалабди, термулиб хўрсинибди, муқомлар қилиб чорлабди, аммо қизча сира тушмабди.

– Вов-вов-вов! - дея ўрмон ичидан Тўрткўз итнинг ҳургани эшитилибди.

Буни уққан Қорқиз қаттиқ қичқирибди:

– Эҳ-ҳей, Тўрткўз! Ҳой Тўрткўз! Мен бу ерданман, Қорқизман, баҳорнинг оқ қоридан бино бўлиб, наҳор куёшининг нуридан

рангимга қон олган қизман, дугоналарим мени бобом билан бувимдан рухсат олиб, мева тергани ўрмонга олиб келиб, йўқотиб қўйишди. Мени айиқ олиб кетмоқчи бўлди, кўнмадим. Бўри тортиб кетмоқчи бўлди, унамадим. Тулки илинтирмоқчи бўлди, макрига учмадим, кела қол. Тўрткўз, сен билан кетаман!

Итнинг вовуллаганини эшитиб, Тулки думини хода қилиб ўқдай қочиб қолибди!

Қорқиз дарахтдан тушибди, Тўрткўз ҳам дарров етиб келибди, қизча билан ачомлашиб, кўришибди, юз-кўзларини, қўлчаларини ялабди, сўнг уйга йўл солибди.

Бир тўнка ортидан айиқ, сайқонликда Бўри, бута тагида эса Тулки ёғиниб турганмиш.

Тўрткўз вовиллаб-ҳуриб, бораверибди, йиртқишлар бўлса, ундан қўрқиб, яқин келгани ботинолмай қолаверишибди.

Иккови уйга етиб келишибди, чол билан кампир шодликларидан йиғлаб юборишибди. Қорқизни дарров ўтқазиб, овқатлан-тиришибди, сўнг ухлагани ётқизиб, устига шоҳи кўрпачалар ёпишибди.

Ухла Қорқиз, ой қизим,
Юзлари ширмой қизим.
Бино бўлдинг оқ қордан,
Қувват олдинг баҳордан.

Ичганинг оқ сут бўлсин,
Ҳар не есанг, қут бўлсин.
Шоҳи либослар кийгин,
Ақлли қизча бўлгин...

Тўрткўзни ҳам кечириб, эркалашибди, ялоғига сутлар қуйиб, меҳрибончилик қилишибди, дарвоза ёнидаги ўз уйчасига киритиб: «Бу ёғига ҳушёр бўл энди», - деб тайинлашибди...

Савол ва топшириқлар

- 1. Эртаки ўқинг ва қисмларга ажратинг, мазмунини сўзлаб беринг.*
- 2. Эртақ қаҳрамонларини аниқланг. Қорқиз қандай тимсол?*
- 3. Қорқиз нима учун адашиб қолди?*
- 4. Уйга ким ёрдам берди?*
- 5. Нима учун Қорқиз айиқ, бўри ва тулқига ишонмади?*

ҚОР ЁҚҚАН КУН

Дўстмурод Ҳақназаров

Элаб-элаб қор ёғади,
Қор ёғади шудгорга.
Боққан киши лол қолади,
Ўхшар ипак рўмолга.

Ял-ял ёниб қорли кашта,
Кўзинг олиб қўяди.
Чопқиллайсан дала оша,
Қалб севинчга тўлади.

Ўйнаб-кулиб, чарчаб роса,
Уйга қайтиб келамиз.
Қор ёққан кун қандай маза,
Шўх, қувноқмиз ҳаммамиз.



Савол ва тўншириқлар

1. Шеърни инфодали ўқинг ва мазмунини айтинг.
2. Шеърда қор нималарга ўхшатилди?
3. Болалар, сиз табиатнинг сирли оламида қор ёғишини кузатганмисиз?
4. Шеърни ёд олинг.

Эсланг: Матни қисқартириб ҳикоя қилишда нимага эътибор бериш керак?

ҚИШ БЎЛМАСА-ЧИ?

Яйра Саъдуллаева

Санобар уйғонса, ётоқхонаси совиб кетибди. Боғчага борадиган укалариям гужанак бўлишиб, кўрпага ўралиб олишибди. Ойижониси кечагина енги калта кўйлақ кийиб юрганди, бугун иссиқ пахмоқ халати билан нимчасини кийиб олибди.

– Тура қол, қизим.

Санобар «ҳозир» деди-ю, эринибгина ўрнидан қўзғолди, яна ҳухулаб кўрпага ўралди. Ойижониси нонушта тайёрлаб бўлибдиямки, Санобар турмасди.

– Она қизим-ей, бунақа одатинг йўқ эди-ку, - деди онажониси иссиқ кўйлагини келтириб ва укаларини уйғота бошлади. Санобар совуқдан жунжикиб турди-ю, дарров кийиниб, иссиқ сувда юз-қўлини маза қилиб ювиб келди. Ойижониси: «Кечагина куз эди, бугун қиш ҳам келиб қолди», - деди катта янгилик айтаётгандек. Буни қаранг-ки, укалари унга ўхшаб эриниб ётишмади. Қайтанга, қиш келганига қизиқиб, туриб кетишди.

Санобар ёзда маза қилиб чўмилганларини, далаларга чиқиб дам олганларини эслади. Эслади-ю, қиш бўлмаса, нима қилади-я, деб қўйди ўзича. Ўйлаганини чой ича туриб ойижонисига айтганди, Мурувват опа унга негадир ялт этиб қараб қўйди. Чунки бу вақтгача ҳеч ким бунақа савол бермаганди-да. Ҳатто қизалоғи бундай савол эришини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Чиндан ҳам кундузи ҳаво қизитган, туни билан эса адашган совуқ олиб, ҳатто паға-паға қор ёққан эди. Ҳеч ким печка ёқишга улгурмаганди.

– Қиш бўлмасами? - деди у кўлидаги юмшоққина нонга сариёғ сураётиб.

– Ҳм, - деди жунжикиб Санобар.

Мурувват опа бир зум жимиб қолди.

Ўшанда у тўртинчи синфда ўқир, атрофини ўраб олган табиатни тушунишга жуда-жуда қизиқарди. Дадасига бир эркаланганди. Қишда маза қилиб учасан, деб орқасида бежиримгина темир суянчиғи бор чана совға қилди. Укаси Лутфуллага ҳам ялтираган коньки кўшиб олиб келибди-ки, маҳаллада ҳамма болаларнинг ҳаваси келгандан-келганди. Опа-ука ўшанда қор гупиллаб ёғишини, тезроқ ерлар оқаришини роса орзиқиб кутишарди. Ноябрьда аксига олиб қуёш чарақлаб турди. Декабрьда қор ёғар деб шунча кутишди. Ёғмади. Баъзи кунлари ҳатто илк баҳор фаслидагидай ёқимли шамол эсар, ёпирилиб келган булут кўз ёшини ташлаб-ташламай тарқаб қоларди. Ҳатто янги йил кечаси ҳам номига совуқ туриб, озгинагина қиров тушди. Қор бўлмаса-ю, Қорбобо келса, ғалати бўларкан. Бир-икки куннинг ичида шаҳар арчасида турган Қорбобонинг усти чанг бўлди-қолди.

Ўша ойлари Мурувватнинг бувиси, айниқса, ташвиш тортарди.

– Ҳаммаси ўз вақтида бўлгани яхши, - дерди у нукул.

Бувиси ўйлаганича бор экан, қиш қаттиқ бўлмагани, ер мириқиб ором олмагани, ҳаво совимагани учун дарахтлар жуда эрта уйғониб қолишди. Ҳақиқий баҳор фасли бошланиши арафасида эса, бостириб келган қор совуғи мевали дарахт куртакларини уриб кетди. Ўша йили олма, ўрик, шафтоли, умуман мевалар кам ҳосил берди. Анча -мунча қурғоқчилик бўлиб, ҳатто пахта ҳам кам топширилганини яхши билади. Мурувват опа буни бир дақиқа эсига олди-ю, қизига деди:

– Қиш бўлмаса, Санобархон, ер яхши ҳордиқ чиқара олмайди.

– Ҳордиқ дейсизми?

– Ҳа, дам ололмайди, табиатнинг неча фасли бор, биласан-а?

– Тўртта! - деди шошиб-пишиб тайёрловга борадиган ўғли Бахтиёр. Ер табиатнинг уч фаслида хайрли меҳнат қилиб, халққа нозу неъмат беради. Қиш кунларида эса мириқиб дам олади. Қор ва ёмғир намларини йиғиб, келгуси йил ҳосили учун асраб туради. Ўзида куч тўплайди. Баҳор келиши билан эса, инсонга ўз бағрини очади. Саҳий меҳрини сочади.

– Қиш бўлмаса, ер ҳам чарчаб қоладими?-деб сўради Санобар кўзларини жавдиратиб.

– Тўғри топдинг, қизим. Ер чарчаб қолади. У толиқса, сен еяётган олма-анорлар, қовун-тарвуз, картошкаларнинг ҳосилига путур етади.

«Оқ олтинимиз жуда қимматга тушади. Қор ёғмаса, Қорбобо ясай олмайсиз, яхмалак учолмайсиз.

Санобар оғзини очиб қолди. Рост билан қиш бўлмаса, бугунгидек тўкинчилик, бугунгидек бойлик бўлмас экан-да? Ҳали у бу гапларнинг мағзини чақиб улгурмаёқ, ойиси елкасига қоқиб, бўлақол, она қизим, ўқишинга кеч қолма, деди-да, уни мактабига кузатди.

Санобар йўл йўлакай ойижониси айтганларини ўйлаб борарди. У бир нарса эсига келгандек ўзича жилмайиб қўйди. Яна ҳам тез-тез юра бошлади. Санобар шошарди, ойижонисига берган саволини ўртоқларига бериш учун шошарди. Қизик, ўртоқлари бу ҳақда сира ўйлаб кўришганмикин?



Савол ва топшириқлар

1. Матни ўқинг. Берилган саволлар асосида режа тузинг ва мазмунини қисқартириб, асосий ўринларини айтинг.
2. Санобар нима учун ўридан тургиси келмади?
3. Онаси Санобарнинг саволидан нега таажжубланди?
4. Сизга шундай савол берилса, нима деб жавоб берардингиз?

ТУЯ ВА БОЛА

Қаюм Тангриқулов

Бобомнинг туяси Байир ҳам жуда машҳур. Байир-«тепа» дегани, дарҳақиқат у кучли ва улкан.

Байир қариб қолгач, уни ишлатмай қўйишди, шундай қилсак яхши бўлади, деб ўйлашди шекилли, аммо Байир бунга кўни-колмас, зерикарди.

Лекин бир куни Байирнинг ёнига Қули тоғанинг ўғли Мурод келди. Уни бир парча нон билан сийлади.

– Менинг исмим Мурод, - деди бола туяга, - сеники-Байир-а. Кел, дўст бўламиз.

Мурод туя олдига ҳар куни келар, уни бирон нарса билан меҳмон қилар, бўйинларини силаб, эркаларди. Туя ҳам унга ёқмоқчидек чўккалар, гўё бу билан уни устига миндириб ўйнатмоқчи эканлигини билдирарди.

Май ойининг охирида, чўлда майсалар қурий бошлагач, Мурод Байир билан ўтин йиққани жўнади. Ингичка чўл дарахтлари унча оғир эмасди, лекин қари туя уларни бошини орқага ташлаб, кўкрагини керган ҳолда гурур билан кўтариб борар, гўё меҳнат қилаётганидан мамнун эди. Чунки у тагин ишляпти, тагин одамларга нафи тегапти.

Улар юравериб узок саксовулзорга бориб қолишди. Бу ерда қуруқ шох-шабба мўл эди. Мурод суюниб кетди, у то қуёп тиккага келгунча ўтин терди. Чўл тандирдек қизиб кетди. Муроднинг сув ичгиси келди, лекин шунда сув олиб юрадиган кўзачасини унутиб қолдиргани

маълум бўлди. Уйгача ҳали узоқ эди. Мурод катта тақирга боришга қарор қилди. Тақир қаттиқ, текис жой бўлиб, у ерда баҳорда ёмғир суви тўпланиб туради. Мурод тақирда сув сақланиб қоладиган чуқурча бўлишини биларди. Тақир узоқдан кўриниб турарди. У қуёш нури-да ойнадек ярақларди. Демак, тузи юзага чиқиб қолган.

Байир аввалига тақирдан юра кетди, бир оздан сўнг эса ўжарлик қила бошлади.

– Кўряпсанми?-уни огоҳлантирди Мурод, -уйимиз жуда узоқ, сувсиз қийналиб қоламиз, юрсангчи, ахир!

У сувли чуқурга ўзи бормоқчи бўлди. Лекин Байир унинг кўйлагини тишлаб, ўзи томон торта бошлади.

– Бугун жуда бошқачасан-а! -ҳайрон бўлиб деди Мурод, - балки чанқаганингдандир, юр тўйиб сув ичиб оламиз.

Байир дўстига бўйсунмасди.

Оёқ остидаги ер қуриган ҳамирдек билқиллаб турарди, лекин бола бунга эътибор бермасди. Сувли чуқурга ўн қадамча қолганда, Мурод тўсатдан тиззасигача ботиб кетди. Силтанди, лекин оёғидан тиззасигача ботиб кетди. Силтанди, лекин оёғини тортиб олол-мади. Шунда у янаям чуқурроқ ботиб бораётганини сизди. Қорни билан ерга ётиб олди, аммо тақир ёрилиб, ёриқлардан сув чиқа бошлади.

– Байир!-жон ҳолатда қичқирди Мурод.

Туя нотекис тақирдан бир неча қадам юрди, сўнг қорни билан ётиб, эмаклаб кела бошлади.

Байир остидаги ер чўка бошлади, лекин у Муродга яқинроқ келди, болани тишлаб, хавфли жойдан чўчиган ҳолда ўзига торта бошлади.

Ботқоқ кулқуллади, бироқ Мурод хавфсиз жойда эди.

У Байир ёнига эмаклаб борди, уни қучоқлаб бошига бошини ишқади.

– Кечир, мени, Байиржон, - деди у ўзининг ақлли дўстига. -Бу ердан тезроқ кетайлик!

Туя Муродга беозор, ғамгин боқди, лекин қимирламади. Мурод шундагина Байир атрофидаги ер чўкаётганини кўрди. Бот-қоқ болани кўйвориб, туяни ютмоқчидек эди.

– Байир! Жоним, сабр қил!-Мурод туя устидаги саксовул бойламини ечиб ташлади, шох-шаббаларни туя остига тикди, сўнг орқасига ҳам қарамай, жон ҳолатда уйи томон югуриб кетди.

У югураётиб неча марта йиқилиб тушганини эслолмади, йиқилганида жим ётиб қолмади, куч йиғиш учун эмаклаб борди, чунки ботқоқ кутиб турмайди. Унинг кучи ўтов эшигини очишга ва шивирлашга аранг етди:

– Байирни қутқаринглар, у мени қутқарди...

Мурод эрталаб уйғонганда ўтовда ҳеч ким кўринмасди.

– Байир!-бола туясини эслади, ўрнидан сакраб турди. Оёғи ўзига зўрға бўйсунар, боши айланарди, лекин Мурод эшиккача етиб борди ва ташқарига чиқди.

Байир ўтов олдида турар, унинг олдида бир қучоқ ўт ётарди. Байир ўт чайнашдан тўхтаб бошини бола томон бурди. Мурод уни кўриб кулиб юборди: Байир оғзидаги ўт-худди мўйловдек икки томонга тарвақайлаб чиқиб турарди.

Савол ва топшириқлар

1. Ҳикояни ўқинг, қисмларга ажратинг ва сарлавҳа қўйинг.
2. Режа асосида Муроднинг туя билан дўстлашганини айтинг.
3. Саксовулзорда қандай воқеа юз берди?
4. Тушқунликка тушган ўринларни қайта ўқинг.

Эсланг: *Ижодий қайта ҳикоялаш нима?*

БАРИ БИЗНИКИ

*Музаффар Олимбоев - қозоқ
халқ болалар шоири*

Қорақишлоқ - менинг она юртимда
Ўсар адл бир қарағай сиртида.
Шивирлайди ел эсганда япроғи,
Гўё имлар: кел, келақол, қароғим.

Қарағайнинг тепасига чиқиб гоҳ,
 Чор атрофга ташлагайман мен нигоҳ.
 Осмон билан бўй талашиб тураман.
 Сўз топилмас бир манзара кўраман.
 Майин шамол эсар анов тоғ ёқдан,
 Қўй-қўзилар маърашади ўтлоқда.
 Яшил қирлар бағрида-чи шўх қувноқ.
 Қайнаб ётар қўшиқ куйлаб Оқбулоқ.
 Қизғалдоқлар қоплаб дала тузларни.
 Силкинишиб ўйнатади кўзларни.
 Қанотила ерни силаб қалдирғоч,
 Назаримда дер: она Ер, бағринг оч.
 Шулар бари элни севган эрники!
 Шулар бари халқимизники, элники!



Савол ва топшириқлар

- 1. Шеърни тўхтамларга роя қилиб ифодали ўқинг.*
- 2. Қорақишлоқ кўринишини тасвирланг ва ўз яшаётган жойингизга қиёсланг.*
- 3. «Шулар бари элни севган, эрники! Шулар бари халқимизники, элники» сатрларини ўз сўзингиз билан айтиб беринг.*

ЕТТИ ҚАРОҚЧИ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Ровийлар андоқ ривоят қиладиларки, қадим ўтган замонда Етти қароқчи яшаган экан. Улар бир бирларидан бақувват, келишган, чиройли эканлар. Кунлардан бир куни Етти қароқчи Ер султонининг якка-ёлғиз, ҳусн-жамолда тенгсиз қизи-маликани ўғирлашиб, осмону фалакка олиб чиқиб кетишибди. Ер султонининг ман-ман деган Паҳлавони бор экан. Султон ана шу Паҳлавонни ёнига чақириб:

– Етти қароқчи осмондан тушиб, ёлғиз қизимни олиб қочди. Қизимни ерданми, осмонданми топиб, олиб келсанг, бошинг тенги олтин бераман, – дебди. Паҳлавоннинг ўзи ҳам Ер султонининг қизини кўз остига олиб юрган экан, дарров рози бўла қолибди...

Гапни қароқчилардан эшитинг. Қутб юлдузигача етиб боришибди. У билан учрашишгач:

– Биз ерга тушиб, Ер султонининг ёлғиз қизини ўғирлаб олиб чиқдик. Насиб қилса унга уйланамиз. Энди эса ер султонининг Паҳлавони орқамиздан қувлаб келаяпти, ёрдамнингни аяма, Қутб юлдузи, - дейишибди.

– Ер одами бу ергача чиқолмайди. Қизни қўлга туширибсизларми, энди у сизларники. Қўрқмасдан шу ерда осмону фалакда яшайверинглар, - деб уларни тинчлантирибди. Нимасини айтасиз, одамнинг қўли етмаган, оёғи босмаган жойи йўқ экан. Ер султонининг Паҳлавони Қутб юлдузигача етиб борибди.

– Ер султонининг яккаю ягона қизи-маликани Етти қароқчи ўғирлаб, шу ерга келган. Мен уларни ахтариб келдим, қизни олиб бориб отасига топширмоғим шарт. Икки орада адоват уйғониб, қон тўкилмаслиги учун, эй, Қутб юлдузи, сен Етти қароқчига айт, яхшиликча қизни қайтариб беришсин, - дебди. Шунда Қутб юлдузи:

– Мен қаёқдан биламан, балким қизингизнинг ўзи уларни хоҳлагандир, - дебди.

– Йўқ, - дебди Паҳлавон, - улар мажбуран олиб қочишган.

Қутб юлдузи:

– Ундай бўлса, ўзинг излаб топ. Мен аралашсам бўлмайди. Етти қароқчи кейин мени тинч қўймайди, - дебди. Паҳлавон Етти қароқчи билан қизни ахтариб кетибди. Аммо уларга етолмай ҳалиям излаб, қувиб юрармиш. Етти қароқчи бўлса, Қутб юлдузи ён-атрофида Паҳлавондан қочиб, узлуксиз айланишармиш. Етти қароқчи, Ер қизи-малика, уни излаб юрган Паҳлавон ҳозир ҳам бири иккинчисидан қочиб, бири иккинчисини қувлаб юрганмиш.

Савол ва топшириқлар

- 1. Ривоятдаги етти қароқчи ҳақида тушунчангизни айтинг.*
- 2. Етти қароқчи ва қутб юлдузи суҳбатини матндан топиб ўқинг.*
- 3. Эртақ мазмунини сўзлаб беринг.*
- 4. Эртақ ҳақидаги ўз фикрингизни баён қилинг. Сиз етти қароқчи ҳақида қандай ривоят тўқиган бўлар эдингиз?*

Билиб олинг: матни қўшимча манбаа билан кенгайтириш мумкин

МАНАС ЭПОСИНING ҚИСКАЧА МАЪМУНИ

Қирғизлар қадимий халқлардан эканлиги тарихдан маълум. Бинобарин, улар тарихий тараққиёт жараёнида жуда кўп кўнгилсиз ҳолларни, босқинлар, оғир кунларни бошидан кечирган. Меҳнаткаш халқни бир томондан ўз ичидаги Кубашхон сингари эзгувчилар жабрласа, иккинчи томондан чопиб – талаб кетувчи босқинчилар хўрлаганлар. Мана шундай қийин даврда халқ бахтига Манасдек ботир туғилади. Қора хитойларнинг кўп сонли қўшини қирғизларга қўл солиб, ерини, мол–мулкни тортиб олиб, ўзларини асир қилиб Олтойга сургун қилиб юборишади. Манас ана шу Олтойда туғилади ва ота–онаси болани тарбиялаш учун қўйчивон Ўшпирга беради.

Манас йил эмас, ойлаб ўсади, ўз тенгдошлари орасида кучли, ақл–идроки баланд, сезгир, ботир бўлиб вояга етади. Ёш тенгдош ботирлар томонидан Манас йўлбошчи бўлиб сайланади. Бундай ботирнинг чиқиши Олтойдаги қирғизларни бўйсундириб турган қалмоқларни, Толасни тортиб олган қора хитойларни ғулғулага солади ва бўлажак даҳшатли душманни ёшлигиданоқ йўқ қилиш учун бел боғлашади. Лекин Манас бош бўлган ёш ботирлар душманларнинг ҳужумини қайтариб, уларнинг устидан ғалаба қозонади. Бу қаҳрамонлик, жанглардаги усталик унинг донгини чиқаради.

Олтойдаги қирғизларгина эмас, энди душмандан азоб чеккан бошқа ерлардаги қирғизлар ҳам Манас хабарини эшитиб, қувонишади, энди бизни қўриқлайдиган таянчимиз бор деб, уни паноҳ қилиб, унга бош эгишга тайёр бўладилар.

Шунинг учун ҳам «Манас» эпоси қирғиз уруғларининг ўтган асрларда бошдан кечирган реал тарихий воқеаларнинг бадий акси деб аташади. Чунки ундан биз қирғиз халқининг ўтган давр ҳаёти, иқтисоди, мафкураси, қайси халқлар билан алоқада бўлганлиги, ер юзининг қайси нуқталарида яшаганлиги ҳақида билиб оламиз.

«Манас» дунёдаги энг узун ва катта дoston ҳисобланади. Масалан, «Манас»нинг Саяқбай Қаралаевдан ёзиб олинган нусхасининг ўзи 500 минг мисрадан зиёддир. Ўзининг мислсиз зўр ҳажми ва қамраб олган даври бўйича ҳам «Манас» эпоси бунга қадар дунё халқларига таниш бўлган Гомернинг «Илиада»си билан «Одиссеяси»ни қўшиб ҳисоблаган ҳажмдан ҳам 20 маротаба, ҳиндларнинг «Маҳобҳорат» халқ дostonининг ҳажмидан эса 2 марта кўпдир.

Савол ва топшириқлар

1. «Манас» қандай асар экан?
2. Манас, Семетей, Сейтек ҳақида сўзлаб беринг.
3. Уларнинг қаҳрамонлиги тўғрисида қандай маълумотлар биласиз? Матнини кенгайтиринг.

III БЎЛИМ

БАДНИЙ АСАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Бадний асарни таҳлил қилиш учун уни ўқиш, мазмунини тушуниш ва мазмунга муносабат билдириш керак. Шунингдек, асарда ёритилган тимсолларни аниқлаб, уларга хос хусусиятларни белгилаш лозим.

БИЗНИНГ ҚАЙСАР ДАДАМИЗ

Ўтган йили дадамиз Бишкекка тарвузларни сотишга борганда, улар бизга анча совғалар билан қайтдилар. Совғалар ичида инглиз тилида ёзилган чиройли бир қути бор эди. Дадамиз буни, бир маҳсус нарса, кейинроқ очиб кўрсатаман, дедилар. Биз унинг нима эканлигини ҳеч тушунолмасдик, чунки қути бошқа нарсалар орасида беркиниб турарди.

– Ҳозир кўрсатинг, дадажон! - деб ёлвордик.

– Ҳозир эмас, кейинроқ кўрсатаман - деб жавоб берди дадамиз.

– Бўлмаса, нималигини айтинг! - деди менинг укам.

– Хўш, бу жуда қизиқарли нарса, лекин овқатдан сўнг биласизлар, яхшими?

– Яхши! - деб қичқириб, тезликда дастурхон ёза бошладик.

Менинг сабрим чидамади. Мен у қутида нима борлигини тезроқ билишга шошилиб охирги қошиқ гуручни ютар-ютмас:

– Энди кўриш мумкинми? - деб сўрадим. Дадам охистагина «Ҳали йўқ, сабр қилинглар», - дедилар.

Менинг икки укам ва мен дадамларнинг оғзига тикилиб, уларнинг шошмасдан овқат еяётганларини сабрсизлик билан кузатиб турдик. Улар бизларни атайлаб синаб кўраётган эдилар. Бу ўйиннинг қоидаларидан бири эди. Тўсатдан дадамиз:

– Чарчадим, бироз ётиб дам олай, - дедилар. Шунда ёш укам чидаёлмай:

– Дадажон, ахир биз кутяпмиз-ку! - деди.

– Нимани кутяпсизлар? - сўради дадам таажжубланиб.

– Қутини очишингизни! Дадажон, илтимос, келинг очақолинг! - деб ҳаммамиз ёлвордик.

Дадамиз илжайди ва бизларни қучоқлаб:

– Яхши. Агар қутининг ичида нима борлигини топсангиз очаман, тополмасангиз ўзингиздан кўринг, - дедилар.

Болаларнинг ичида энг каттаси мен бўлганим учун, менга биринчи бўлиб топишга тўғри келди. Мен нима дейишни билмай:

– Бу америкалик самовар бўлса керак, дедим. Дадамиз кулиб, ёш укамга қаради.

– Ўйлайманки, бу мен учун фидиракли янги оёқ кийим, - деди у, умид билан.

Энг кичик укам чидамасдан:

– Йўқ, бу менга ўзи юрадиган машина, - деди.

– Хўш, ҳеч ким топа олмади, ҳа майли кўрсатишга тўғри келади.

У эҳтиёткорлик билан қутини оча бошлади. Қутининг бир томонида чиройли магнитофоннинг расми солинганди. Хурсанд бўлганимдан мен чапак чалиб юбордим. Қутини очиб дадам катта

ялтираб турган қора магнитофонни суғириб чиқардилар. Унга батарея ва кассета ўрнатиб, ишга туширадиган кнопокани босдилар. Уйни ажойиб мусиқа оҳанглари қоплади. Биз ашула айтиб, ўйинга туша бошладик. Онамиз яқинлашиб, эшик ёнида туриб бизнинг ўйинларимизни томоша қилдилар.

Бизда фақат биргина кассета бўлиб, дадамиз уни қайта-қайта қўйвергандан батареялар тугаб тамом бўлди. Ўшанда дадамиз магнитофонни баланд токчага қўйиб унга рухсатсиз тегмасликни уқтирди. Тўққиз ой давомида биз магнитофонни ишлатдик. Лекин бир кун дадам янги кассета қўйганда, у ишламади. Унинг ичидан қандайдир визиллаган товуш чиқарди, холос. Дадамизнинг жаҳллари жуда чиққан ва «Мана энди магнитофон ишдан чиқди, биронтангиз бунга теккансиз», - деди. Биз ҳаммамиз: «Биз тегмадик!» - дедик:

– Балки батареялари яна тугагандир, - дедим мен.

– Йўқ, янгисини қўйдим. Гап батареяда эмас, балки гапга қулоқ солмаган болаларда, - деди отам.

Биз сукунат сақлардик.



Изоҳли луғат

оҳиста - [ф-т] аста

таажжуб - [а] ҳайрон бўлиш



Савол ва топшириқлар

1. Матнини тўхтаб билан ўқинг.
2. Болалар нима учун қутига қизиқишди?
3. Нега отаси қутини овқатланиб бўлиб очди?
4. Сабр ҳақида фикр билдириңг.
5. Болаларга тавсиф бериңг.

Тимсол асарда тасвирланган инсон, табиат, ўсимликлар, дарахтлар, осмон жисмлари ва ҳайвонлар тасвиридир. Бадий асарларда инсонларнинг ички ва ташқи қиёфаси ёритилади. Биз тимсоллар орқали энг яхши фазилатларни ўрганамиз.

МУЛОЙИМ БУВИМ, ҚАЙСАР БУВАМ ВА ЛОҚАЙД ДАДАМ ҲАҚИДА

(Кичик қисса)

Шаҳодат Исахонова

Ашир муаллимнинг дарғазаб овозидан Али сапчиб тушганича ранги қув ўчиб, гужанак бўлиб олди.

– Кўчирган бўлсанг, кўчирганингни айт, кўчирмаган бўлсанг кўчирмаганингни, ўртоқ Ғаниев, нега қўрқасан?

Ашир муаллимнинг товуши мулойим тортганини кўриб, Али «тўғрисини айтаверайми» дегандай, ялт этиб, юзига қаради. Ашир муаллим эса ундан тезгина кўзини олди.

– Балки, ўртоғинг Абдулла ёлғон гапирётгандир, балки тухмат қилаётгандир. Ашир муаллим қўлларини орқага чалиштирганича, шифтга қараб гапирди, - қўрқмасдан тўғрисини айтавер!

– Тухмат қилаётганим йўқ, - дедим Ашир муаллимнинг гапидан оғриниб.

– Кўчирган, ҳаммамиз кўрганмиз! - орқадан бақирди Дилшод.

– Сен-чи, ўзингни билиб ўтир, - деди Ашир муаллим Дилшод томонга ўқраяркан.

Ҳимоядан қадди тикланган Али ўзини анча тутиб олди.

– Кўчирганим йўқ, ўзим ёздим, - деди ерга қараганича, сўнг қўшиб қўйди, - Абдулла ёлғон айтаяпти!

Бўғзимга нимадир қадалди. Хаёлимда бутун синф остин - устун бўлиб кетгандек эди.

– Мен тўғрисини айтаяпман, - дедим бўғилиб, - кўчиргансан!

– Яна бир марта қайтарсанг, - Ашир муаллим нос чекканидан

четлари кўкариб қолган тишларидан тупук сачратганича, менинг тепамга учиб келди, - ўзингга икки қўяман, ўртоқ Шарипов.

Кейин ўша дарғазаб ҳолича орқасига қайтди-да, синф журналини қўлтиқлаганича эшик томон юзланди.

- Қитмирликда бобонгдан қолишмас экансан!

Бу гапни эшитиб росаям хафа бўлдим. «Мактабга бормайман» деб тўполон ҳам қилдим. Бобом бўлган воқеани эшитгач, ичаги узилгудай қотиб кулди-да: «Боплабсан, азамат, ўфил бола мана шунақа бўлиши керак», деди.

Дадам эса уришиб берди:

- Бу номаъкулчиликни бир марта қилибсан, иккинчи қайтарма ўғлим. Бунақада одамлар орасида ёмон отлик бўлиб қоласан, - деди. Бу гапни эшитган бувам ўтирган жойидан сапчиб туриб кетди.

- Эҳ-ҳе, ҳормасинлар, - дедию ўғлига пичинг билан қўлини пахса қилганича, - норасида гўдакни ҳалитдан алдам-қалдамга ўргатаптиларми, ўзларига ўхшатиб?!

- Алдам-қалдамга эмас, ота, одамгарчиликка!-деди тошойна қаршисида бўйинбоғини тақаётган дадам пинагини бузмасдан. Кейин тортмадан пишиллатадиган атир олиб, юзларига, бўйинларига обдан пуркаб, устидан шаппатилади.

Дадамнинг бу беписанд қилиғи бувамнинг жон-жонидан ўтиб кетди.

- Ноҳақликни кўриб индамаслик одамгарчилик экан-да, сенингча?!

- Бу ерда ҳеч қанақа ноҳақлик бўлмаган, ота, - дадам бувамга қараб жилмайди. - Бизлар ҳам болалигимизда ўртоқларимиздан роса кўчирганмиз. Бунинг айби йўқ.

- Кўчиртирган болага уч қўйгани-чи, бу ноҳақлик эмасми?

- Бу энди муаллимнинг виждонига боғлиқ!

- Ана энди ўзингга келдинг, баракалла, - бувам курашда қолиб келган одамдай бирдан кайфияти кўтарилиб, чеҳраси очилди. - Ана ўша виждонсизга ҳақиқатни айтиб, Абдулла тўғри қилган, билдингми?

– Барибир нотўғри қилган! Чунки Ашур муаллимга ҳақиқатнинг кераги йўқ, Унинг ҳақиқати - томорқасидаги саримсоқ пиёзи. Ғани участкавойнинг иккичи ўғлига тўрт қўйиб, яхши кўринса, эртага кузда ҳеч қанақа ғалвасиз пиёзини олади. Шундай бўлгач . . .

– Оғзингни тўлдириб айтаётган одамгарчилигинг шуми ҳали?

Бувам каловланиб қолган дадамга «ҳолинг шуми?» дегандай бароқ қошларини кериб қаради.

Дадам эса пинагини бузмасдан, мийиғида кулганича, бувим томонга қаради. Бу қарашнинг маъноси бувимга беш қўлдай аён, яъни, «чолингизни бир амаллаб тинчитинг» дегани.

Бувим қавиётган кўрпачасини думалоқлаб, ота-бола ўртасидаги вазиятни ялпизлашга тушди:

– Вой, отажониси-ей, нима қиласиз ҳамма нарсага асабингизни бузавериб? Кошки, мана шу фидойилигингизни одамлар билишса? Қайтага, ҳамманинг кўзига балодай кўриниб қоласиз. Узоққа бормай, анугинадаги жанжални олинг. Хўш, нима бўлди? Ҳақиқат қиламан, деб номингиз тухматчига чиқишига сал қолди. Яхшиям, ўғлингиз бор экан, раис билан яқинлиги учун «босди-босди» қилди. Бўлмаса, Фозил дўхтирга ўхшаб, ҳозир ҳам судма - суд юрардингиз, тўғрими? Қайтага икки ўртада шўрлик Қаршигул ўлиб кетди. . .

Бувим кўзларига қалққан ёшни чорсиси билан артатуриб, чолининг авзойини билиш учун юзига қаради. Бувамнинг энсаси қотиб, бувимга ўқрайиб турарди. Бувим гапини дарров ичига ютақолди. Чунки ана шу қарашдан кейин ҳам сўзида давом этса, эшитадиганини эштади. Бувимнинг «анугинадаги жанжал нима бўлди» деган гапини эшитдингиз-а? Лекин сиз, жанжалнинг ўзини эшитганингиз йўқ. Эшитсангиз, ёқангизни ушлайсиз. Вой-бўй, қиёмат қойим бўлай деган. Ўшанда-чи, ҳаммаси Азимдан бўлди.

II

Индамайгина ҳашарга кетаётган эдик. Қаршигул кампирнинг полизига етганимизда:

– Айтгандай, болалар, - деди ҳовлиқиб, - Қаршигул момо ҳозиргина Файзи табибниқига кетипти. Энам айтди. Бузоғи судраб

қочган экан, қўли чиқиб кетипти. Ҳали-вери келмаса керак, бир қовунхўрлик қилмаймизми?

Қувончдан «уре» деб юбордик, лекин хивични эслаб, дарров нафасимиз ичимизга тушди. Чунки Қаршигул момо Саломат кампирга ўхшаб, қарғаб, пачакилашиб ўтирмайди. Қовун полизига ўғирликка тушсангиз, тол новладан хивич ясаб, пайкалнинг энг пана жойида пойлаб ўтиради. Минг қараганингиз билан қорасини кўрмайсиз. Полизга кириб, то ҳандалакни узиб чиққунингизчаям индамай, писиб ётаверади. Учта-тўртта ҳандалакни орқалаганча, энди энгил нафас олганингизда, нақ илигингизни мўлжаллаб, хивич тушади. Йиғлаганингизгаям қарамайди. Омбурга ўхшаган ингичка қўллари худди чангакнинг ўзи, тутдими, қўйиб юбормайди. Шунинг учун болаларнинг ҳеч қайсиси Қаршигул кампирнинг полизига ўғриликка тушмайди.

- Пайтдан фойдаланиш керак, ўртоқлар, - далда берди Турсунпўлат қўлларини бир-бирига ишқаб.

- Тўғри, болалар, - деди ҳамма нарсани тескарисига бурадиган Чори Турсунпўлатнинг гапини маъқуллаб, - ширин-шакар қовунларимизни Қаршигул кампирнинг ёвуз чангалидан озод қилиш пайти келди!

Қаршигул кампирнинг полизи пахтазорга туташ. Лекин атрофи итбурун билан шунақанги ихота қилинганки, одам тугул мушук ҳам ўтолмайди.

Тўғарага яқинлашишимиз билан димоғимизга қовунларнинг анвойи бўйи урилиб, кўнглимизнинг энг тубида липиллабгина турган журъатни аланга олдириб юборди.

- Пахта этакка ўт тўлдириглар, - буйруқ берди Азим, - мен қоровуллик қилиб тураман. У шундай деди-да, йўлнинг четидаги калта-калта шохли чўнқир танаси қолган қари тутга чиқиб, Файзи табибнинг ҳовлиси томонни кузата бошлади ва кирган-чиққанини бирма-бир айтиб турди.

- Дарвоза томондан дум-думалоқ битта одам кирди, - қўлларини дурбин қилганча, ахборот беради Азим, - Ҳовлининг ярмига етганда

тўхтади. Ана, ичкаридан битта кампир чиқди! Ҳаммамизнинг қулоғимиз динг бўлиб, ўрнимиздан сапчиб турдик.

– Бўйи қанақа? - чийиллади Чори, - паканами?

– Ҳарқалай узунмас, - Азим янаям қаттиқроқ тикилди.

– У Файзи табибнинг кампири. Лекин . . . қўлларига қара-чи боғланмаганими?

– Соппа-соғ селпанглаб, ҳисобчининг тумшугига бориб келяпти

– Пахта теримига ёрдам беринг, деб борган, - билафонлик қилди

Чори, - Файзи табибнинг кампири бизларга ўхшаган аҳмоқ эмас, «бор тошингни тер», деяётган!

Этакларимиз бир пасда ўтга тўлди. Бу қовун полизига ўтишнинг энг қулай усули. Ўт тўлдирилган этакларни итбуруннинг устига ташлайсиз-да, тикон киришидан ёки у ёқ-бу ёғингиз юлинишидан хавотир олмай, бемалол полизга ўтаверасиз.

Биринчи бўлиб йўл бошлаган Турсунпўлат учинчи этакка оёв қўйганда, бирдан, ўзини орқага ташлади:

– Ўлдик! Бўрибосар!!!

Ҳаммамиз ола-гасир дуч келган томонга отилдик.

Тут устида туриб ҳай-ҳайлаётган Азимнинг овозини юз қадамча наридаги гўзапоя бостирманинг тагига етиб, нафас ростлаётганимиз дагина эшитдик.

– Эй, куён юраклар, Қаёққа? Нимага қочаянсизлар?!

Тўғриси, Турсунпўлатнинг «ўлдик»дан кейинги гапини ҳеч қайсимиз эшитмапмиз. «Бўрибосар» ҳаммамизнинг қулоғимизга «Қаршигул» бўлиб кирипти. Чунки «бўрибосар»лигини билсангиз бунчалик жон ҳолатда қочмасдик.

Ўзимизнинг қилиғимиздан ўзимиз кулганча, Азимнинг ёнига қайтдик.

– Ҳайф ҳаммангта, - деди Азим тут устида хиринглаганича, - чумчуқ пир этса юракларинг шир этмай! Сенларнинг бу қўрқоқликларингдан бўрибосар бечоранинг ўзиям уялиб кетди.

Итбурунлар орасидан Бўрибосар ётган томонга қарадик. Қариб хуришга ҳам эриниб қолган бечора ит полиздаги қўриқчининг

шундоққина яқинида, бизнинг товушимизга қулоқларини динг қилганича, тилини осилтириб ётарди.

– Ўлиб кетгур, очофат, зиқна! - Алами келган Турсунпўлат полиз томондан кўзини узмай, баланд овозда гапирди. Унинг жаҳли чиқса, бувиси Саломат кампирнинг қарғишларидан ишлатади. – Гўрига орқалаб кетарканми шунча қовунни? Бувимнинг айтганича бор, ўзи тўйсаям кўзи тўймайди. Бўлмаса, ярим соатгинагаям ит боғлаб кетадими ҳеч замонда?

– Ростда, одам ҳам шунча зиқна бўладими, -Турсунпўлатнинг гапини маъқуллади Чори узун, қилтириқ бўйинини тўғара оша чўзганича, пушталарда дўппайиб ётган сап-сариқ қовунларга суқланиб тикиларкан, – бўлмаса экмасин, тўғрими, болалар?!

– Бувимнинг айтишича, Қаршигул кампирнинг бир қоп пули бормиш, - гапга аралашди Жонибек.

– Э, э опқоч-а, - эсаси қотди Сайфининг, -бизникида бўлмаган бир қоп пул, шу кампиршода бор эканми?

– Нимага бўлмасакан?-гапига шубҳа қилишганига Жонибекнинг жаҳли чиқиб кетди. – Ҳар йили қанча қовун сотади. Ёнғоқ! Ўрик, гилосчи, тўғрими, болалар?

– Узумиям бор! - Эсига солдим, қизариб-бўзариб бармоқ букаётган Жонибекка.

– Тўғри, узуми ҳам...

– Уре, топдим, ўртоқлар! – Жонибекнинг гапини бўлиб, тутдан ўзини ерга таппа ташлади Азим, – қуруқ қайтмасликнинг йўли топилди! Қаршигул кампир бизга қандай панд берган бўлса, биз ҳам шундай панд берамиз! Менинг кетимдан узумхўрликка, олға!

Қаршигул кампирнинг ишкомлари роса ғалати, пастак-пастак, қишлоқда ҳеч кимникига ўхшамайди. Узумларга шундоқ қўл узатсангиз, бемалол етади. Иннайкейин ҳар қадамда бир боғлам исариқ боғланган. Кўз тегмаслик учун илиб қўйишган эмиш. Тавба, ўзининг кўзи тегаркан-да!

Тўғриси, Қаршигул кампирнинг гавдасини кўрган одам «ишлайди» деб ўйламайди. Қуруқ эти билан суякнинг ўзи,

Пуфласангиз уңиб кетай дейди. Лекин ишқомдаги тоқларнинг ҳаммасини ўзи очиб, кўмади. Қайсидир йилиям ҳамсоёлари Турдимурод амакининг раҳми келиб, очиб берган экан, ўша йили ҳосил қилмапти. Ўшандан бери бировга ишонмайди. Фақат қовун полизини Райим тракторчи кузда шудгорлаб, баҳорда пушта тортиб беради, бўлди, қолганини Қаршигул кампирнинг ўзи қилади.

Ҳеч ким Қаршигул момонинг аниқ ёшини билмайди. Ким ёшини сўрасаям: «Эй, бу дунёда ёш сўраб нима қиласиз, ўлганим-қариганим», – дейди. Бошқа гап айтмайди.

Ишқомдаги узумларни кўриб оғзимиз очилиб қолди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг. Ҳар бир боши тоғорадай келади. Донаси эса оғзингизга сиғмайди.

Изоҳли луғат



қитмир - [а] ўтакетган фитна, ғаламис иҳота - атрофини тўсиш

норасида - [ф-т] балоғатга, вояга етмаган

беписанд - парвосиз, ҳеч нарса билан иши йўқ.

фидойи - [ф-т] бирор нарсага астойдил берилган, унинг учун

жонидан кечишга ҳам тайёр

панд - алдаб кетмоқ

тўғара - пайкал, ажратилган катта-экин майдон

ҳамсоя - [ф-т] ёнма-ён ҳовлида яшовчи кўшни

Савол ва топшириқлар

1. Ҳикояни ўқинг ва тимсолларни аниқланг. Ҳар бир тимсол ҳусусида фикр юритинг.

2. Болалар узумхўрлик қила олишдимми?

3. Ўйланг, ҳикоя қандай воқеа билан якунланган?

МЕҲР

Абдусаттор Сотиболдиев

Дадам билан овга чиққандик. Атроф бир ажиб сукунатга чўмган. Гоҳида ҳаёлингни какликларнинг «пир-р» этиб учишлари бўлмаса, ундан бошқа ҳеч нарса халақит бермайди. Узоқ-узоқлардан қорли чўққилар оппоқ туман орасидан бутун салобати билан кўзга ташланиб

турибди. Бу ерда ов қилишдан кўра чор-атрофни кузатиш анча мароқли. Айниқса, какликларнинг «Какра-какра, как-как» деб сайрашини айтмайсизми.

Кеч кирганда тунаш учун унурга қайтик. У ерга уч-тўрт одам бемалол сиғар, овчиларнинг ёғингарчилик давридаги бошпанаси ҳисобланаркан.

Бугунги тоғдаги томошадан мамнун бўлиб, чарчоқни сезмаяпман. Ўзимизга таниш Тошунгурда биздан бошқа ҳам шинаванда бор экан. Овчи бўлгандаям унақа-бунақаси эмас, нақ ишқибозлардан. Оппоқ соқоли кўксига тушган бўлса ҳам кўзи ўткир, ўлжаси бизникидан сарароқ экан. Тош ўчоқда осилган кастрюлкада каклик шўрва қайнади.

Уни танидим. Қўшни қишлоқлик кекса овчи Сойиб ака. У бизни кўргач, юзига табассум югурди. Ўзи ёлғиз зерикаётгани кўриниб турарди. Биз яқинлашиб борганимизда ўрнидан туриб кўришди. «Қариган чоғларида болаларининг олдида тинчгина ўтирса бўлмайдимми» деган ўйни кўнглимдан ўтказдим.

Олов атрофида овқатланиб, анча пайтгача сукут сақлаб ўтир-дик. Сойиб ака қоронғилик орасидан қорайиб кўрингач, қояларга хумор билан тикилди. Оловнинг лип-лип ола кўланкасида унинг ажин қоплаган юзи элас-элас кўринади. Шу пайт узоқдан най ноласи эшитилди. Чамамда чўпонлардан бироитаси чалаётибди. Сойиб ака буни сизди чоғи, бир оз тинглаб туриб изоҳ бера бошлади:

«Шукур чалаяпти. Бу ерга қайта туриб ўтовиди пича дам олдим. Энди қўйларини қайтариб келиб турган экан. Асл чўпонлардан. Ҳозир унга қийин. Ўтган йили хотини қазо қилган. Сойиб ака чуқур хўрсинди. Анчадан кейин давом этди.

– Болаларинг сарсон қолмасин, касбингни ўзгартириб, тамакида ишлай қол, дейишди. Мен нодон уни кўндирмоқчи бўлгандим, у «тоғдан ажраб қоламан, менга ўша ер яхши», деб рад этди. Ҳа, у ҳақ. Тоғнинг ишқи бошқача бўлади».

Унинг тоғ ҳақидаги мулоҳазасидан кейин дадам овчини гапга солди. У ўти пастлаб қолган ўчоққа қуруқ арча шохларини ташлади.

Ой кўтарила бошлади. Тоғнинг туя ўркачидай сиртлари кундузгидек ёришмоқда. Бу манзарани пастдан, қоронғиликдан кузатиш жуда мароқли бўларкан.

– Эсимда,- деб гап бошлади кекса овчи. Шунда ҳикоясига аниқлик киритмоқчи бўлганини англадим... Увишган оёқларимни ёзиб, диққат қила бошладим.

– Абдурахим мерган деган машҳур овчи бўларди. Умрининг то охиригача ов милтиғини қўлдан қўймаган, тоғни умр бўйи тарк этмаган, ҳаётида бирорта жониворга жабр қилмаганидан уни ҳали-ҳали эслаб юришади. Йиртқичларга жуда шафқатсиз бўлган эди... Уларнинг изига бир тушиб қолсам, бир ёқли қилмагунча кўнгли тинчимас эди.

Абдурахим мерган саксон икки ёшида оёқдан қолди. Худди ҳозиргидай мана шунақа унгурларда у билан талай кечаларни бирга ўтказганмиз. Мен ўшанда сиз тенги эдим. (Дадамга ишора қилди). Бир куни уни кўргани бордим. Мени кўриши билан дардли, синиққан чеҳраси ёришиб кетди. Қўлларимни анча вақт кўйиб юбормай сиқиб турди. Анчайин дармондан кетгани учун толиқди шекилли, ёстиққа беҳол ёнбошлади.

– Димиқиб кетяпман, Сойиб! Уловингда Ўйилматоққа бир олиб чиқмасанг бўлмайди. Ўша ерларни кўрсам, тузалиб кетишга имоним комил...

У милтиғининг овозига ҳамоҳанг тоғлар садосини энди ҳеч қачон эшита олмаслигини сезаётгандай йиғларди.

Мен албатта олиб чиқаман, деб кўнглини кўтардим.

Орадан кўп ўтмай у вафот этди. Айтишларича, ўлими олдидан дераза олдига бориб, тоққа қаратиб қўйишларини илтимос қилибди. У ўзининг қадрдон тоғларига қараб туриб, юзида севинч пайдо бўлибди, кўнгли ўрнига тушибди. У ўзини шайдо қилган юксак тоғлар гўзаллигини, улуғворлигини қалбига жо қилгандай жимгина кўз юмибди...»

Мен унинг ҳикоясини эшитгач, даставвал Сойиб акани кўриб, кўнглимдан ўтказган фикримдан қаттиқ пушаймон бўлдим.

Абдурахим овчи ёқиб кетган гулхан ҳамон ўчмаганини, абадий ёниб туришига ишонч ҳосил қилдим.

Дадам шу куни тонгга қадар тўлганиб, анча безовта бўлиб ухлади. Сойиб овчининг гапи таъсир қилган бўлса керак, Тошбулоққа бориш фикридан қайтиб саҳар уйга йўл олдик.



Изоҳли луғат

шинаванда - [ф-т] бирор нарсага ниҳоятда ихлос қўйган унгурлар - [ф-т] тоғликлардаги тик ўйиқ жой; гор.



Савол ва ғошириқлар

1. Хикояни ўқинг ва тимсолларни аниқланг.
2. Хикояда табиат қандай тасвирланган?
3. Сойиб ака қандай воқеани хикоя қилиб берди?
4. Уйланг, нима учун Абдурахим мерган тоғларга боқишни хоҳлаган?

КУНТУҒМИШ

Нўфой подшоси Қорахоннинг Кунтуғмиш исмли ўғли бор эди. Зангар подшоси Буврахоннинг эса Шоир вазири бўлиб, унинг қизига Холбека деб исм қўйгандилар.

Вақтики келиб, Кунтуғмиш билан Холбека бир-бирларига ғойибона кўнгил қўйдилар.

Кунтуғмиш Холбеканинг юртига ошиқди...

Тўра (Кунтуғмиш) тимга кириб, икки бўғча мато сотиб олиб, базозбачча бўлиб, Холбеканинг кўшки остида матоларини кўшкнинг деворларига суяб, молларини ёйиб ўтирар эди. Бир вақт қарасаки, Холбека қирқин қизи билан, неча сарвинози билан, қанча жоду кўзи билан кўшига чиқиб бораётибди.

Бу ёғида тўқсон беш, бу ёғида тўқсон беш-ўни кам икки юз кокили бор, бир ёғини тилла сувга ботирган, бир ёғини нуқра сувга ботирган, тонг шамолига қотирган. Кўзи жовдираб, зулфлари шовдираб, зулфининг жилоси юзига уриб, юзининг жилваси зулфига уриб, яшин

тушгандай бўлиб, мусичалар, тўрғайлар, Холбеканинг жамолига ошифта-ю шайдо бўлиб, эгнига тегиб учиб бораётибди. Шаҳзода Холбеканинг жамолини кўриб, қаққайиб туриб, биқинини ушлаб, лабини тишлаб, кўзини ёшлаб, няғи қалтираб, кўзи ялтираб, қулоғи битиб, ҳисоби йитиб, ақлидан кетиб, «Садаф офарин ҳусни жамолингга», деб товушининг борича бақириб, «Бу ёққа кел, дейман», деб чақириб турибди.

Холбека ойим пастга қараса, бир ўзбак: «Холбека қизлари билан кўшкига чиқди», -деб шовқин солиб турибди.

Холбека кўшканинг устига чиқиб кетди. Ўз жойига бориб ўтириб, юзидан ниқобини олиб, оламга назар солиб, томоша қилиб, қизларидан сўради: - Э, канизлар, пастдаги турган одамдин хабарларингиз борми, соғми, тентакми?

Шунда канизларнинг ичида Чаққон каниз деган бир қиз бор эди. Шу туриб арз қилди: - Э, бувушим, пастда турган ўзбак янгигина Замонгул билан бирга келган эди. Мен кўриб таниб олдим. У чала баззоз бўлиб ўтирибди, - дегандан Замонгул: - Одамлар сўқмоқ билан шундай гапириб қўя беради, кўрсак кўр бўлайлик, кўзимиз чиқсин, - деб турибди. Холбека айтди: - Э, қизлар яхши бўлибди. Агар баззоз бўлса, Замонгул билан Чаққон, икковинг бориб ҳар тусли матоларидан бир олчин, бир олчин олиб келинглар. Кўраман, ўз юртимнинг моли бўлса, мени кўрмоқ учун келиб ўтирган, ўзини ўлдириб, жазосини бераман ва агар икки ойлик, уч ойлик ернинг матоси бўлса, менинг расмими билмайди, молларини талатиб, ўзини бадарға ҳайдаб юбораман, -деб Чаққон билан Замонгул канизини юборди. Улар кўшкидан пастга тушиб, тўрага қараса, шердай ҳайбатига, аждардай суратига, Рустамдай қувватига, арслондай сиёсатига, булутдай савлатига босиб келолмади, молига харидор бўлолмади, молини ололмади...



Изоҳли лугат

баззоз - [а] газлама сотувчи савдогар; газламафуруш

кўшк - [ф-т] баланд, бахаво қилиб солинган иморат



Савол ва ғошириқлар

1. Достонни ўқинг.
2. Холбека тасвирланган ўринларни аниқлаиғ ва унинг сифатларини айтииғ, кўз олдингизда қандай қиз намоён бўлди?
3. Достон яқунламасидаги тасвирии изохлаиғ.

ГУЛДАСТА

Тамилла Қосимова.

(Ҳикоя)

Алишер Навоий субҳ чоғи боққа чиқди. Қизил қум сепилган йўлакдан аста юриб кетди. Боғда очилган турфа гуллардан, булбулларнинг сайрашидан ҳузурланган шоир асосига таянганича бир зум туриб қолди. Шунда унинг кўзи сарв дарахти панасида ўтирган икки болага тушди.

Оқ яқтакли бола чиройли гулдаста саралар, иккинчиси унга завқ билан термилиб ўтирар эди. Болажон шоирнинг юраги ҳаққириб кетди. Қулоқларига эса уларнинг сўзлари чалинди.

– Оғо, бу гулларни нетасиз?

– Ҳазрати Мир Алишер бобомларга совға этадурмен.

– Оғо, шоир бобомга ҳар тонг боғбон бобом гулдаста тақдим этадилар-ку !

Оқ яқтакли бола укасига ғамгин тикилди.

– О, инимжон, боғбон бобо мана бир неча кундирки бетоблар. Шул сабаб мен ҳар субҳи содиқ Алишер бобомларнинг ижодхона-лариға гулдасталар қўйиб келмоқдамен.

Шоир ижодхонасида ҳар тонг кутиб оладиган жажжи гулдаста-ни эслаб жилмайди.

Шоир улар томон юрмоқчи эди, яна тўхтаб қолди.

– Оғо, шоир бобом гулдаста тақдим этганингиздан бохабармулар?

Йўқ, билмайдурлар. Аммо гулдасталарни кўриб жуда шодлана-дурлар.

Болакай акасига гулдаста саралашда ёрдамлаша бошлади. Майсалар устига сочилиб ётган гуллар ичидан гулсумбулни танлаб унга узатди. Агар билсалар, шоир бобом сизга, албатта, ҳады тортиқ этур эди.

Оқ яктакли боланинг қора кўзларида ҳайратланишми, норозиликми пайдо бўлиб, укасига ўйчан қаради:

– Иним, сен ҳады боисинда ортиқ сўзлама Шоир бобомнинг севинчлари бизга катта ҳады эмасму?

– Агар менга нима ҳады этай, деб қолсалар, зарбоп чакмон деган бўлур эдим.

Оқ яктакли бола унга ўқрайиб қараган эди, укаси шошиб қолди:

– Ҳа-да, ого, ўтган куни Қамбар отбоқар бир гўзал ғазал битган экан, шоир бобом унга зарбоп чакмон тухфа этибдурлар.

Акаси негадир хўрсиниб кўйди.

– Гар шоир бобом мендан сўрасалар, кутубхонангизда қироатга рухсат этинг, деган бўлур эдим.

Шу пайт бир тўп чинни кабутарлар боғ узра чарх ура бошлади. Ака-ука гулдасталарини тутганларича қийқириб, уларнинг кетидан югуришди.

Шоир юзида нурли табассум билан девонхонага кириб келди. Ҳузурига даставвал китобдорни чорлади. Кейин хазинабонни...

Чошгоҳдан сўнг оқ яктакли бола китобдор билан кутубхонанинг ойнаванд равоқида девонлар жойлашган сандиқларнинг қопқоғини очишмоқда эди. Миқти гавдасига ярашган зарбоп тўн кийган укаси унинг ёнида турар ва завқ билан китобларга тикиларди. Ҳазрат Навоий эса, худди шу тобда бетоб боғбонни зиёрат этмоқда эди.



Изоҳия луғат

зарбоп чакмон - [ф-т] зар тўқиб тикилган тўн.

чошгоҳ - [ф-т] эрталаб кун анча кўтарилган вақт.

девонхона - [ф-т] бу ерда кутубхона маъносида, айрим вазирликларнинг маҳкамаси.

асо - [а]хасса

субҳ - [а]эрта тонг пайти
ойнаванд равоқ - [ф-т] олд томони ойнали, ҳашаматли қаср.

Савоя ва топшириқлар



1. Ҳикояни ўқинг. Ҳикояда нима учун тонг чоғи тасвирланган?
2. Ҳикоядаги тимсолларни аниқланг.
3. Ака-уканинг сифатларини сананг ва фикрингизни ҳикоя матни орқали асосланг.
4. А. Навоийнинг болаларга меҳри қайси ўришларда акс этган?

АЗИЗ УСТОЗ БОБОМ !

Қуддус Муҳаммадий

Бир азиз бобом бор дунёда танҳо,
Хуштабиат, хушқомат, мулойим, доно.
Кўнгилларин кенглиги ер, курра-осмон,
Кўзлар нуроний, ойнаи жаҳон.

Сўзлари сўлмас гул-сочар кўклам-ёз,
Жаҳон зийнатига берар минг пардоз.
Илҳомлари жўшқин, шўх оқар дарё,
Ғазал, байт-шеърлари булбулигўё.

Сўз маъни лаззати асалу қаймоқ,
Тафти жон ҳавоси офтобдек қайноқ.
Шоир, боғбон, олим, аллома-сарвар,
Умрини халқига берган халқсевар.

Ўйлари ҳамиша оталик меҳри,
Оламга маърифат, одамлик меҳри.
Халқларнинг ғамини еган отаҳон,
Ҳақиқат борини деган отаҳон.

Асрлар тақдирин олдиндан кўрган,
Адолат ўйига пойдевор қурган.

Элларга қуёшдек мақбул китоби,
Жаҳонда нур сочар «Хамса» офтоби.

Сўз билан жаҳонни лол-хайрон этган,
Одамзод қалбини мудом эритган.
Зулматни қалаган гулханга, ўтга,
Эркин ҳаёт, тенглик истаган юртга.

Алишер фарзанди бўлганим учун,
Бобом қаламини тутганим учун.
Бурчимни оқлашга аҳд-қарорим бор,
Шоирлик номим бор мангу бахтиёр.

Савол ва топшириқлар

1. Шеърни ўқинг, кўз олдингизда қайси шоир гавдаланди?
2. Шоир сифатларини айтинг.
3. «Менинг буюк шоир бобом» мавзусида ишро ёзинг.

ШОИР ЖИЛОВДОРИ

Ҳазрат Алишер Навоий «Хамса» деган китобини ёзиб тугатиб, дўсти султон Хусайннинг олдига борибди. Қўлидаги тугунни очмасдан унга берибди.

– Бу нима ?

– Очинг кейин нималигини биласиз.

Хусайн Бойқаро тугунни очибди. Қараса китоб эмиш.

Бунда Алишер Навоий:

– «Хамса»нинг сўнгги саҳифасига ҳозиргина нуқта қўйдимда, энг аввало қадрдон дўстим кўрсинлар деб султонларнинг султони сизга олиб келишга журъат этдим, - дебди.

Қўлидаги китоб билан Алишер Навоийнинг сўзларидан ҳайратга тушган Хусайн Бойқаро Ҳиротдаги ҳукамою-уламо, шоиру фузало, созандаю хонандаларни, дунёда тенги йўқ боғ - «Боғи Хусайний»га йиғишни амр этибди. «Подшонинг амри вожиб» дейдилар.

Ҳусайн Бойқаронинг юлдузни кўзлар зўр араби оти бўлиб, халқ уни «Султон от» деб атар экан. Ўзиям жудаям ўйноқи, қамчи тегар-тегмас кўкка сапчиркан. Олдиндан келганни тишлаб, ортидан келганни тепаркан. Шу туфайли унга эгар-жабдуқ уриш, ем-хашак беришни эгаси бажарар экан. Бир пайт Ҳусайн Бойқаро сайисхонага кириб отини эгарлаб чиқибди-да, Алишер Навоийга рўбарў бўлиб:

– Бўз отга мининг, – дебди. Шоир отда кўп юрган экан-у, бунақасини минмаган экан. Чўчибди.

– Йўқ, минмайман, – деб султоннинг сўзини рад этибди.

Ҳусайн Байқаро яна: – Отга мининг, – дебди.

– Минолмаймаман. Негаки, ювош отнинг устида зўрға ўлтиро-ламану, бу асов отлар султониға... Йўқ, бу отга минишдан мени фориг этинг.

– Минасиз, дедим, минасиз, – сўзида туриб олибди Ҳусайн Бойқаро.

Кейин Алишер Навоийни отга миндиришга кўндиролмаслигига ақли етиб бошқача йўл тутибди.

– Мавлоно, – дебди дўстига қараб, – қани, айтингчи, шоҳнинг амри недур? Машойихлар подшонинг амри вожиб деганлармиди?

– Ҳа, – дебди Алишер Навоий.

– Шундай экан, бас, Ҳусайн сизга ким бўлади? – сўрабди подшо.

– Дўстим Ҳусайн юртимизга султондир.

– Юртга султон эканман, сиз ҳам менга тобе фуқаросиз. Шундай экан султонингиз амрини бажаришдан бош тортишингизнинг боиси недур?

Гап шундай давом этаверса қизаришиб қолиб, ўртага совуқчилик тушишига ақли етган Алишер Навоий: «Бор-э, таваккал, нима бўлса бўлди», қабилида иш тутиб:

– Ҳа, майли дўстлигимиз ҳурмати амрингизни бажарганим бўлсин, – деб султоннинг отига минишга рози бўлибди. Ҳусайн Бойқаро дўстининг қўлтиғидан олиб, отга ўтқазибдида, бир қўлида унинг жиловидан тутиб, иккинчи қўлида шоир «Хамса»сини ушлаб, «Боғи Ҳусайни»га кириб борибди. Алишер Навоийни «Султон от» устида,

Ҳусайн Бойқарони унга жиловбардор бўлиб пою пиёда келаётганини кўрган вазиру уламо ҳамда аҳли фуқаро ҳангуманг бўлиб, турган жой-жойида қотиб қолибди. Шу тарзда, яъни Алишер Навоий отнинг устида-ю, Ҳусайн Бойқаро унга жиловбардор бўлиб йиғини айланиб чиқибди. Султон пиёда юриб, тахт ўрнатилган жойга борибди. Подшоҳ жиловдор бўлса-ю, шоир отда юрса-я. Бу қандай гап?! Нима бало, худо Султонни ақдан жудо қилганми? Тахтга Алишер Навоийни ўтқазмоқчимиз? Ё, алҳазар, ё алҳазар? Султоннинг бу қилмишига не демоқ керак? - деган фитна-фасод, шивир-шивирлар эшитила бошлабди.

– Аҳли фуқаро, султонлик сўзим кулоқ бериб эшитинг. Шоиримиз Алишер Навоийни «Султон от»га миндириб, унга жиловдорлик қилганим сабабини англаб қўйинглар, токи подшоҳимизга нима бўлди, деб ҳайрон бўлманглар. Дўстим Алишер ўз «Хамса»ларини ёзиб, бизга лутфан тақдим этдилар, бу билан зўр илтифот кўрсатиб, беҳад шод қилдилар! - дебди Ҳусайн Бойқаро.

Шу пайт:

– Офарин! Офарин! Шоир Алишернинг қўллари асло дард кўрмасин! Умрлари боқий, мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсин! — деган сўзлар янграбди.

– Мен сизларга ким бўламан? - бирдан сўраб қолибди Ҳусайн Бойқаро ўлтирганлардан.

– Юртимиз султонисиз, - жавоб берибди ўлтирганлар.

– Бўлмаса султонлик сўзим тингланглар. Ҳа, мен ҳозир султонингиз, шу юрт, шу элу элатлар подшосиман. Аммо қаршингизда турган дўстим Алишер элимизнинг келгуси авлод-аждодлари ҳам таъзимда бўладиган султонидир. Мен ана шу газал мулкининг султони, улуғ шоирга жиловдор бўла олганимдан ўзимда йўқ шодман.

Ҳусайн Бойқаро шундай дебди-да, кўзига ёш олиб Алишер Навоийни қаттиқ қучоқлабди.

*М.Жўраевнинг «Эл деса Навоийни»
китобидан олинди*



Изоҳдан агуғат

*сайсхона - [ф-т] отхона
 фориг этинг - [а] кутқаринг
 жиловбардор - мансабдорларнинг отларини қаровчи киши*



Савол ва топшириқлар

- 1. Ривоятни ўқинг. Тимсолларни аниқланг.*
- 2. Хусайн Бойқаронинг Навоийга жиловдорлик қилиши тўғрими?*
- 3. Хусайн Бойқаро ва Навоий фазилятларини бир-бирига қиёсланг.*

ҲАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР

Қуръони Карим - Олий ва нуқсонлардан пок бўлган Оллоҳнинг китобидир. Инсонларни зулматдан (қоронғиликдан) нурга (ёруғликка) чиқариш учун Оллоҳ пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга (унга Оллоҳнинг саломи бўлсин) ушбу Қуръонни нозил қилди.

Ҳадис эса, Қуръондан кейин турадиган иккинчи муқаддас манба бўлиб, пайғамбаримиз ҳаётлари ва диний-ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олади. Па йғамбаримиз бирор гап айтган ёки бирор ишни қилиб кўрсатган бўлсалар, ёхуд бошқалар қилаётган бирор ишни кўриб, уни ман этмаган бўлсалар, шу уч ҳолатнинг ҳар бири «суннат» ҳисобланади. Ана шундай хатти-ҳаракатлар ёки кўрсатмалар ҳақидаги ривоят «ҳадис» деб юритилади.

«Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарзdir. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб Оллоҳга изтиғфор айтади».

«Илмнинг офати-уни эздан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кетказмоқликдир».

«Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўрталарингда меҳр-муҳаббат уйғонур».

«Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ваъдасини устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш».

«Ғийбатчи бўлманг, бўхтон сўзламанг, бировларни ёмон отлиғ қилманг, кишиларни ортидан иғво гаплар тарқатиб, маломат этманг. Ғийбатчилик - киши ўз биродарини этини ўзи ёйиши билан баробардир».

Шайх Абдулҳолиқ Ғиждувоний ўғлига насиҳат қилиб айтади:

– Азиз ўғлим, ёмонлар билан суҳбатда бўлма, улардан арслондан қочгандай қоч, ҳаммага раҳм ва шафқат кўзи билан қара, нафсингни тий, ҳавойи ҳавасга берилма. Тамадан узоқлаш, очкўзликдан, бахилликдан, ўринсиз кулгилардан, масхарабозликдан ҳазар қил, очиқ юзли, ширин сўзли, хушмуомала бўл. Олим, фозил - одоб-ахлоқ, тарбия эгалари билан суҳбатлаш, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўл.

Савол ва топшириқлар



- 1. Ҳадисларни ўқинг ва мазмуини сўзланг*
- 2. Сиз илм ўрганиш, яхшилик ва меҳр-оқибатни тарғиб қилувчи яна қандай ҳадислар ўқигансиз?*
- 3. Ҳадисларда инсон фазилатлари тўғрисида қандай фикрлар айтилган?*

Табиат образи – бадий жанрда тасвирланган манзара. У инсон ҳолатини очишга ёрдам беради.

СОМОН ЙЎЛИ

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Чингиз Айтматов

...Йиғим теримнинг биринчи кунини ўзгача бир байрам эмасми. Шунча юриб ўша кунини қовоғи солинган бир кимсани кўрмадим. Бу кунни ҳеч ким байрам деб атамаса ҳам, ҳар кимнинг овозида қандайдир бир қувноқлик, юриш-туришида ҳам, ҳайдаган араваси, минган оти, қилган иши-ҳаммаси - ҳаммасида бирдек қувноқлик...

– Ҳа, Тўлғаной. Ўша куни худди шундай бўлган эди. Сен ўша куни ўз толеингни янада чуқурроқ тушуниб, менга сирингни айтгандинг.

– Мен ҳозир ҳам шуни айтмоқчиман. Ҳозир ҳам ўша фикримдан қайтмайман. Ҳозир ҳам ўша кунларни туганмас жумбоқдек гапириб бераман.

Тез орада ўроқчилар ишга киришиб, адирда иш қизиб кетди. Саратон авжига миниб, қуёш сели қайнарди. Қалбим эрталабки қувончдан талпиниб, руҳим шодланиб, майин шабодадан лаззат олгандек роҳатланарди. Ўша кунги қувончларнинг барчаси мен учун, менинг толеим учун ато қилингандек туюларди. Кўзим кўриб, қулоғим уққаннинг ҳаммаси борлиқни, ҳаёт гўзалликларини очиб ором бахш этарди. Бир томондан ўроқларнинг жаранги, бир ёндан шовуллаб тўкилаётган буғдойларнинг ёқимли овози эшитилиб турса, нариги ёқда Қосимнинг комбайни тошқин сувдек гуркираб «меҳнат қўшиғи»нинг янгича куйини куйлаётгандек, буғдойни шипириб ўрмоқда эди.

Комбайнда ўтирган Қосим шаршарадек қуйилиб тушаётган буғдойга кафтини тутиб бир ҳовуч донни юзига яқинлаштириб ҳидлаганда, ўзим ҳам бир қоп семириб кетгандек бўлдим: Янги доннинг ҳидидек ёқимли ҳид бормикин!

– Э-эй, аравакаш, эртароқ бўл! - деб Қосим тоғ тепасида туриб жар солгандек қичқирди. Арава етиб келиши билан комбайн тўхтади. Алиман: «Сувини элтиб берайин!»-деб кўзани олганича Қосим томонга югурди.

Кечки пайт ўроқчиларга аталган янги буғдой нон ҳам тайёр бўлди. Янги нонга биринчи бўлиб ўроқчиларнинг оғзи тегиши илгаридан қолган расм. Бу ноннинг унини анҳорнинг четидан ўриб олинган буғдойлардан туйиб тайёрлаган эдик. Буғдойнинг нонига оғиз текканда ҳар қачон ҳосиятли таом тотгандек бўламан. Кўринишда қора бўлса ҳам, хамири юмшоқ йўғрилган янги нон унча кўпчиб пишмагани билан унинг думбул таъмига қуёш, ер, тутун анқиган тансиқ ҳидига нима етсин!...

А. Рашидов таржимаси



Изоҳли луғат

толе - [а] омад, бахт.

тансиқ - [а] кам қилинадиган ёки бирор жойда кам учрайдиган.

таъм - [а] тотиб кўриб ёки ялаб кўриб билинадиган хусусият,
маза, лаззат, тот.



Савол ва топшириқлар

1. Матнини ифодали ўқинг.

2. Йиғим теримнинг биринчи кунни тасвирланган муҳим ўринларни ўқинг? Бу тасвир орқали ўзингизда қандай ҳолатни сездингиз?

3. Нима учун Тўлганой она ерга ҳосил йиғиштирилаётган кунни эслатади?

ОНА ДЕГАН СЎЗ

Омон Матжон

Юзлардан сирқилиб шабнам,
Уфқ билан кўришганда ер.
Офтобга кипригим билан,
Она сўзин ёздим гўё шеър.

Аму оқар мисоли булут,
Уфқ бўлиб оқади Аму.
Қирғоғини этса ҳам унут,
Майсаларни унутмайди у !

Ҳар кўкат, ҳар баргнинг номига,
У элтади тоғлардан таъзим,
Она деган сўзнинг ёнига,
Чизгим келди МАЙСАнинг расмин.

Капалак ранг булбуллар оҳанг,
Кашфи билан маст бўлган лаҳза,
Она сўзин мен,
Ёзиб қўйдим БАҲОР деб аста...

Мен жо этдим Она номига
Ернинг сўнгги гардигача то,-
Энди Она сўзи ёнига
Дадил ёзиб қўяман ДУНЁ !

Мен юлдуз деб уни куйлайман,
У Ватандир, у арши аъло
Мен унга минг ташбиҳ ўйлайман,
Етказурмен миллионга ҳатто...

Ерда, лекин минг-минглаб одам
Сут ҳидини билса муқаддас,
Уруш деган биргина сўздан.
Оналарни сақлай олур, бас !



Савол ва топшириқлар

1. Шеърни ўқинг.
2. Шеърда қайси фасл тасвирланган ?
3. Майса, баҳор, дунё ва она хусусида фикр юритинг.
4. Шеърни ёд олинг.

Инсонлардаги ички ва ташқи қиёфани ҳайвонлар, жониворлар, ўсимликлар орқали акс этади. Бу хусусиятлар масалда акс эттирилади.

НА У ЁҚЛИК, НА БУ ЁҚЛИК

(Масал)

Қадим замонда ҳайвонлар ва қушлар ўзларига подшоҳ сайлаш учун ўрмонга тўпланишган экан. Шунда кимни ўзларига подшоҳ қилиб кўтариш кераклиги тўғрисида узоқ мунозара қилишибди.

– Шерни сайлашимиз керак.-дебди қоплон.–Ҳайвонлар орасида ҳам, қушлар орасида ҳам куч-қудратда унга тенг келадигани йўқ.

Ҳамма ҳайвонлар қоплоннинг фикрига қўшилишибди. Қушлар бўлса чурқ этмабди. Чунки улар ўзларига ўхшаб уча оладиганини подшоҳ қилиб кўтариш ниятида эканлар. Қушлардан бири ўртага чиқиб, - дебди:

– Тўғри, шер- кучли ва ақлли маҳлуқ. Бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди, лекин у ўз жасоратини фақат ердагина кўрсата олади. Чунки у уча олмайди. Агар истаса, кичкинагина қушча ҳам унинг елкасига қўниб олиб, хоҳлаганича унинг жиғига тегиши мумкин. Биз сайлаган подшоҳ ерни ҳам, кўкни ҳам бошқара олиши керак.

Ҳамма қушлар бошларини қимирлатиб, бу гапни маъқуллашибди. Чунки уларга ўртоқларининг устомонлик билан қилган таклифи жуда ҳам ёқиб тушибди.

– Подшоҳ қилиб қирғийни сайлаш керак,-дебди бошқа бир қуш унинг кетидан сўзга чиқиб.-У ҳаммамиздан ҳам кучли, жуда яхши учади. Бундан ташқари, у ерга қўниб ўткир тумшуғи ва тирноқлари билан жуда катта ҳайвонни ҳам ўлдирар олади.

Қушлар бу гапни оғизларини катта очиб, қийқириша-қийқириша маъқуллаган бўлишибди. Лекин ҳайвонлар ҳам ўз сўзларида туриб олишибди. Улар шерни подшоҳ қилиб сайлашмоқчи бўлишибди.

Қушлар билан ҳайвонлар мунозара қилиша-қилиша, ахири бир-бирлари билан олиша кетишибди.

Фақат кўршапалаккина мунозарага ҳам, жанжалга ҳам аралашмабди. Кимнинг ёнини олишни ҳам билмабди. Чунки у қушга ўхшаб уча олса ҳам, тухум қилмас, ўз болаларини ҳайвонлардақа эмизиб боқар экан.

Қушлар билан ҳайвонлар ўртасида аёвсиз жанг бошланибди. Дастлаб ҳайвонлар ғолиб чиқишибди. Кўпгина қушлар ҳалок бўлибди. Қолганлари қўрқиб, ҳар томонга учиб кетишибди.

Кўршапалак ҳайвонларининг ғолиб чиққанини кўриб дарров улар-нинг ёнига борибди-да:

– Муҳтарам ҳайвонлар, мени қуш деб ўйламанглар. Мен уча олсам ҳам, сизларга ўхшаб бола туғаман ва сут билан боқаман,- дебди.

Ғалабадан маст бўлган ҳайвонлар кўршапалакни ҳам қувона-қувона ўзларига қўшилишига рухсат беришибди.

Шу пайтда қочиб қутилган қушлар хавфсиз жойга тўпланишиб, ҳайвонларни қандай қилсак енгар эканмиз, деб ўйлай бошлашибди.

– Агар биз ҳайвонлар билан ерда жанг қиладиган бўлсак, мутлақо ғалабага эришолмаймиз,-дебди улардан бири.- Унда ҳаммамиз қирилиб битамиз. Ҳайвонларга ҳаводан ҳужум қилиши-миз керак. Фақат шу йўл билангина биз уларни мағлуб этамиз.

Қушларга бу таклиф маъқул тушибди. Улар худди шундай қилишибди. Қирғий шерга ҳужум қилиб, кўзларини ўйиб олибди,

қушларнинг қолганлари бўлса, ўзларининг ўткир тумшук ва тирноқлари билан бошқа ҳайвонларни дабдала қилиб ташлашибди. Қушлар ўз ғалабаларини тантана қилишаётганида кўршапалак уларнинг олдига келиб, дебди:

– Муҳтарам қушлар, ахир мен ҳам сизларнинг жинсингизданман-ку, наҳотки билмасангиз! Кўршапалаклар болаларини ўзлари туғиб, эмизсалар ҳам қушлардан ортиқча фарқ қилмайдилар. Ҳатто сизларга ўхшаб улар ҳам учиб юрадилар.

Қушлар ҳам кайфичоғликдан кўршапалакка ўз сафларига қўшилишга рухсат беришибди.

Ҳайвонлар билан қушлар ўзаро келишгунча бир-бирлари билан узоқ вақт жанг қилишига тўғри келибди, ўша кундан бошлаб осмонда қирғий, ерда шер ҳукмронлик қиладиган бўлибди. Ҳамма ҳайвонлар ҳам, қушлар ҳам бунга рози бўлишибди.

Ўшанда ҳаммалари йиғилиб, катта байрам қилишибди, ашула айтиб, ўйин тушишибди. Шунда кўршапалак ҳам байрамда иштирок этмоқчи бўлиб, ҳайвонлар олдига борган экан, улар:

– Ахир, сен қушсан-ку! Бор ўз қушларингнинг ёнига!-деб ҳайдаб юборишибди.

Кўршапалак югурганича қушларнинг олдига борибди. Улар ҳам:

– Ахир, сен ҳайвонсан-ку! Ўз шерикларингни олдига бор! Бизнинг орамизда сенга ўрин йўқ! -деб чўқилаб ҳайдашибди.

Кўршапалак кўрқиб япроқлар орасига беркиниб олибди. Кун бўйи уясида ётиб, барча ҳайвонлар уйқуга кетгандагина у ердан чиқибди.

Айтишларига қараганда, кўршапалак ўшандан бери кўрққанидан ҳайвонларга ҳам, қушларга ҳам ўз қорасини кўрсатмас эмиш.

Савол ва топшириқлар

- 1. Эртанин ўқинг.*
- 2. Ҳайвон ва қушлар тимсолини аниқланг.*
- 3. Нима учун кўршапалак ажралиб қолди?*
- 4. Ўйланг, кўршапалак қандай инсонларга қиёс этиляпти?*



I

Нелар бўлмас жаҳонда!...
Ер гўё терс айланди.–
Табибликка ўрмонда
Йиртқич бўри сайланди.

Ана қаранг, тиш қайраб
Ўтирар шум шифокор.
Йўлга боқар жовдираб,
Тезроқ келса деб бемор.

II

Келди инграб Қуёнвой,
Шалвираб динг қулоғи
Қадамлари пойма-пой
(Балки тортмас оёғи)

-Қани ўтир. Хих-хи-хи...
Дардинг нима, айт иним.
-Бўри оға, уч кунки,
Тинмай оғрир биқиним.

Бўри яқин ўтирди,
Доно билиб ўзини.
Биқин қолиб, текширди
Қуённинг чап кўзини

Кечикамиз дингқулоқ,
Кўрмасак тез чора гар.
Ошқозонинг сал чаток,
Буни «тумов» дейдилар
Биз табиблар бу дардни
Жуда яхши биламиз.
Қорнинг ёриб, сен мардни
Муолажа қиламиз.

Анвар Обиджон

Қани, рози бўл шартта,
Кейин раҳмат айтасан.
Омон қолсанг, албатта
Уйга тирик қайтасан.

Диккайтириб думини,
Қочиб қолди тез қуён.
Бечоранинг биқини,
Оғримас шундан буён.

III

Кейин оғриб томоғи
Келди йиғлаб ёш Тўнғиз.
Ушлаб кўриб оёғин:
Бўри деди:-Воҳ, эссиз!

Томоқ оғриқ бошланар
Ўнг оёқнинг пойидан
Кесиб олсак соз бўлар,
Гўштликкина жойидан.

Бўри тайёр деб ўлжа
Ютар экан сўлагин:
Фурсат пойлаб тўнғизча,
Ростлаб қолди жуфтагин.

IV

Келди тулки минғирлаб,
Тикан кириб қўлига.
(Бўри дер: «Бу бошқа гап!»)
Учраб гўштнинг мўлига.)
– Табиб, узр, Келдим кеч...
Жуда чаток ишларим...
– Дард кўрмайсан энди ҳеч,
Омон бўлса тишларим!

– Кеча тунда узоқдан
Тинглаб ширин овозин,
Тутиб келдим узоқдан
Тул кампирнинг хўрозин.
Йўлда аблаҳ бўз тикан.
Яралади қўлимни.
Азоби жа зўр экан,
Букчайтирди белимни.
«Шошмай тургин, муттаҳам!»
Дер бўривой ичида.

– Кўз тегмасин, Ўзинг ҳам –
Етилибсан-да жуда...
Дардинг билай тишлаб,
Бери кел-чи жон иним
Шундай қилиб,
Дил хушлаб,
Бўри еди тулкини.
Сўнгра очиб беморни-
Қабул қилиш дафтарин,
Силаб-сийпаб қорнини
Ёзди ушбу гапларни:
«Қўлин тирнаб бўзтикан,
Тулки келди нотетик.
Аҳволи оғир экан,
Чора топмадик, едик.

V

Кечка яқин кеккайиб,
Кириб келди қари Шер.
Бўри етти букчайиб
«Хуш келибсиз, шоҳим!» дер.
Шер ҳарсиллаб ўзини
Ўриндиққа ташлади.
Чақчайтириб кўзини,
Дарғазаб сўз бошлади:

-Юрай десанг соғ, қувноқ
Яхшилаб кўр, акаси
Бир ҳафтаки, Сал йўқроқ
Иштаҳамнинг мазаси..

Бўри айтар:

-О шоҳим,
Чекманг ташвиш озорин,
Бунинг чораси осон,
Зарурдир қувватдори.

Табибдир етти пуштим,
Шундай уқтирар улар:
«Семиз ҳайвоннинг гўшти
Қувватга кўп бой бўлар».

Оғзидан сўлак оқиб
У тугатгач гапини,
Семиз табибга боқиб
Шер ялади лабини:
-Яхши эмас, ҳар ҳолда
Қувватдори изласам.

Шоҳ бўлсам-у, Шоқолдай
Ўрмонда гиз-гизласам
Кўлдан бериб имконни,
Сўнг юрарман армонда
Сендан семиз ҳайвонни
Топиш мушкул ўрмонда.

Қадрлайман мен ҳар чоқ
Табибларнинг сўзини,
Тотмоқчиман ҳозироқ
Қувватдори тузини
Зўравонга жазо- шу
Шудир қиссанинг бори.
Аввал бўри эди у,
Энди бўлди хапдори.



Изоҳли луғат

етти пушт - етти авлод

Савол ва топшириқлар



1. Эртақ қисмларига сарлавҳа қўйинг.
2. Бўри, қуён, тўнғиз, тулки, шер қандай инсонларга нисбат берилади ?
3. Шернинг бўри ейишда қандай маъно англадингиз?
4. Ёқтирган қисмингизни ёд олинг.

УЧИШ ХУМОРИ

Қўлдош Мирзо

У қафас ичида дунёга келди. Дастлаб ака-опаларининг тафтини, ғимирлаган ҳаракатларини сизди ва бу ерда ўзининг ёлғиз эмаслигини билди. Кейин онаси уни нуқиб ўзига қаратди-да, оғзига емиш солиб қўйди. Емишни истар-истамас ютди. Бу ҳол бир неча марта такрорланди. Энди у онасининг берганларини иштаҳа билан мазза қилиб юта бошлади.

Кўзларини очиб опа-акаларини, қафасни кўрди. Онаси ёки отаси уяда пайдо бўлдимиди полапонларнинг ҳаммаси оғизларини катта-катта очиб, ожиз қанотларини силкитиб талпинишади: емишни менга бер дейди. Лекин ота-онаси уларга навбат билан емиш беради, навбатдан ҳеч адашишмайди. Улар эса оғиз очиб талпинишларини қўймайди.

Кунлар шу тахлит ўтаверди.

Қушчаларнинг қанотлари пар чиқариб ростланиб қолди. Бир-бирларини нуқишиб, уяга сиғишмайди.

Гоҳ отаси, гоҳ онаси уя чеккасида туриб, қанотларини қоқиб, қандай парвоз қилиш кераклигини ўргатади. Қушчалар ҳам навбатма-навбат уя чеккасига чиқиб, ота-онасига тақлидан машқ қилишади. Машқ қиларкан, завқидан жўшиб кетади, ғайрати митти юрагига сиғмайди.

Ота-онаси алланималарни уқтиради, қушчаларни сайрашга ўргатади. У ҳам сайрайди. Лекин кўпроқ деразадан ташқарига қарайди. Бир парча мовий кўкни кўради. У шохдан бу шохга сакраб юрган, у ёқдан бу ёққа учиб ўтаётган қушларга ҳаваси келади. Ташқарига имо қилиб онасидан таажжубланиб сўрайди :

– Сен нега у ерда учиб юрмайсан, она?

Онаси маъюс тортади, тумшуғини бир зум қўндоққа ишқалаб туради-да, уни чалғитмоқчи бўлиб сайрайди.

Қушчалар энди уядан ташқарига чиқиша бошлади. Қафас ичида у қўндоқдан бу қўндоққа ўтишади. Дон, сув қидиришмайди, улар тайёр: мана, донхўракда дон, сувдонда сув. Дон - сув ташвиши шу билан бирга қувонч ҳам йўқ...

У деразадан ташқарига боқади. Бир парча мовий кўкни кўради. Шохдан-шохга сакраб юрган қушларга ҳавасланиб қарайди. Ўзича ўйлайди: «Нега биз улардан эмасмиз?!»

Бир куни уларга дон-дун берадиган киши қафас эшикчасини очди. Унинг акасини тутиб олди-да, бошқа қафасга солди. Яна қафас эшикчаси очилиб, омбурсимон қўллар опасини таъқиб қилар экан, у, бу қўллардан тап тортмай, ўзини ташқарига отди. У эшикдан чиқди-да, деворга бориб қўнди. Парвоз қилиш қанчалар завқли-я! Онаси алланималар деб қичқирар, алам билан бошини сарак-сарак қиларди: «Эҳ, нодон болам, гўдаккинам-а...» Лекин унинг қулоғига ҳеч нарса кирмасди.

Теварақдаги қушлар чиройли қушчага аланглаб боқишди. Товуқ қо-қоғлади, хўроз унга жўр бўлди.

У рўпарадаги дарахт шохига учиб ўтди. Унинг устидаги шохда лип этиб бир қарқуноқ пайдо бўлди. Онаси оҳ уриб, фарёд чека бошлади. У ҳайрон бўлди: онаси хурсанд бўлмай, нега фарёд уради. Қарқуноққа қаради: онасидай, акасидай бир қуш, фақат тумшуғи, панжалари бошқачароқ.

Қарқуноқ қанот ва панжаларини ёзиб унга ташланди. Бир чўқиди-ю, чангаллаганича аллақасерга олиб кетди. Бир тутам пар ҳавога тўзиб кетди.



Изоҳди дубат

тақлид - [а] ҳаракатда, юриш-туришда ўзгага эргашиш, ўхшашма
завқ - [а] ҳузур, кайфият

Савол ва ташвириқлар

1. Ҳикояни ўқинг.
2. Қушлар ва инсонлар боласи парваришда қандай ўхшашлик бор?
3. Қуш ва инсон эркилиги нимада?

БИЗ ТАБИАТНИ СЕВАМИЗ

М.Горький

Дунёда энг мароқли нарса кун туғилишини томоша қилишдир.

Уфқда қуёшнинг илк шуъласи кўрина бошлаганда тун қоронғиси аста-секин тоғ ёрларига, тош ёриқларига, дарахтнинг қалин япроқлари, шабнамлар ювган майсалар орасига бекинади ва тоғ чўққиси жилмайиб, секин шивирлагандай бўлади:

– Қўрқманглар, бу қуёш!

Денгиз тўлқинлари оппоқ бошларини кўтаришади, қиролга таъзим қилаётган сарой хонимларидек қуёшга бош эгишади ва куйлашади:

– Сизни олқишлаймиз, дунё султони!

Меҳрибон тўлқинлар жилмаяди; бу тўлқинлар кечаси билан тиним билмай югуриб чиқишди, уларга қараган кишининг кулгиси келади. Уларнинг мовий ранг либослари эзилган.

– Салом,-дейди қуёш денгиз устига кўтарилиб,- салом, гўзаллар! Бўлди, энди шовқин солманг! Сизлар кўкка сапчисаларинг болалар чўмилишдан қўрқадилар! Ахир, сизлар ҳаммага яхшилик истайсизлар, тўғри эмасми ?

Тошлар орасидан яшил калтакесаклар эмаклаб чиқиб, ўз ўртоқларига уйқучан кўзлари билан:

– Бугун кун иссиқ бўлади! - дейдилар. Иссиқ кунда пашшалар ҳам эринчоқлик билан учади, Калтакесаклар уларни осонлик билан тутиб

ейди. Яхшигина пашшани тутиб ейиш қандай соз! Калтакесаклар ширин томоқни жуда ёқтиради.

Шудрингда оғирлашиб қолган гуллар тинмай шўхлик қилиб тебранадилар, ҳазиллашиб гапирадилар:

– Жаноб, бизнинг шабнамли либосимиз нақадар гўзаллигини ёзсангиз-чи! Гулларнинг митти тасвирларини сўзлар билан чизсангиз-чи. Ахир, бу жуда осон-ку, фақат бизга бир марта қарасангиз, бас...

Улар қанчалар айёр! Ўзларини сўз билан таърифлаб беролмаслигимни билиб, ҳазиллашганларини қаранг!

Бош кийимимни эҳтиром билан кўтариб мен уларга гапираман:

– Ушбу шарафдан ғоят бахтиёрман, бироқ бугун вақтим йўқроқ.

Балки, кейин...

Улар бошларини мағрур кўтариб куладилар, шабнамлар ярқирайди, уларнинг ёғдусида япроқлар порлайди.

Улар устида олтин ранг боларилар парвона бўлиб айланишади. Улар айланиб-айланиб ширин асал шимиради. Илиқ ҳавода уларнинг қуюқ ашулалари таралади:

Ҳаётнинг завқ манбаи -
Қуёшга шон-шарафлар.

Ерга гўзаллик берган,
Меҳнатга шон-шарафлар.

Қорни қизил тоғ чумчуқлари ҳам уйғонган: улар ингичка оёқларида туриб тебраниб қўядилар. Чумчуқлар ҳам ўзларининг осойишта ҳаёт қўшиқларини айтадилар. Улар ерда яшаш қанчалик яхши эканлигини одамлардан яхшироқ биладилар!

Шохларда қувноқ, сарғиш саъвалар ўйнайди; улар кўча болаларидек шўх, ҳеч чарчамай сайрагани-сайраган. Худди қора камон ўққа ўхшаб чивинларни қувиб қалдирғоч, узунқанотлар ўтиб кетади. Улар қувноқ ва бахтиёр чуғурлайдилар, қани энди, қанотнинг бўлсаю, енгил учсанг!

Бутун ҳаёти меҳнатдан иборат бўлиб, меҳнатни жон-диддан севган одамлар уйғона бошлайдилар, улар она тупроқни безатиш учун, бойитиш учун уйғонадилар.

Одамлар уйғониб ўз далаларига - ишларига кета бошлайдилар; офтоб уларга қараб жилмаярди; у одамлар ерда нималар қилишганини ҳаммадан яхши билади. Офтоб қачонлардир ернинг чўлу биёбонлигини кўрган эди. Энди бўлса, бутун ер юзи одамларнинг - оталаримиз, боболаримиз, ундан ҳам катта боболаримизнинг улуғвор ишлари билан қопланган. Одамлар ер юзидаги барча ёқимли нарсаларни - болалар дарров тушунолмайдиган, анча мураккаб кўринадиган ўйинчоқларни ҳам ясаб берадилар. Болалар, сиз шу ҳақда ўйлаб кўрсангиз зиён қилмайди. Одамларнинг ердаги меҳнати ҳақидаги эртак дунёда энг қизиқарли эртаклардандир!

Салом, болалар, ҳаётингизда ёруғ, яхши кунлар кўп бўлсин!

Салом ва ташаккурлар

1. Матнини ўқинг. Қуёш тасвирланган ўринларни аниқланг.
3. Қуёш қандай маънода акс этди, англадингизми?



СЎЗЛОВЧИ ЁМГИР

Абдурахмон Акбар

– Ишим ўзи шунақа:
 Ҳамма жойга ёғаман.
 Қариндошман қор билан,
 Шудрингвойга тоғаман
 Яйловдаги сурувдек
 Кўкда кезиб юрсак ҳам
 –Бизлар асли Ерликмиз, -
 Дейдилар булут онам..
 –Ватан яшнасин десанг,
 Бўлсин десанг чаман боғ.,
 Болам унга куздасмас
 Кўпроқ кўкдам чоғи ёғ.
 Онажоним сўзидан
 Кайфиятим чоғ бўлиб,

Шошиламан заминга,
 Баҳор келганда кулиб.
 Ҳазиллашиб торткилаб
 Майсалар кулоғидан
 Фубор чангни юваман.
 Гулларнинг япроғидан
 Унсин дея насиба,
 Унсин дея пахта, дон,
 Ватаним - Ер бағрига
 Томчилайман беармон...
 Ишим шунақа дўстим,
 Ҳамма жойга ёғаман.
 Қариндошман қор билан,
 Шудрингвойга тоғаман.



Изоҳля лугат

сурув - қўй, эчки подаси

замин - ер шар



Савол ва топшириқлар

1. Шеърни ифодали ўқинг.

2. Шеър нима учун «Сўзловчи ёмғир» деб номланган?

3. Шеър асосида расм чизинг ва ёд олинг.

БАҲОРДА

(Эртак)

– Тиш, ҳой плугнинг тиши!-деб илтимос қилди ер. – Кўклам келиб қолди. Мени ағдариб қўйсанг.

– Мен-ку ишдан қочмайман,-деб жавоб берди плугнинг тиши. Лекин тепамдаги ағдарма тишсиз ҳеч нарса қилолмайман.

– Биласан-ку,-деб товуш берди ағдарма тиш. – Ҳеч қачон гапингни ерда қолдирмайман. Аммо оиламизнинг бошлиғи плугдан рухсат бўлмаса, ёрдам беролмайман.

– Ҳа мен бешта тиш, бешта ағдарма тиш устидан бошлиқман,-деди плуг. – Яна учта филдирак ҳам ихтиёримда. Лекин мен қанақадир отомоч эмасман, балки трактор плугиман, тракторсиз жойимдан бир қарич ҳам жилмайман.

– Трактор, ҳой трактор! -деб барабар қичқирди бешта тиш билан бешта ағдарма тиш. – Кўклам келиб қолибди! Ер мени ағдариб қўйинглар деяпти. Илтимос, плугни жойидан қўзғатиб юбор.

– Филдиракларим айланмаса, қандай қилиб плугни қўзғатаман, -деди трактор.

– Мотор айлантирмаса, ўзимиз қандай айланамиз? -деб ўзини оқлади филдираклар.

– Ёқилғи ёнмаса, мен қандай айлантираман? -деб зарда қилди мотор. Тракторчи ёндирмаса, ўзим қандай ёнаман? -деб тўнғиллади ёқилғи.

– Ҳой тракторчи, меҳрибон оғамиз! -деб ҳаммаси бараварига кичқиришди. – Кўклам келди, ахир! Ер мени ағдариб қўйинглар, деяпти. Илтимос - ёқилғини ёндир! – Эшитяпман, эшитяпман, - деб тракторчи ручкасини айлантириб, ёқилғини ёққан эди, мотор:

– Хап-шу! хап-шу! -деб аксириб юборди.

– Саломат бўлинг! -деб тракторчи рулга ўтирди.

– Ҳаммамиз саломат бўлсак, нега қараб турибмиз, - деб гийқиллади филдираклар.

– Қани, ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб қўзғалдик! - деди гийқиллаб плуг.

– Энди сени кўтарамиз, она ер! -деб шиғиллади бешта тиш.

– Энди тишлар кўтаргандан кейин сени ёнбошлатамиз, -деб фишиллади бешта ағдарма тиш.

– Раҳмат, барака топинг! - деб алқади пушталарга чўзилаётган она ер. – Яхшиликларингни қайтараман. Юзларингни артиб, бир ялтиллатайки, қуёшнинг ҳам суқи кирсин.

Оғайнилар бир-бирларига қараб, ўз кўзларига ишонмай қолишди: юзлари худди тилла суви югуртирилгандай ялтирабди, уларга қараб қуёш ҳам ўзини ойнага солиб, олтин кокилларини тараяпти.

– Ҳуснга бино қўйманглар, -деб кулди тракторчи. – Бўлмаса, яна занглаб қоласиз.

Ҳамма вақт тилладай ярақлаб юришни истасангиз, меҳнатдан бўйин товламанг...

Сзвол ва топшириқлар

1. Матнини ўқинг.

2. Жоилантирилаётган нарсаларни аниқланг.

3. Қуйидаги матал маъносини изоҳланг: «Ҳуснга бино қўйманг, занглаб қоласиз».

Эсланг, сифатлаш нима?

УЙҒОН, ҚУЁШ!

Меҳди Саидзода-Озарбайжон
халқ шоири

Қуёш, уйғон, турақол!
Тўриқ отда юрақол!
Олтин ёлли туёқда
Ер юзини кўрақол!

Тўриқ отда юрақол!
Олтин ёлли тўриқда
Ер юзини кўрақол!
Ёрит ўнғир, сўқмоқни,

Ҳар бир элни кезиб чиқ,
На дарди бор, сезиб чиқ.
Куртаклар – у новдага
Гул япроқ этгил ҳадя!
Қуёш, уйғон, турақол!

Қиздир қувноқ ирмоқни,
Кичикларни эркала,
Юзларин нур-ла сила!
Қуёш, уйғон, турақол!
Тўриқ отда юрақол!

Олтин ёлли тўриқда
Ер юзини кўрақол!
Биз, болалар тўп бўлиб,
Йиғилишиб, кўп бўлиб,
Яшнатиб дарё бўйин,
Бошлайлик кўшиқ, ўйин.



Изоҳли луғат

тўриқ - қора қизил, тўқ жиёрон (от туси ҳақида)
ёлли - ёлдор



Савол ва топшириқлар

1. Шеърни ифодали ўқинг.
2. Қуёш жонлантирган ўринларни аниқланг.
3. «Олтин ёлли туёқ», «тўриқ от» сифатлашлари қуёшнинг қайси ҳолатига ўхшатилаёпти?
4. Шеърни ёд олинг.

Ўхшатиш – бирор нарсадаги маълум бир белгилар бошқа нарсалардаги белгиларга солиштирилади.

ОЛА БУЗОҚ

Ф. Фулом

Уй ичимиз билан шу кеча
Ухламадик оппоқ тонггача.
Бизда қўнғир сигир бор эди,
Соғ-саломат кўзи ёриди.

Ола бузоқ, қашқаси ҳам бор,
Усти қора, бағри оппоқ қор.
Бақбақаси маржон осгандай,
Тумшуғига чакич босгандай.

Хиёл ўтмай бурни терлайди,
Нафасидан келар сут ҳиди.
Бурун учи дона – дона тер,
Мўнглаб–мўнглаб алланима дер.

Тили худди лола япроғи,
Сапсар гулдай тикка қулоғи.
Думи гажжак, қўнғир-қўнғироқ,
Садаф мунчоқ тиши ялтироқ.

Олхўридай қуралай кўзи,
Босволдидай чўзинчоқ юзи.
Қамчин даста ҳар бир оёғи,
Бирам жажжи силлиқ туёғи,

Ола бузоқ туғилиб олди.
Оғзимиз ҳам оқариб қолди.
Катта бўлсин ола бузоғим,
Овунчоғим, эркама, маъроғим!



Изоҳли лужат

босволди - қовуннинг нави



Савол ва топшириқлар

- 1. Шеърни ўқинг.*
- 2. Шеърда ола бузоқ тасвирланган ўринларни аниқлаги ва ўхшатишларни топинг.*
- 3. Шеър асосида ола бузоқ расмини чизинг.*

О, қалдирғоч, қалдирғоч,
 Қора кўзларинг қийғоч.
 Думинг ўхшар хивичга,
 Қанотларинг қиличга.
 Оёқларинг тим қора,
 Тумшуғинг тигдай бор-а?
 Қиш келганда кетасан,
 Жануб томон етасан.
 Қайтганингда сен такрор,
 Юртга келади баҳор.
 Бўйинчангда оқ шарф
 Бир кўрай яқин бориб.

Лой кўтариб шифтдасан,
 Ин солишга устасан
 Меъмормисан, айт, ўзинг
 Булоқдек қайнар сўзинг.
 Қушлар ичра доносан,
 Ёмонликдан тонасан.
 Қилган ишинг жасорат,
 Қийратасан ҳашорат.
 О, қалдирғоч, қалдирғоч
 Айвонимда бола оч.



Изоҳлар дугат

қийғоч - қисқ ёки сузук (кўз ҳақида);
 нафис қия тушган (қош ҳақида)
 меъмор - [а] бинокор, архитектор
 жасорат - мардлик, ботирлик



Савол ва җоширмақалр

1. Шоир шеърга нима учун «Қалдирғоч» деб сарлавҳа қўйган?
2. Шеърдан қалдирғоч тасвирланган ўринларни аниқланг?

ЎРНАК ҚЎШИҒИ

Ото Коко ўғли-
 қирғиз халқ шоири

Мис ўхшайди сариқ олтинга,
 Бироқ қадри бирдай эмас-ку?
 Тун чоғида боқсанг осмонга,
 Юлдузми ё Ой сочар ёғду?

Қизил гулни ахир суймаса,
Зўрлик билан булбул сайрарми?
Олов-оташ бўлиб куймаса,
Кўмир билан темир қайнарми?
Қор ёғмаса кун қисқарган дам,
Музлармиди сув тўла ариқ?
Қават-қават ипак кийсанг ҳам,
Тўн сингари берарми иссиқ?
Тили келиб ёлгон гапирмоқ –
Мард йигитга шармандалик-ку.
Гул-лолалар чирой очган чоғ
Эл-юрт учун хуш-хандалик-ку.
Шоир қулфи дили очилса,
Шеърга шеър уланар роса.

Қўлдош Мирзо таржимаси

Сзвол ва топшириқлар



1. Шеърни ифодали ўқинг ва ўхшатишни аниқланг.
2. Билиб олинг «қизил гул, мард йигит» сифатлашга мисол бўлади.

ОНА БИЛАН БОЛА

Ҳабибулло Абдуллаев

Қадим замонда хушманзара, серҳосил, таърифи тилларда дoston бўлган бир водийда Орол исмли она ўзининг забардаст Жайхун ва Сайхун исмли ўғиллари билан тинч меҳнат қилиб, озод умр кечиришар экан.

Улар бир-бирларига жуда меҳрибон, жонкуяр эканлар. Уларнинг бу меҳрибонликлари, иноқликлари оламга заррин нур каби ёйилган экан.

Кунлардан бир куни она ва ўғлонлар ўз қўллари билан барпо қилган «Боғи эрам»дан ҳам аъло боғлари ичра сайр қилишиб, минг

дардга даво мевалардан узиб еб, бир-бирларини сийлашиб, кекса олма дарахти тагига келиб ҳордиқ чиқара бошлабди.

Шу пайт тўсатдан икки барзанги дев пайдо бўлиб, боғнинг чеккасига тўп-тўп этиб тушишибди. Она ва ўғлонлар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб, девларни пайқашмабди. Девларнинг бири она дев, иккинчиси эса унинг ўғли экан. Она дев одамзодга қандайдир меҳр билан қараб, ўғлига:

– Кўряпсанми инсондаги меҳрибонликни, иноқликни. Бизлар-чи, бизлар!!! Шундай баҳайбат гавдамызга яраша тариқча меҳр-оқибат, шафқатимиз йўқ! -дебди зорланиб.

Девнинг бефаросат ўғли бу гапга ғижинибди:

– Йўқ, улар шундай мўл-кўл ердагина бир-бирларига меҳрибонлик, саҳийлик қилишади. Аслида улар ҳам биз каби очкўз...

– У шундай дебди-да, пешонасидаги косадай якка кўзини даҳшатли олайтирибди.

Зум ўтмай она ва болаларини беҳуш қилиб, каттакон матога ўрабди-да, осмону - фалакка қутондай учиб кетибди.

Она дев унинг ортидан :

– Тўхта, тўхта! -деганича қола берибди.

Дев учиб-учиб бир поёнсиз дашту биёбонга, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган қумликларга она-болаларни элтиб қўйибди. Ўзи эса барханлар орасида яшириниб, уларни кузата бошлабди.

Она ва ўғлонлар ўзларига келишиб, ўралган матоларини очиб, атрофга қарашибди. Атрофда фақат поёни йўқ қизғиш қум эмиш. Улар бир-бирларига қараб нима рўй берганлигини билолмай бир оз гуришибди. Сўнг икки ўғил онани бир ерга ўтқазиб, йўл ва емиш-лик қидириб кетишибди.

Дев Сайхуннинг йўлига сездирмасдан биттагина кулча нон қўйибди. Сайхун юриб, бундоқ қараса қизғиш қумлар устида кулча нон ётганмиш. У кулчани олиб, у ёқ-бу ёққа қараб онаси томон югурибди. Жайхунни чақирибди. Улар кулча нонни она қўлига беришибди. Она нонни ушатиб, ўғиллари билан бахам кўрибди. Буни ўрган девнинг кўзи косасидан чиқиб кетибди.

«Бу ерда бир сир бор, шундай саҳрода ўғлим биттагина нонни қаердан топади»,- деб ўйлабди она. Бироқ, бу тўғрисида оғиз очмабди. Улар нонни еб бўлишиб, чанқашибди. Чунки нон шўрроқ экан. Жайхун ва Сайхун сув қидириб кетишибди. Дев яна бир кичик хумчада сувни Жайхуннинг йўлига қўйибди. Жайхун юриб кумлар орасида хумчадаги муздек сувни кўрибди. Хумчани олибди-ю, онаси томон югурибди. Сайхунни чақирибди. Она сувдан ичиб, ўғилларига тутибди.

Уларнинг бу меҳрибонлигини кўриб турган девнинг аъзойибадангани титроқ босиб, узун туклари хурпайибди.

Қуёш тиккага келгач, саҳро ёнаётгандай қизиб кетибди.

Она ҳолдан кета бошлабди. Ўғиллар онани холироқ бир ерга ўтқизишибди. Сўнг иккови онанинг илтимоси билан сув келтириш ва йўл топиш учун узоқда кўриниб турган азим тоғлар томон йўл олишибди.

Она борган сари ҳолдан кетиб, «сув, сув»,-деб шивирлабди. Онанинг бу нидосига гўё бутун қақраган саҳро жўр бўлаётгандай бўлибди. Шунда дев яширинган еридан аста чиқиб, бесўнақай қўлида идишдаги муздек, оромбахш сувни чайқатиб, онанинг олдига келибди.

– Ҳей-й, она, қалайсан, ҳа,ҳа,ҳа, чанқаяпсанми? Қани ўғлонларинг, ҳа,ҳа,ҳа,- дебди.

Она лабини тишлаб, миқ этмабди.

Дев:

– Мен сенга сув бераман ва сени ўз уйинга олиб бориб қўяман, фақат бир шартим бор: қалбингдан оналик меҳрини суғуриб ташлайсан. Ўғилларингга, умуман ҳеч кимга меҳр-шафқат, меҳрибонликни ўргатмайсан. Ўшанда сенга ҳаёт бераман, йўқ десанг ҳозир поралаб ташлайман, - деб бўкирибди.

Она ётган еридан, бошини кўтариб дебди:

– Эй, маҳлуқ, сен ўзинг оналик меҳри нималигини биласанми? Сен менга бераман деган ҳаётдан ҳам оналик меҳри кучли. Чунки она, меҳр-шафқати, сахийлиги билан онадир. Шундай муқаддас

хислатларни йўқотган она, онами?! Оналик меҳрини ўз ҳаётидан, қувончидан ҳам юқори қўйган онани кўрган саҳродаги барча жониворлар уни олқишлашибди, девни эса лаънатлашибди.

Ўз мақсадига эриша олмаган дев ғазаб билан «ҳали шундайми» деб Онани даст кўтариб осмонга кўтарилибди. Бироқ она эпчиллик қилиб, сўнгги кучини йиғиб, девнинг кўлидан чиқиб, ўзини қумликка отибди.

Она тушган ер жуда ҳам каттакон бўшлиққа айланибди, онани қумлик ўз бағрига яширибди.

Энди гапни онанинг ўғилларидан эшитинг.

Жайхун билан Сайхун пурвиқор тоққа етиб келишибди. Иккалови икки чекадан, улкан музлардан судраб, она томон қайтишибди. Жазирама иссиқдан судраб келаётган музлари эриб кета бошлабди. Оғир, улкан муз юмшоқ қумликни икки ёққа ёриб, орқаларидан ариқча ясаб илгарилабди. Ариқчадан тоғдаги музлар қуёш тафтидан эриб, шўх-шўх ўйнаб чопишибди.

Ўғлонлар не машаққатлар билан оналарини қўйиб кетишган ерларига етиб келишибди. Қарашса, она турган ерда катта бўшлиқ бор эмиш.

Икки ўғил наъра тортиб тўрт тарафга югуришибди. Шунда бўшлиқ қаъридан онанинг «ўғилларим Жайхун ва Сайхун, келдиларингми, жуда чанқадим», деган нидоси эшитилибди. Улар «Онажон» деб ўзларини бўшлиққа отишибди. Шу пайт бўшлиққа ўғлонлар билан бирга ҳаётбахш сув ҳам оқиб тушибди.

Бора-бора ариқчалар кенгайиб, дарёга, бўшлиқ кенгайиб денгизга айланибди. Бепоен қумликда Жайхун ва Сайхун дарёлари пайдо бўлибди, Орол денгизига оби-ҳаёт олиб кела бошлабди.

Инсонлар бундан хабар топиб, сув бўйларидан ўзларига макон йлашиб, она ва бола меҳрини куйлаб, яшай бошлашибди. Шундай қилиб, қум барханлари ўрнида бов-роғлар пайдо бўлибди.

Шундан бери саҳро кўксига она ва бола меҳри - денгиз ва дарё бўлиб, инсонларни ўзлари каби иноқликка, меҳр-шафқатга қақириб, уёш сингари абадий рамз бўлиб қолибди.



Савол ва топшириқлар

1. Эртакни ўқинг. Ўхшатишларни аниқланг.
2. Фарзандларнинг онасига бўлган меҳри ҳақида гапириб беринг.
3. Эртакда қайси денгиз ва дарёлар она-болага ўхшатиляпти?
4. Ўрта Осиё харитасидан Орол денгизи ва Амударё, Сирдарёларни тошинг.

Рамз - ҳаётий воқеаларни ифодалашда нарсаларнинг маълум бир маънода қўлланилиши.

Масалан: кабутар - тинчлик рамзи

тонг - янги кун рамзи

баҳор - соғинч ва соғлиқ рамзи

дарахт - умр рамзи.

ЯЛПИЗ

Хуршид Даврон

Токчада даста ялпиз,
 Ҳузур берар беморга.
 Доридан дим хонамиз,
 Гўё тўлди баҳорга.

Ниманидир эслайди
 Уринади кулишга.
 Ва лекин ялпиз ҳиди
 Тўкилади болишга.

Дунё ҳам кўзларида,
 Гўё ялпиз кўкати.
 Кечалари уйғониб,
 У ялпизни ўпади.

ЖИЙДА ГУЛИ

Жийда гулин исладим
 Болалардай энтикиб.
 Болалигим изладим
 Далаларга кўз тикиб.

Ҳув олис-олисларга
 Қуёшдай сингиб кетай.
 Бироқ ўтга кўмилиб
 Йиғлагим келса, нетай?

Йиғлама деб, шивирлаб,
Юпата бошлар ажиб,
Миттигина бойчечак
Қўлларимдан ушлаб жим.

Савол ва топшириқлар

1. Ҳар икки шеърни қиёсланг.
2. Шоир ялпиз, жиёда гули, бойчечакни қандай маънода қўллайпти?
3. Ёқтирган шеърингизни ёд олинг.

ҚАРЗ

Султонмурод Хожибоев

Бир нуроний мўйсафид
Кўчат ўтқазар эди.
Кўкламни ҳар хил кўчат
Экиб ўтқазар эди.
Бир куни невараси
Ўйнаб келди ёнига.
Меҳр билан термулиб,
Деди бобожонига:
– Бувижоним айтмоқчи,
Ҳеч тинчимас экансиз.
Чарчаб қоламан демай,
Мунча, кўчат экасиз.
– Вақту фурсат ғанимат
Боғ қолдириб ўзимдан
Сўнг хотиржам бўлайин.
– Қарз?... Кимдан қарздорсиз?
– Одамлардан тойчоғим,
Ахир, менинг ҳам сендай
Бўлган болалик чоғим.
Боболар экиб кетган

Мевалардан еганман.
Кўрмасам ҳам уларни
Сууб раҳмат деганман
Мендан ҳам болаларга
Ёдгор бўлиб боғ қолса
Қарзимдан қутуламан.
Ундан эл мева олса.
У дунёнинг шунақа
Қарзлари бор, чироғим,
Умрим давоми бўлиб
Яшанглар сену боғим.
Невара бу гапларга
Зеҳн қўйиб, хушлади,
Сўнг ишга енг шимариб,
Кўчатлардан ушлади.
Бобосига кечгача
Ёрдам берди ўша кун.
Дунёнинг қарзларидан
Қутулиб яшаш учун.

1. Шеърни ифодали ўқинг.
2. Дарахт - ниманинг рамзи?
3. Қарз деганда нимани тушунаси?

НАВРЎЗ - БАҲОР БАЙРАМИ

Музейна Алавия

Баҳор! Ҳали ерларда қор кўп. Қор кундузлари қуёш нурида эрийди, ерга сингийди, кечалари эса музлайди.

Тол куртаклари ёрилиб, ундан бўз момиқ фунчалар чиқади. Бўғотда сап-сарик бўлиб осилиб ётган сумалаклар қуёш шуъласига чидаёлмай ёш тўкмоқдалар. Томчилар март... март... март... март дегандай бўлаётирлар.

Ўлкамизда баҳор... Йилимиз ўз умрини янгидан бошляпти: жамики мавжудот ўз умрини шу баҳордан бошлайди. Шунинг учун ҳам қадимда йилнинг бошланиши баҳорнинг йигирма биринчи мартидан ҳисоблаганлар ва уни катта байрам қилганлар. Бу байрам Наврўз, яъни янги кун деб аталган...

Инсон, энг аввал меҳнат билан шараф қозонади, шунинг учун ҳам деҳқон аҳлининг қадимий байрами – Наврўзни ҳар йили зўр қувонч, катта тайёргарлик билан кутиб олиш элимизнинг энг яхши одатларидан бири бўлиб қолган.

Деҳқонлар наврўзда дала ишларига киришганлар, иш ҳайвонларини, асбобларини олиб чиқиб, ер ҳайдай бошлаганлар. Юрт соя-салқин бўлсин, ўтган-кетганлар роҳатлансин деб, наврўзгача йўлларга кўчат, болаларга атаб ҳовли ва боғларга мева ниҳоллари экилади. Кўчалар тозаланиб, ариқлар қазилади.

Ҳамма ёқ супуриб, сидирилади. Уйлар кўтарилиб, идиш-товоқлар ювилиб покизаланади.

Наврўзга атаб ёшлар ранг-баранг кийимлар тикадилар. Қарияларга сарпо тайёрланади. Наврўз учун узум, қовун, олма каби

ёз мевалари сақланган бўлади. Шинни, қиёмлардан ташқари, турли қандолатлар, сумалак пиширилади.

Наврўз кирар куни қўғирмоч қовурилиб, туршак қайнатилади. Мой, қаймоқ, жизза, ёнғоқ солиб чўзма, чалпагу кулча, патир, лочиралар пиширилади. Ялпиз, исмалоқ каби кўкатлардан сомсалар тайёрланади.

Наврўзда туғилган ўғилболага Наврўз, Мурод каби от қўйилса, қизларнинг исмига гул қўшилиб айтилади. Масалан: Гуласал, Гулбаҳор, Гулзамон каби.

Наврўз кунлари ёшлар кексалар олдига наврўзлик кўтариб саломга боришади. Ялпиз, бинафша каби хушбўй нарсаларни олиб борсалар, қариялар қўлларига олиб, «Эсон-омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги ойлар-йилларга ўйнаб-кулиб етайлик», деб тилак билдиришади.

Олма, анор, патир ва лочиралардан кўтариб наврўзлик қилиб, беморларнинг ҳолини сўрашга борилади. Хонадонларда тўкин-сочинлик билан меҳмон кутилади.

Белгиланган вақтда ҳамма дала, қир, боғ-роғларга чиқиб, ўйин-кулги қилиб дам оладилар.

Сиз, болаларнинг баҳорги таътилингиз ҳам Наврўзга тўғри келади. Шунинг учун табиат қўйнига, дала-қирларга, тоғу-тошларга сайрга чиқинглар. Табиат билан танишиб, ҳам билим, ҳам завқ олинглар. Шўх-шўх ўйнаб-кулинглар. Қўшиқ айтиб, рақсга тушинглар.

НАВРЎЗ УДУМЛАРИ, АНЪАНАЛАРИ ВА РАСМ-РУСУМЛАРИ

Наврўз куни туғилган боланинг исмини Наврўз қўйишган.

* * *

Наврўз куни одамлар ота-онаси, яқин кишилари билан дийдорлашганлар.

Орасидан гап қочган одамларни эл оғалари Наврӯз куни яраштириб қўйишган.

* * *

Наврӯзда атроф–муҳит орасталанади, ариқ-зовурлар тозаланади, ҳовли-боғлар тартибга келтирилади. Кўчалар, майдонлар, ҳовлилар тозаланади.

* * *

Наврӯз дастурхонига 7 хил дарахт шохидан намуна келтириб қўйилган. Улар: мажнунгол, зайтун, беҳи, анор, бодом, pista, ёнғоқдир. Шулар қаторида қатиқ, сут, пишлоқ, тухум, балиқлар ҳам қўйилган.

* * *

Наврӯз байрамидан икки-уч кун олдин марҳумларни зиёрат қилиш учун қабристонга борадилар. Ким ниҳол, кимдир гул уруғларидан олиб чиқишади. Қабрларни хас – чўп, ўт-ўланлардан тозалагач, гул уруғларини сепишади.

* * *

Наврӯз куни подшолар ёшу ялангларга ош берган, эл ичидаги энг муносиб кишиларни тақдирлаган, бандиларнинг гуноҳидан кечган, урушлар тўхтатилган, одамлар бир-бирларининг гуноҳидан кечиб, олам-олам севинч улашган.

* * *

Хоразмликларнинг удумига кўра, қадимда Наврӯз кирадиган кун арафасида ёшулилар бир лаълига олма, анор, нок каби мева-чевалар, шунингдек носвойгул (райҳон) шохчасини қўйиб хоннинг ҳузурига боришар экан.



Савол ва ғолшариклар

1. Сиз қандай Наврӯз удумларини биласиз?

IV БЎЛИМ

БАДИИЙ АСАРЛАРНИ ИФОДАЛИ ҲҚИШ, ИДРОК ҚИЛИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИ МУСТАҲКАМЛАШ

ТИЛ - ТИГДАН ҲТКИР

(ЭРТАК)

Ҳтмиш замонда бир мамлакатнинг подшоси қаттиқ касал бўлиб қолибди. Машҳур табиблар ҳам кўриб уни тузата олишмабди. Ниҳоят, бир донишманд чол подшо қошига келибди:

– Шер сутини ичсангиз тузаласиз, – дебди.

Подшо жар чақиртирибди. Ҳеч бир жойдан бир кимса:

«Шер сутини мен олиб келаман», демабди. Орадан бир неча кун Ҳтгач, подшо саройига бир йигит келиб, подшога:

– Шер сутини мен келтираман, – дебди. Подшо:

– Шер сутини топиб келсанг, бошдан-оёқ сарпо ва тилла бераман, – дебди.

Йигит подшодан тўрт қўзи сўрабди. Амалдорлар йигитга тўрт қўзини тутқизишибди. Йигит тўрт қўзи билан шаҳардан чиқиб кетибди. Чўл юриб, сувсиз аро йўл юриб, бир ўрмонзорга етибди.

Ўрмоннинг ёнида бир дашт бор экан. Йигит қўзиларни бир жойга қўйиб, секин ҳалиги даштга назар ташласа, узоқдан бир она шер болаларини эмизиб иссиқда ясланиб ётган экан. Йигит икки қўлтигида иккиталан тўртга қўзини кўтариб ўрмон оралаб шерга яқинлашибди.

Йигит аввал бир қўзини шер томон юборибди. Шер болалари қўзини тутиб олиб бир пастда еб битирибди. Йигит шу тарзда иккинчи, учинчи қўзини шер томон юборибди. Шер болалари уларни ҳам саранжомлаб қўйишибди. Ниҳоят, йигит тўртинчи қўзини кўтариб тўғри она шер олдига борибди. Она шер йигитга ташланмабди, балки қўзиларни юбораётган ўша йигит эканлигини англаб жим ётибди. Йигит келиб бемалол шернинг сутини соғиб олибди ва изига қайтибди.

Йигит йўлда қайтиб кетаётганида унинг қўл, оёқ, кўз ва тили ўзаро жанжаллашиб қолишибди. Қулоқ:

– Мен жарчидан эшитдим, шунинг учун йигит бу вазифани бажарди, -деса кўз:

– Аввал мен кўрдим, менсиз йигит бу жойларга кела олмас эди,-дебди. Оёқлари эса:

– Бизлар юриб-юриб шу жойларга олиб келдик, бизларсиз йигит бир қадам ҳам илгари силжимас эди,-деса, қўллар:

– Биз авайлаб шер сутини соғдик, шунинг учун йигит мурод-мақсадига етади,-дебди. Индамай турган тил:

– Эй оғайнилар, ҳаммамиз бир жон, бир танмиз, лекин дунёда мендан ўткир нарса йўқ. Чунки тил-тигдан ўткир, хонаси келса, тигни ҳам қайтаради,-дебди. Ҳамма аъзолар ўзаро жанжаллашиб, талашиб, подшо саройига етиб келганини билмай қолишибди.

Йигит подшо саройига кириб, қўлидан кўвачани маҳкам ушлагани ҳолда, подшо ёнига яқинлашганини сезмай қолибди.

Подшо атрофида амалдорлар, табиблар туришган экан.

Подшо йигитдан:

– Қандай сут олиб келдинг? - деб сўраган экан, йигит шошиб қолиб:

– Эчки сути, -деб юборибди. Подшо:

– Жаллод! - дебди.

Жаллодлар келиб йигитнинг қўл-оёғини боғламоқчи бўлганларида, подшонинг доно вазири:

– Тўхтанг, тақсир, бу саҳройи йигит, аркони давлатни кўрмаган, шошиб тили тутилиб қолди. Яна бир сўранг. Қўлидаги кўвачада нима олиб келганини айтиб берсин, - дебди. Подшо яна сўрабди. Шунда йигит, эс-ҳушини йиғиштириб олиб:

– Тақсир, мен сизга шер сутини олиб келтирдим. Ана олинг,-дебди.

Вазирлар йигитнинг қўлидан идишни олиб, табиблар текшириб қарашса, ҳақиқатдан йигит шер сутини келтирган экан. Подшо, шер сутини ичиб соғайибди. Йигитнинг тили сўзга кириб, бошқа аъзоларига қараб:

– Эй оғайнилар, кўрдингларми? Йигит шошиб қолиб, тили гулдираб, янглишиб, «эчки сути» дегани учун бекорга ўлиб кетай деди. Эс-хушини йиғиштириб, ўйлаб тўғриси айтгани учун ўлимдан қолди. «Тил-тигдан ўткир» деб, бекорга айтмаганлар, - дебди.



Изоҳли лугат

ясланмоқ - оёқ-кўлини узатиб ётмоқ
аркони давлат- [а] улуғ давлат эгаси
сахройи - [а] сахрода яшайдиган



Савол ва топшириқлар

1. Эртаки ичингизда ўқинг.
2. Ўқитувчингиз ёрдамида ролларга бўлиб ўқинг ва образларни аниқланг.
3. Қўл, оёқ, кўз ва тил баҳси тасвирланган ўринларни ўқинг.
4. Сиз қўл, оёқ, кўз, тил баҳси хусусида қандай фикрдасиз?

ҚУВМН БЎЛГАН ҚИШ

Қиш бир деворнинг тагида қунишиб ётибди. «Мазам йўқ,-деб ўйлайди.-Кўклам бу ерга ҳам етиб келади. Мени даладан ҳайдаган эди, энди қишлоқдан ҳам қувмоқчи. Йўқ, овора бўлади, осон энгиладиган аҳмоғини топибди! Қуёш тиғи етмайдиган жойга-уйнинг панасига ўтиб олиб, бир амаллаб кузга чиқаман».

Қиш шундай деб уйнинг орқасига ўтди-да, қунишиб-кичрайиб, чидаб ётаверди. Лекин қуёш кун сайин баландлайди, кайноқ тиғлари қиш ётган пана жойгача етиб келаверади.

«Аҳвол чатоқ-ку,-деб ўйлайди қиш.-Пўстимдан лахтақ-лухтақ қолибди. Тамом тўзмасдан олдин ўрмонга етиб олай. Қуёшнинг тиғлари дарахтлар орасидан ўтолмайди, бир амаллаб кузга чиқиб оламан».

Қиш ўрмонга ўрмалаб киради-да, чидаб ётаверади.

Унгуридан энди чиқиб, қиш бўйи оч ётганидан қорни таталаб, ўзи ғазабга минган айиқполвон келиб қолади.

– Нега ялпайиб ётибсан? -деб бўкиради қишни кўрган заҳоти.– Ключвадан бер, сал тамадди қилай. Сендан бекиниб ухлайман деб, бўларим бўлди-ку.

Айиқ шундай деб қишнинг пўстинига панжа урди-да, бурда-бурда қилиб ташлади. «Аҳвол чатоқ-ку,-деб ўйлайди қиш.–Бу ерда ажалимдан бурун ўладиганга ўхшайман. Хилватроқ жойга ўтай».

Қиш энди ўрмоннинг қалин жойига судралиб киради-да, чидаб ётаверади. Дарахтларни шохлаб, ерларни гурс-гурс тепиб бахайбат буғу келиб қолди.

– Ким чақирди сени, чувринди? -деб бўкирди у ҳам қишга.–Қор тагидан йўсин, ўт излаб шунча азоб торгганим етмасмиди? Қани, кўчингни кўтар!

Кейин биқини қапишган бўри учради.

– Бўрижон, жон бўри,деб унга ялинди қиш. – Ҳаммаси мени ҳайдаяпти. Раҳминг келсин. Менга кўклам етиб боролмайдиган овлоқ жойни кўрсат, бир амаллаб кузга чиқиб олай.

– У-у, ҳалиям судралиб юрибсанми?-деб увлади бўри. – Сени дастингдан овқат тополмай, ўлиб кетишимга сал қолди-ку! Қани, иркит пайтава, кир увада, ўрмондан жўнаб қол-чи!

Бўрининг увиллаши бутун ўрмонга таралиб, жониворлар ва қушларнинг товуши билан акс-садо бўлиб қайтди:

– Қани...ўрмондан жўнаб қол-чи!

Қишнинг яшагиси келмай қолди. Ҳамма уни бир дайди-саёқдай уриб-ҳайдайверса, яшашнинг нима ҳам кераги бор? Қишга жуда алам қилганидан, илма-тешик пўстинини ечиб ташлади-да, яланғоч баданини қуёшга тоблади, кўкракларини жануб шамолларига тутиб берди-эриб кетди.

Дарё бўйида эса болалар ўйнаётган эди, қоғоздан қайиқ ясаб сувга ташлаб:

– Яхши қиш бўлган эди. Чанада учдик, яхмалак отдик, маза қилиб ўйнадик,-дейишди.–Энди қиш қайиқчаларимиз билан узоқ ўлкаларга саёҳат қилсин, у ёқларда меҳмон бўлгандан кейин келаси йили яна келсин...

Ўзи тўғрисида ниҳоят яхши сўз эшитган қишнинг кўнгли кўтарилиб, дарёни тўлдирганча шод-хуррам оқиб кетди.



Изоҳли лугат

клюква - [р] ботқоқликларда ерга ёйилиб ўсадиган майда мевали бутача

хилват - [а] ҳеч ким кўрмайдиган пана жой

йўсин - бирор нарса ёки иш - ҳаракатнинг юзага келиши

овлоқ - чет жой, кимсасиз жой



Савол ва топшириқлар

1. Матни ўқинг.

2. Жонлантириладиган нарсаларни аниқланг.

3. Ўйланг, қиш фасли қандай рамзий маънони англатади? Бу хусусида баҳслашинг.

ОЙ БИЛАН КУН

Бир пайтлар Ой билан Кун эр-хотин бўлишган экан.

Улар эр-хотинлик даврларида яхши яшабди. Турмуш, тирикчилигу одамларга хизмат қилишни ҳам баб-бараварига бўлишиб олишган экан. Кун кундуз куни ётоғидан чиқиб тирикчилик гамини ер, одамларга илиқлик улашиб, кеч киргач, уйига хориб-чарчаб қайтар экан. Кун кундузи уйига келдими, Ой пиширган нетганларини унинг олдига қўйиб, едириб-ичиргандан кейин чиқиб кетар экан. Қоронғу бўлса одамлар бир-бирларини кўролмай қолишар экан-да! Шунинг учун Ой ҳам кечаси чиқиб, тунни ёритиб, одамларнинг мушкулени енгиллаштирар экан. Кун билан Ой шундай кун кечираверишибди.

Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб, Ой билан Кун фарзанд кўришибди. Отини юлдуз қўйишибди. Кейин битта болалари иккита бўлибди. Бора-бора шунчалик кўпайиб кетишибдики, санаб санабига, айтиб адоғига етолмай қолибдилар. Кунлардан бир кун нимаям сабаб бўлиб, эр-хотин уришиб қолишибди. Кун зарда қилибди, Ой аразлабди. Бўлганда болаларига қийин бўлибди. Кун уйдан кетиб

қолибди. Оналари Оймомо сал уйқуга кетди дегунча Кун болаларидан бировини олмоқчи бўлармишу, Ой билиб қолиб, уни яна тортиб олармиш. «Юлдуз учди, Ой тутилди», -деган гап шундан қолган экан.

Ҳозир ҳам Кун болаларини кўрмоқчи бўлиб, Ой уйқуга кетганда уларни олиб қочмоқчи бўлармишу, Ой уйғониб кетиб, боласини олиб қолармиш. Кундузи бўлса уларни умуман кўрсатмасмиш...



Савол ва топшириқлар

- 1. Афсонани ўқинг.*
- 2. Ой, кун, юлдуз ҳақида фикр юритинг. Ой, Кун, юлдуз нимага ўхшатилади?*
- 3. Осмон жисмлари рамзий маънода қўлланган шеър, ҳикоялар биласизми?*

СИЧҚОН, ҚУРБАҚА ВА ҚАРҒА

(Масал)

Бир сичқон тўқайнинг бағрида яшар эди. Тўқайдаги сув ичида бир қурбақа ҳам умр кечирарди. Қурбақа баъзан сувнинг юзига чиқиб, ёқимсиз овоз билан вақилларди. Сичқон қурбақанинг ёқимсиз овозини эшитиб ҳайрон бўлди ва бу ашулачининг башарасини кўриш учун ташқарига чиқди.

Сичқон унинг бемаъни қуриллашидан ажабланиб, қўлларини бир-бирига уриб, бошини қимирлата бошлади. Қурбақа сичқоннинг бу аҳволини кўриб, менинг ашуламдан мамнун бўлаётир деб, хурсанд бўлди ва у билан ошно бўлишни орзу қилди. Ниҳоят, сичқон билан қурбақа бир-бирлари билан дўстлашиб, ширин-ширин суҳбатлашадиган бўлишди.

Бир кун сичқон қурбақага деди:

– Мен сен билан доимо суҳбатлашишни орзу қиламан. Сен сув ичида бўласан, минг чақирганим билан эшитмайсан, келишингдан дарак бўлмайди.

Қурбақа деди:

– Гапларинг тўғри, дўстим. Мен ҳам сув остида юрган вақтимда сен келиб, мени кутиб-кутиб кетмадингми экан, деб хавотирланиб юраман, гоҳо ининг оғзига келаман, сен бошқа бир томондан чиқиб кетиб қоласан, мен кўп вақт сени кутиб ўтираман бу аҳволни сенга айтмоқчи бўлиб юрувдим, лекин ўзинг гап бошлаб қолдинг, энди бу ишинг чорасини ҳам ўзинг топ.

Сичқон деди:

– Бунинг чораси шу: бир узун ип топамиз; ипнинг бир учини сенинг оёғингга, иккинчи учини ўз оёғимга боғлайман сув лабига келиб ипни қимирлатсам, хабардор бўласан, сен ҳам менинг иним оғзига келиб ипни қимирлатсанг, югуриб олдингга чиқаман.

Шундай қилиб, уларнинг икковига ҳам бу тadbир маъқул тушди. Энди улар мудом бир-бирлари билан хабарлашиб юришар эди.

Бир куни сичқон сув лабига келиб қурбақани чақирмоқчи бўлиб турган эди, ногоҳ бир қарға осмондан тушиб, сичқонни кўтариб учди. Ип қурбақанинг оёғига боғланган эди, у бечора ҳам сув қаъридан чиқиб осилиб кетарди. Сичқон қарғанинг тумшугида, қурбақа эса ундан куйироқда осилган холда кетарди.

Одамлар бу аҳволни кўриб, ҳайрон бўлдилар ва «Нима бало бўлибдики, қарға қурбақани овлабди, унинг бунақа одати йўқ эди-ку!» - дер эдилар.

Сичқоннинг беоқилона дўстлиги натижасида қурбақа шундай фалокатга гирифтор бўлди. Ёмон ва нодон билан дўстлашган одамнинг қисмати ана шундай бўлади.



Савол ва ғоширликлар

- 1. Масални ўқинг.*
- 2. Сичқон, қурбақа, қарға қандай инсонлар тўмсоли?*
Сизнингча ким нодон?
- 3. Сизнингча дўстлик қандай бўлиши керак эди?*

Қарға бир кун деди Зағизғонга:
Қоч агар овчи дуч келса сенга.
Эҳтиёт эт ўзингни милтиғидан,
Келса пойлаб йиқилмагин бирдан.
Қарғага Зағизғон деди: -Нодон!
Гўштимизни емас бизни инсон.
Сену бизга керак эмас қўрқмоқ,
Нега қўрқарсан, эй боши тўқмоқ?
Овчи аҳмоқ эмас, бизга ўқ отиб,
Бизни отмоқға бир ўқин йўқотиб.
Гўштимиз онлара ҳалол эрмас,
Муллолиғинг биза қараб келмас.
Қарға бу сўзни айлади такрор:
- Дермусан одам ўғлида раҳм бор?!
Сен ажаб бир қизиқ сўз айтасан
Сўзима кирмасанг, ўлуб кетасан.
Боқмагайлар сени камолингға,
Гўшт-мўшу ҳалол - ҳаромингға.
Ишларидур аларни қон тўкмак,
Тўғри келгани урмаку йиқмак.
Тўғри келса, урар бирини бири,
Ўқу найза уриш - алар ҳунари.
Онларни йўқ иши фигонинг ила,
Хонавайрону азиз жонинг ила.
Кўрсатурлар санга ҳунарларини,
Бу ҳунардан чиққан унарларини.
Ҳосили: Қоч, кўрганда инсон қоч!
Борма ёнига, гарчи эрсанг оч!
Онларнинг кори-бори душманлиғ,
Ҳеч ярашмас оларға инсонлиғ,-

Деб сўзини тамом қилган йўқ эди.
Овчидан беҳабар, кўнгил тўқ эди.
«Тарс» этуб, овчи қарғани отди,
Қарға, бечора тош каби қотди.

Савол ва топшириқлар

1. Масални теги даражаларига риоя қилиб ўқинг.
2. Қарғанинг инсонлар ҳақидаги фикри тўғрими?
3. Ўйланг, қарға қандай инсонлар тинчлиги?

НАБИ ВА ОДОБ

(Ҳикоя)

Мирмуҳсин

Наби югурганича ҳовлига кириб, эшикни ботинкаси билан бир
риб очди-да, яна қарсиллатиб ёпди. Беланчакда ухлаб ётган укаси
пиёлаб юборди. Иш тикиб ўтирган онаси бош чайқади: «Эҳ, Наби,
дам ҳам шунақа бўладими? Эндигина ухлатган эдим...»

– Сув! Чанқаб кетдим, сув беринг! Онаси пиёлага қайнаган сув
уйиб берди-да беланчакни тебрата бошлади. Наби оёғини артмай
ирган экан, полга қатор из тушиб қолди. Бу оёқ излари ёнида яна
ир қатор из қолдириб кўчага чиқиб кетди. Бир оз юргач, ҳассасига
аяниб, битта-битта қадам ташлаб кетаётган Карим амакини учратиб,
ндан:

– Бу ердаги болалар қаёққа кетди?-деб сўради.

Карим амаки бошини кўтариб Набига қаради-ю, лекин жавоб
ермади. Сўнгра андоқ тўхтаб таажжубланиб, Набининг орқасидан
араб қолди. У бир нима демоқчи бўлди-ю, айтолмади. Яна бош
айқаб йўлида давом этди. Карим амакининг жавоб бермагани
абига таъсир қилди. Қизиқ!...

Наби ўртоқларини қидириб мактаб ёнидаги майдонга борди.
нинг келаётганини кўрган мусичалар париллаб учиб кетишди.
айдончада бир тўда жажжи жўжаларини олиб юрган чипор товук
им «ку-ку»лаб, Набининг ҳовлиқиб келишидан тажанг бўлиб,

жўжаларини чеккага олди. Ўртоқлари бўлса, кичкинагина Эркинни футбол командасига қўшишди-ю, лекин Набини «қўполсан» деб ўйинга қўшишмади.

Бу ҳам Набига жуда таъсир қилди. Унинг аччиғи чиқиб, яна уйига қайтиб келди.

Ҳовлига кирса Жаҳон холаси меҳмон бўлиб келган экан.

У ўқитувчи, кўнглидаги нарсани дарров билиб олади. Наби холаси билан ҳам кўришмай, индамай айвоннинг четига ўтирди.

– Нега хафа кўринасан, -деб сўради Жаҳон холаси. Наби холасига ўртоқлари ўйинга қўшишмаганини айтиб берди. Ҳамма уни «ёмон кўришини», Карим амаки ҳам индамай кетганини айтиб, йиғлади...

Жаҳон хола ўйлаб-ўйлаб Набининг бошини силади: «Қўй, хафа бўлма болам, мен сенга олтин калит бераман, ундан кейин сен ўйинга ҳам қўшилсан, ҳамма эшиклар сенга очилади...»-деди.

– Қанақа «олтин калит» - деб сўради Наби.

– Бу «олтин калит» ҳаммада бор, лекин битта сенда йўқ экан... Сенга уни мен топиб берай, болам. Бу калит, салом бериш. Сен ўзингдан каттани кўрганда салом бергин, салом берганга ҳамма кўнглини очиқ тутади.

Салом берган кишидан ҳеч ким юз ўгирмайди. Салом бериб, ўзидан катталарни ҳурмат қилган киши эътибор топади. Мана, мен сенга шу бугундан бошлаб «олтин калит»ни бердим, уни ҳеч йўқотиб қўйма. Наби таажжубланиб қолди.

Кунлардан бир куни Наби кўчада кетаётиб, ёнидан ўтиб кетган Карим амакини пайқамай қолибди. У ялт этиб орқасига қаради. Жаҳон хола айтган «олтин калит» кўз олдига келиб, ярқирай бошлади. У ўн беш қадамча орқасига қайтиб бориб, салом берди. Карим амаки дарҳол тўхтаб, Набига жавоб қилди. «Катта йигит бўлинг, болам!» -деган гапни ҳам қўшиб қўйди.

Наби яна орқасига қайтиб, йўлида давом этди. Карим амаки унинг орқасидан мамнуният билан тикилиб қолди. Наби яна майдончага ўртоқлари олдига борди. Шунда «олтин калит» яна кўзларига ярқираб кўриниб кетди.

Энди Наби уйининг эшикларини ҳам қарсиллатиб ёпмайди. Чунки қарсиллатиб ёпса, «олтин калит» йўқолиб қолиши мумкин. Уни йўқотса, ҳамма эшиклар яна қулфланиб қолади.

Наби ёзда оромгоҳга борди. Бу ерда ҳам калитни йўқотмади, балки «олтин калит» ҳикоясини ҳаммага айтиб берди.



Савол ва топшириқлар

1. Ҳикояни ўқинг ва қайта ҳикоя қилинг.
2. «Олтин калит» деб бошланган абзацни қайта ўқинг.
3. Нима учун матн мавзуси «Наби ва одоб» деб номланган?
4. Наби тимсолига хос сифатларни сананг.

ГУЛСАРА

Яйра Саъдуллаева

Гулсара билан бирга ўқиймиз. «Уч» олиш қасқда дейсиз «Тўрт» олса ҳам, кўнгли тинчимайди. Охири ўша «тўрт» «бешга» айлангач, хотиржам нафас олади.

Тунов кунни адабиётдан «уч» олиб қолдим. Зора эртага яна сўрасалару, ҳеч бўлмаса «тўрт»га чиқариб олсам, деб кўнглимга тугиб қўйдим. Аксига, шу кунларда уйимизда усталар ишляпти.

Ойим: «Дурустроқ таъмирлаб олайлик»,-деб атайлаб ҳордиққа чиққанлар. Опам бўлсалар кундузи ишлаб, кечаси ўқийдилар. Укам боғчага боради. Уй ишларига кўпроқ мен қарашаман. «Насиба, ҳовлини супур!», «Насиба, мошни юв!», «Пиёзни тезроқ тўғра, ёғ ёниб кетади!»... Бу ишларни жон деб қиламану, лекин барибир дарсим кўнглимнинг бир чеккасида тураверади.

Ҳозир ҳам китобни энди қўлимга олай дегандим, яна иш чиқиб қолди. Устага миҳ керак бўлиб қолибди. Дарров бозорга тушиб чиқдим.

– Энди дарсингга ўтира қол, -дедилар-у яна қўшиб қўйдилар:- Биронта ўртоғингникига бориб тайёрлай қол. Ёнимда бўлсанг, иш буюравераман.

Бирдан Гулсара эсимга тушди. Керакли дафтар, китобларимни олиб, уникига югурдим. Борсам, дугонам анча-мунча дарсларини тайёрлаб қўйибди. Менинг ҳали дарс тайёрламаганимни сезди-да:

– Қайсисидан бошлаймиз?-деб сўради.

– Адабиётдан,-дедим оҳиста.

– Уни аллақачон тайёрлаб қўйганман,-деди Гулсара.

– Мен... ҳали... тайёрлаганим йўқ.

– Майли, бошқатдан бошлай қолайлик. Менга такрорлаш бўла қолсин.

– Китобимни очиб улгурганим йўқ эди. Гулсара худди ўқитувчи олдида тургандай жиддий ва дона-дона қилиб гапира кетди. Ўтилган мавзунини батафсил сўзлаб бўлгач, охирида Лола опамларга ўхшаб: «Саволлар борми?» деб қўйди. «Йўқ» деган ишорани қилиб, елкамни қисиб қўйдим.

Бўпти, уйингда ўзинг яна яхшилаб ўқиб оларсан,- деди. Негадир ғалати бўлиб кетдимда:

– Адабиётни яхшироқ ўқишим керак,-дедим.

– Ҳозир айтиб бердим-у, нима тушунмадингми?

– Сал-пал.

– Биласанми, ўртоқжон, ҳали тайёрлайдиган дарсларим кўп-да...

– Бўлмаса математикани тайёрлайлик.

– Масалани аллақачон ишлаб қўйганман. Керак бўлса, кўчириб ол.

Бу гапдан анча ранжидим. Нега энди кўчирарканман. Ўзимнинг кучим етмаса бошқа гап эди.

– Раҳмат,-дедим ғалати бўлиб. Унинг таклифига кўра инглиз тили ўқий бошладик. Мен ҳам бу фандан чакки эмасман.

Ўқишга шундай берилиб кетибмизки, ҳатто оқшом бўлганини ҳам сезмай қолибмиз.

Бундай қарасам Гулсаранинг анча ёшга бориб қолган бувиси ҳовлига сув сепмоқда. Бундан ҳижолат тортдим. Келиб Гулсарани вақтини олмаганимда, эҳтимол бувиси пақир кўтармасмидилар, деган андиша билан дарсни тўхтатдим.

– Кета қолай, сенинг ҳам ишинг бордир,-дедим дугонамга.
– Вой ўтиравер,-хотиржам гапирди. Гулсара,-дарсдан вақтим қолса қарашаман, бўлмаса йўқ.

«Ҳазиллашаяпти шекилли», - ўйладим ичимда. Кейин унга қараб:

– Қўлларидан челакни олиб, сувни ўзинг сепмайсанми?-дедим.

– Бувим сув сепишни яхши кўрадилар,-жилмайди Гулсара.

– Йўқ, у ҳазиллашмаган экан. Негаки, бувиси: «Болам, супурсанг бўлармиди», - десалар, шундай жеркиб бердики, аълочи дугонамнинг бувисига қилган муомаласидан оғзим очилиб қолди.

– Сизга неча марта айтаман, дарс тайёрлаётган вақтимда иш буюрманг, деб.

– Болам сенчалик дарс тайёрлайдиганлар йўқми? -деди бувиси майин овозда.

Гулсаранинг муомаласидан уялиб кетдим. Охири ўтиролмадим. Ўрнимдан турдим-да, бувисининг қўлидан челакни олиб, сув сепа бошлагандим,

Гулсара югуриб келиб, челакни тортиб олди.

Дарс тайёрлагани келган одам дарс ўқийди. Уй иши сира тугамайди.

– Қизиқсан-а, бувинг супурсинларми, кекса одам-а?

– Уй ишини ҳадеб қилаверсанг,-ўзини доно қилиб кўрсатиб гапирди Гулсара,-эртага баҳонинг «поқ» бўлиб пастга тушиб кетади.

Гулсарани бундай деб ўйламаган эдим. Бу гапларни ошхона томонга кетган бувиси унча эшитмади, шекилли. Гулсарани яна ишга чақирди:

– Болам супурмасанг, ҳеч бўлмаса, пиёзни тўғраб юбор. Онанг келиши...

Улар гапларини охиригача айта олмадилар. Гулсара жеркиб берди:

– Уф, иш буюраверишингиз жонимга тегди-ку!

Гулсара яна алла нима деб бидирлади. Хаёлим буви билан бандлиги учун нималар деганини эшитолмадим. Қаттиқ хафа бўлганимча, ёнларига бордим.

– Мен артиб юбора қолай.

Буви гапимга эътибор бермай, унинг ўрнига:

– Болам, сен ҳам катталарга шундай гапирасанми? - дедилар.

Нима дейишимни билмай қолдим.

– Сизга ўхшаган эзмаларга буям қўпол жавоб қилади,-гапга аралашди Гулсара.

– Йўғ-е,-деб юборибман жонҳолатда.

– Ана кўрдингми, али десанг бали дейди,-шикоятмуз сўзлади бувиси.

Уларга раҳмим келиб кетди. Қани энди мени ҳам шунақа бувим бўлганларида, гап қайтариб, кўнгилларини ранжитиш у ёқда турсин, ҳатто қўлларини совуқ сувга урдирмасдим.

– Қўйинг, бувижон, кўп хафа бўлманг, - дедим юпатмоқчи бўлиб.

Нега хафа бўлмай болам, кейинги вақтларда Гулсара жуда ўзгариб кетяпти. Ким биландир битгаям «4» олмайман, деб баҳслашган экан чоғи, бошини дарсдан кўтармайди. Гапирсанг, бир оғиз гапингни ўн оғиз қилиб қайтаради.

Гулсара бундай гапларни анчадан бери эшитиб юрган шекилли, писанд қилмай ўтириб, рус тилидан берилган машқларни дафтарига кўчира бошлади. Қаранг-а, бир синфда ўқиб юрибман-у, Гулсаранинг бундайлигидан хабарим йўқ экан.



Изоҳли луғат

*таъмирлаш - бузилган жойни тузатиш
ҳордиқ - чарчоқни ёзиш, ором олиш*



Савол ва топшириқлар

- 1. Ҳикояни ўқинг ва қисмларга ажратинг.*
- 2. Гулсаранинг ҳулқини қандай баҳолайсиз?*
- 3. Матндаги бувининг набирасидан олган сатрларни қайта ўқинг.*

Бўри полвон давра айланди.

Даврага мурожаат этди:

– Халойиқ! -деди. -Даврада ҳалол олишиб, элга томоша кўрсатайлик! Ҳақ ноҳақни мен - ўзим ажрим қиламан! Айтганим айтган, деганим деган! Даврадаги Бўри полвон сўзим: тарафкашлик, фирромлик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўймайман!

Бўри полвон теваракка аланглади. Бир бурчакда қувишиб ўтирмиш беш-олти ёшли болани кўриб қолди.

Бола раиснинг ўели бўлди.

Бўри полвон атайин шу болани етаклаб келди.

– Отингиз нимаиди, полвон? -деди.

– Шукуй!

– Э, яшанг, Шукур полвон! Болалар, манави Шукур полвон билан олишадиган мард бўлса ўртага чиқсин!

Телпаги қулоқларини тушириб олмиш бир бола чиқиб келди.

Кетидан отаси овоз берди:

– Полвон бова манови Эрмат полвонни бир синаб кўринг!

Бўри полвон Эрматнинг-да қўлидан ушлади.

– Эрмат полвон,-деди,-сиз манови Шукуй...э, астағфуруллоҳ, Шукур полвон билан олишасизми? Ўзи юрак уряптими? Э, балли, гап бундай бўпти-да! Қани, юринглар.

Раис бува, манови полвонларга дуо беринг. Дўржироқ зот қўйинг, келбатидан икковиям катта полвонга ўхшаяпти!

Полвончалар бош баковул рўпарасига чўккалади.

Баковул дуо берди:

– Сизларга ўзингиз боп бир тўн, бир сўм пул қўйилди, оллоҳу акбар! Яхшироқ олишсаларинг, яна бир зот қўшамиз! Ечинмасдан олиша беринглар, кун совуқ!

Болалар давра айланди. Аммо... чаппа тарафдан айланди!

Давра гурр этиб кулиб юборди.

Бўри полвон болаларини ушлади.

– Эб-эй, эб-эй!-деди. - Манави тарафдан айланингла! Кулманг, халойиқ, полвонлар ғайратга чидай олмай, шошиб қолди, ҳа! Полвон шуйтиб-шуйтиб полвон бўлади-да!

II

Болалар даврани икки айланди. Қўл бериб кўришди.

Шукур полвон чопони ўнгирларини қайириб, белбоғига қистирди. Энкайиб, ўнг қўлини олдинга сермаб бора берди.

Эрмат полвон иштонини юқорига бир кўтариб қўйди. Уям кулочини сермаб кела берди.

– Ҳа, кулочгинангдан, полвончалар! -деди давра.

Шукур ўнг қўли билан Эрматнинг ёқасидан ушлади, чап қўли билан билагидан ушлади. Икки оёғига қўшиб чил берди.

Шукур йиқитаётиб эди. Аммо ерга оғиш вақтида ўзини эплай олмади.

Оқибат, иккови-да барабар йиқилди.

– Бекор, ит йиқилиш бўлди. Бошқатдан олишингла! -деди давра.

– Шукур полвон, қаттиқ-қаттиқ чил беринг! Ким айтади сизни раиснинг ўғли деб!

– Эрмат полвон, кўп шалшайманг, дадил бўлинг!

Шукур йиқитдим, дея, бошбаковул қошига ўтирди.

Эрмат давра ўртасида чопонида илашмиш сомонларни қоқди.

Шукурга, кейин, Бўри полвонга анграйиб қаради.

– Фирром, мен йиқилмадим, -деди.

Бўри полвон Шукурнинг елкасига қўлини қўйди.

– Полвон, йиқитолмадингиз, бошқатдан олишинг! -деди. - Елкангизни кўп силтаманг. Ё, отангизга ишонарми? Отангиз идорага раис! Даврага Бўри полвон раис! Туринг!

Шукур қобоқ-гумшуқ қилди. Отаси қабатига ўтиб ўтирди.

Бўри полвон Шукурни силаб-суйди. Чучук-чучук сўзлар айтди:

– Шайтонга ҳай беринг, полвон, чиқинг энди. Айланайин полвонимдан. Полвонимдан-да, полвонимдан-да...



Изоҳли луғат

баковул - хон саройида овқат тотиб кўрувчи (бу ерда соврин белгиловчи)



Савол ва топшириқлар

1. Ҳикояни ролларга бўлиб ўқинг ва режа тузинг.
2. Режа асосида ҳикоя қилинг.
3. Ҳикоядаги тимсолларни аниқланг ва уларга таъриф беринг.
4. Сизнингча қурашда ким ғолиб чиқди?

КЎЗ

Ҳамид Бадалов

Фарҳод доим бобосининг енгидан ушлаб, етаклаб юради. Унинг бобоси узун тўн ёки камзул киймайди. Бошида ҳар доим чуст дўппи, эгнида жигарранг костюм. Бобоси қоматини тик тутиб, дадил қадам ташлайди. Ўн икки-ўн уч ёшлардаги Фарҳод ҳам бобосининг чап енгидан тутиб, у билан барабар қадам ташлашга ўрганиб қолган. Тўғри авваллари бобоси билан барабар юришга қийналар, кўнглида: «Бобом мунча тез юриб қаёққа ҳам шошилар эканлар»-деб ўйларди. Энди эса катта бўлиб қолган!

Фарҳод мактабдан келса, бобоси ҳовлида райҳон орасига курси қўйиб ўтирибди. Оёқ товушидан Фарҳодлигини сезган бобоси гап қотди:

– Фарҳоджонмисан?

– Ҳа. Ассалому алайкум, бобожон, -дея илдам бориб кўришди, – Еттинчига ўтдим, бобожон! Бобо неварасини қучиб, пешонасидан ўпди.

– Демак, энди жўнар эканмизда.

– Қаёққа, бобожон?

– Э-э, эсингдан чиқдим, ёзда санаторияга бирга борамиз, деб келишган эдик-ку!

– Бобожоним яшасин! - Фарҳод севиниб кетди. Санаторияда уларни Улуғ Ватан уруши инвалидлари учун ажратилган корпусга

жойлаштиришди. Фарҳод билан бобосига шинамгина хона беришди. Хонада икки каравот, тўрда стол ва икки стул қўйилган. Дераза томондан қуюқ соя тушиб турибди.

Залга телевизор ўрнатилган.

Бобоси дам оладиган пайтлари Фарҳод телевизор ёнидан кетмайди. У бобосини «иҳ» деган товушини сезса, ёнига югуради. Ошхонага олиб боради. Ёнма-ён ўтириб овқатланишади. Бобосининг қўлига нон, қошиқ, санчқиларни тутқзади. Овқатини қулайроқ жойга суриб қўяди.

Дам олувчилар кечқурунлари атрофи гуллар билан ўралган шийпончада суҳбат қуришади.

– Шамсибой ака, ҳаммамизда ҳам урушнинг тамғаси бор экан-да. Мана, биз ҳам бир оёқни Украинага ташлаб келганмиз,-юзиди ўқ изларининг чандиқлари билиниб турган киши гап қотди.

– Тўғри айтдингиз. Тақдирларимиз ўхшаш экан, – Фарҳоднинг бобоси хўрсинди. Нурсиз кўзлари билан осмонга тикилди-да, гапида давом этди: – Белоруссия ўрмонларида жанг қилардик денг. Батальон командиримиз чақириб: «Лейтенант Муродов, сапёрлар билан бориб, «С» қишлоғи яқинидаги кўприкни тузатиб келасиз», деб қолди. «Яқинда ҳужумга ўтсак керак», -деб ўйладим. Топшириқни бажариб бўлган ҳам эдик, ёнгинамизда мина портлади. Санчада ўзимга келдим. Кўзим ҳеч нарса кўрмас эди. Госпиталда кўзимни операция қилишди. Чап кўзим хирагина кўрадиган бўлди. Ўшанда қувонганимни кўрсангиз эди... Лекин... Қора чироқнинг мойи тугаганга ўхшаб... йиллар ўтиши билан...

– Ҳозир кўришингиз қандай ? -сўради чап қўлининг тирсагидан насти йўқ киши.

Фарҳоднинг бобоси маъюс жилмайди. Кейин синиқ товушда.

– Мана, менинг кўзим,-дея Фарҳоднинг елкаларини қучди. – Ишқилиб, омон бўлсин.

Бобо билан невара ҳар куни санатория хиёбонида сайр қилишади. Бобо қаддини тик тутиб, тетик юради. Невара ҳам у билан баравар қадам ташлайди.



Изоҳли луғат

чуст дўппи - Чуст шаҳрида қалампир нусха оқтул тикилган дўппи, чуст шаҳрида тикилади.
чандиқ - битган яранинг ўрни, изи.



Савол ва топшириқлар

1. Ҳикояни ўқинг ва тимсолларни аниқланг.
2. Бобо билан Фарҳод нима учун дам олгани боришди?
3. Фарҳод бобосига қандай ёрдам берар экан?
4. «-Мана менинг кўзим» жумла маъноси хусусида фикр юритинг.

ҚУВОНЧ

Фани Абдуллаев

Похолга ўралган ток новдаларининг куртаклари бўртиб, кўз очаяпти. Ҳадемай похоли олиниб, боғланган қўлбоғ-новдалари ечилади. «Обинаввот»нинг куртаклари ҳам хиёл табассумда.

- Шукур, қишдан омон чиқибди, ўлмаган «қул» мевасини татийди яна, -офтобли айвондан баҳор даракчиларига боққан Зуҳра опанинг юзида мамнунлик табассуми. Бири ўйин, бири юмушга банд болажонларни дил ёзишга чорлайди:

- Қани, баҳорни ким нимада кўради?
 - Осмонда дириллаб учган варрагимда кўраман, -дейди Бахтиёр.
 - Сочларимга тақиладиган тол баргакларида кўраман, -дейди Севинчини яшира олмай Шоира.

- Мен-чи, -дейди қўзичоқдек дикирлаб Карим, -баҳорни адамларнинг даладаги кулупнайларида кўраман. Қизарса, еб сираям ўймайман-да.

- Мен-чи, ойи, -дейди онажонига талпиниб Саодат, -баҳорни сумалакда кўраман. Ўтган йили еб маза қилганман роса.

- Оҳ, онанг айлансин, онанг айлансин, сизлардан, -онанинг қувончи ичига сиғмай болажонларини бир-бир ўпиб қучди, -ҳар ким ўзи билган, суйган нарчасида баҳорни кўрса - бу жуда яхши.

Сумалакка қолганда жиндек хомуш тортади опа.

...Оғир, аянчли кунлар. Уруш юртдаги қут, баракани аждаҳодек домига тортган. У ҳозирги энг кичик қизидек эди ўшанда. Кетмончи онасига эргашиб, даладан қолмасди. Шийпон ёнидаги дошқозоннинг аталақирмочини талашарди тенгқурлари билан ўйнашиб. Онаси немисни қарғаб: «Отасининг меҳрига тўймайди, ёлғизимнинг кўнгли ярим», дея тансиқ нарса бўлса, унга илинарди энг олдин. «Илик узилди»-баҳор куни. Холи қудрат, биров косада, биров тоғорачада сумалакчи кампирниқига ун кўтариб чиқади. Лоақал бир ҳовуч ун билан кампирни йўқлолмаган онаси сумалак йиғинидан тортиниб, қизалоғини юпатади: «Ер юткур Гитлернинг гўри яқин қопти. Эл тинч, замон эсон-омон бўлса, ҳаммаёқ яна маъмурчиликда, болам. Сумалакни ўзим қилиб бераман». Зухра опа ўзини саодатли кунларга «тишида-тишлаб» етказган онасини, шу бахтли кунларни деб жон берган отасини хўрсиниб эслади. Кўзларида қалқиган ёшини сездирмайгина артиб, болаларининг гулгун юзларига боқди:

– Биласизми, -деди у дадилланиб, -мен баҳорни нимада кўраман? Энг аввало шодликларингизда кўраман. Биз кўрган ёмон кунларни зинҳор кўрманг. Урушнинг номи ўчсин. Юзингиздан кулгу аримасин ҳеч. Қувончингиз мен учун бир олам баҳор.



Савол ва топшириқлар

- 1. Ҳикояни ўқинг ва ҳикоя иштирокчиларини ва уларнинг баҳор ҳақидаги фикрларини аниқлаш.*
- 3. Баҳор фаслини Сизлар нимада кўрасизлар?*

ПҮЛАТНИНГ ҚАЛАМЛАРИ

Улуғбек Мустафоқулов

...Уруш йиллари эди. Ўша оғир дамларда ҳам ҳар куни мактабга қатнардик. Зериккан пайтимизда кўпинча ўйнагани Пўлатларнинг уйига бориб турардим. Қачон бормаи Пўлат доим расм чизиш билан банд бўларди.

– Уйда ўтиравериш жонингга тегмадими? Қачон қарасам расм чизганинг чизган. Зерикмайсан ҳам, -дердим унга ўзимча насихат қилиб. Бу гапим Пўлатга ёқмасди шекилли, қошини чимирганича:

– Нимага зерикарканман, қизиқмагандан кейин...дерди. Сўнг ҳаяжон билан чизган расмларини менга кўрсатарди. – Қалай ўхшабдими?

Албатта, унинг чизган суратлари айнан ўхшашлиги билан фақат мени эмас, кўпчиликни ҳайратга соларди. Лекин мен қанчалик ҳайратланмай барибир Пўлатга буни сездирмасликка ҳаракат қилардим. Мақтасам, назаримда у талтайиб кетадигандай туюларди.

Суратларини кўздан кечирар эканман:

– Дуруст, ёмон эмас, -дердим бепарволик билан.

Пўлат ўзи кутган жавобни ололмагани учунми, бирдан маъюсланиб қоларди. Тўғриси айтсам, менга расмлардан кўра рангли қаламлар ёқарди. Пўлат расм чизишдан зерикмаслигининг ҳам сабаби шу деб билардим. «Бундай рангли қаламлар билан расм чизадиган бўлсам, мен ҳам зерикмаган бўлардим», -деб ўйлардим ичимда.

Бир кун мактабга арифметикадан берилган топшириқни бажармай бордим. Масалани танаффус пайтида Пўлатдан кўчириб олмоқчи бўлдим. Чунки Пўлат ҳар қанча расм чизса ҳам, мактабга дарс тайёрламай келмасди. Танаффус пайтида синфда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, секин Пўлатнинг папкасини очдим. Кўпдан ҳавасимни келтириб юрган расм қаламларга кўзим тушди-ю, олмоқчи бўлган нарсам арифметика дафтари ёдимдан чиқиб, қаламларни қўйнимга солдим ва ташқарига отилдим. Яхши ҳам ҳеч ким кўрмади. Расм қаламли бўлиб қолганимдан ўзимда йўқ хурсанд эдим.

Қайтишда олиб кетарман, деган ният билан қаламларни яшириб, синфга кириб келганимда кутилмаган ҳолнинг устидан чиқдим. Пўлат партасида юзини кафтига қўйганича ўксиб-ўксиб йиғларди. Унинг атрофини болалар ўраб олишганди.

– Пўлат нимага йиғлаяпсан?

– Нима бирортаси билан уришдингми?

Ҳеч нарсадан хабари йўқ болалар бир-бирларига ана шундай саволлар беришарди.

– Расм қаламини биров ўғирлабди, шунга йиғлаябти – деди кимдир.

– Нима, расм қалам? Ким ўғирлаши мумкин?

– Унинг расм қаламлари кимга керак экан?

– Қаламга ҳам шунчалик йиғлашми, ахир?

– Ке, қўй, йиғлама, ўғирласа ўғирлабди-да.

Сенга ўзимнинг расм қаламимни бераман,-Равшан Пўлатнинг кафтига қўлини қўйиб, далда берди. Пўлат унга парво қилмай, ҳамон йиғларди.

– Нима жиннимисан, нега йиғлаяпсан? Ахир сенга Равшан қаламларини бераман деяптику, айниб қолмасидан хўп десанг-чи, - дея орага Боқи бақалоқ аралашди. Баъзи болаларга Пўлатнинг ҳозирги ҳолати ғалати туюлиб: «Телба бўлиб қолганми бу?!», дегандай бир-бирларига ишшайиб қўйишарди.

– Мана, ола қол, -Равшан папкасидан расм қаламларини узатди, Пўлат олмади.

– Менга бировнинг қаламлари керак эмас. Керак бўлса сотиб оламан. Лекин бу қалам... менинг қаламим...бошқа... Эҳ, сизлар буни билмайсизлар, -у йиғи аралаш папкасини олиб синфдан чиқиб кетди. Болалар унинг ортидан: «Ҳой, Пўлат, қаёққа кетаяпсан?! Ҳали дарс тамом бўлгани йўқ-ку», деганича бақириб қолишди. Кутилмаган бу воқеа кўпчиликни ажаблантирди. Шу пайт Пўлатга жуда-жуда ачиниб кетдим. Расм қалам учун шунчалик йиғлашини ўйламагандим. Унинг йиғидан қизарган кўзлари ҳаёлимдан нари кетмасди. Охири кечқурун Пўлатнинг уйига боришга аҳд қилдим. Ҳовлига кириб борганимда онаси Роҳила ая айвонда пахта чувиб ўтирарди. Саломлашгач:

– Пўлат уйдами? -деб сўрадим.

– Уйда, ичкарига кира қол, ўғлим Комилжон дедилар. Сўнгра: – Менга қара ўғлим, ростини айт. Мактабларингда ҳеч ким Пўлатни ҳафа қилмадимми? -деб сўраб қолдилар.

– Ҳеч гап бўлгани йўқ. Нега ундай дейсиз хола? -дедим.

Нимагадир ўртоғинг бугун мактабдан жуда хафа бўлиб қайтди. Нима бўлди десам, фақат йиғлайди. Сабабини айтмайди. Ўзинг олдига кир-чи, балки сени кўриб овунар. Хонага руҳсизгина кирар эканман, тўрдаги каравотда узала тушиб шифтга тикилиб ётган Пўлатга кўзим тушиб, кўнглим аллақандай бўлиб кетди.

Пўлат мени кўрди-ю, «Ҳа, Комил, сенмисан, киравер», деди-да, жой кўрсатди – «Ўтир». Анча ўтириб қолдим. Суҳбатимиз ҳа леганда қовушмасди. Мен эрталабки воқеанинг сабабини суриштирмоқчи бўлдим. Келишимдан мақсад ҳам шу эди. Бу ҳақда Пўлатнинг ўзи гап очиб қолди.

– Сен мени аҳмоқ, деб ўйласанг керак? Фақат сен эмас бошқа болалар ҳам.

– Нега ? -ажабланиб унга қарадим.

– Нега бўларди. Расм қалам учун йиғлаганимгада. Биласанми ўзимни тутолмадим. Ахир дадамлардан қолган бирдан-бир ёдгорлик эди. Урушга кетмасларидан олдин туғилган кунимга совға қилган эдилар. Шунинг учун уни еру кўкка ишонмасдим. Ана энди дадамлар ҳам йўқлар, қаламлар ҳам.

Пўлат шундай дея яна йиғлаб юборди. Шундагина ҳаммасини тушундим. Чунки бундан бир ой илгари Пўлатнинг дадасидан қора хат келганди. Демак, у расм қаламлар Пўлатнинг дадасидан эсталик экан-да. Мен бўлсам... «Эҳ, қандай ишга қўл уриб қўйибман-а?!»

Ўша кеча тонггача тўлғониб чиқдим. Эртаси куни мактабга бориб, жисмоний тарбия дарсида синфда ҳеч ким қолмагач, кеча ўғирлаган расм қаламларни Пўлатнинг папкасига билдирмай солиб қўйдим.

Иккинчи дарс бошланиши билан қизиқ воқеа содир бўлди. Пўлат дарслигини олгани папка ичига қўл тиқди-ю, тўсатдан синфда ўқитувчи борлигини ҳам унутиб, севинчидан қичқириб юборди.

– Ур-ре! Расм қаламим топилди. Менинг расм қаламим... Ҳамма ўқувчилар «гурр» этиб кулиб юборишди. Менгина кулмасдим. Чунки бу қаламлар унинг учун нақадар қадрли эканлигини фақат менгина билардим.

Ҳозир шуларни эслар эканман, беихтиёр ўйга толдим: «Ўшандаги Пўлатнинг ўз расм қаламига бўлган меҳр-муҳаббати отасига бўлган муҳаббатининг тимсоли бўлгани учун ҳам, у шундай рассом бўлиб етишдикин?!». Бу фикрим ҳақиқатга яқинлигини бутун вужудим билан хис қилиб турардим.

Шу пайтда расм чизишга киришган ўғлим Муроджоннинг қўлидаги ўзим совға қилган расм қаламларига кўзим тушар экан, негадир расм қаламларни у ҳам Пўлат сингари қадрлашини, асрашини истардим.

Савол ва топшириқлар

1. Ҳикояни ўқинг, қисмларга ажратинг ва тимсолларни аниқланг
2. Пўлат сизда қандай таассурот қолдирди?

БИЛМАСВОЙ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ШЕЪР ТЎҚИДИ?

Николай Носов

Билмасвойдан рассом чиқмагандан кейин, у шеър тўқиб, шоир бўлишга аҳд қилди. Унинг қоқигул кўчасида турадиган шоир ошнаси бор эди. Бу шоирнинг асли оти Пудик эди, лекин барча шоирларнинг чиройли номни яхши кўришлари ҳаммага маълум. Шунинг учун бўлса, шеър ёза бошлагач ўз отини ўзгартириб Гулшан қилиб олди.

Бир куни Билмасвой Гулшаннинг олдига келиб:

– Менга қара Гулшан, шеър тўқишни ўргатиб қўйгин. Мен ҳам шоир бўлмоқчиман, - деди.

– Сенда қобилият борми ўзи? - деб сўради Гулшан.

– Албатта, бор, жуда қобилиятлиман - деб жавоб берди Билмасвой.

– Текшириб кўриш керак, - деди Гулшан, - сен қофия нималигини биласанми?

– Қофия? Йўқ, билмайман.

– Икки сўз бир хилда тамом бўлса, уни қофия деймиз, - деб тушунтирди Гулшан. – Мисол учун: омон-ёмон, дафтар-каптар, тушундингми?

- Тушундим.
 - Қани «боғча» деган сўзга қофия топ-чи?
 - Кеча, -деб жавоб берди Билмасвой.
 - Бу «боғча-кеча» сўзлари ҳеч қанақа қофия бўлолмайди. Бу сўзларда ҳеч қанақасига қофия йўқ.
 - Нега йўқ бўларкан? Ахир улар бир хилда тугаяпти-ку!
 - Бу ҳеч гапмас, -деди Гулшан. -Келишилган бўлиб чиқиши учун сўз бир-бирига ўхшаган бўлиши керак. Мана эшитиб тур: Усмон-осмон, китоб-офтоб, нок-ток.
 - Тушундим, тушундим! -деб бақирди Билмасвой. -Усмон-осмон, китоб-офтоб, нок-ток. Қойил-ку! Ха-ха-ха!
 - Қани сен, «халқа» деган сўзга қофия топ-чи? -деди Гулшан.
 - Тақла, -деб жавоб берди Билмасвой.
 - Тақла, деганинг қанақаси? -Ҳайрон бўлди, Гулшан, -шунақаям сўз бўладими?
 - Бўлмаса йўқми?
 - Албатта, йўқ-да.
 - Ундай бўлса, макла.
 - Макла деганинг қанақаси? -яна хайрон бўлди Гулшан.
 - Бирор нарсани маҳкамлаш керак бўлса, шунда макла дейилади-да, -деб тушунтирди Билмасвой.
 - Бекор айтибсан, -деди Гулшан, -бунақанги сўз бўлмайди. Бор сўзлардан топиш керак, унақа яшаш керак эмас.
 - Агарда бошқа сўзларни тополмасам-чи?
 - Бундан чиқди, сенда шеърятга қобилият йўқ экан.
 - Қани, ундай бўлса ўзинг топгин-чи, қанақа қофия бўлар экан, -деди Билмасвой.
 - Хўп ҳозир, -деб рози бўлди Гулшан.
- У хона ўртасида тўхтаб, қўлини кўксига қовуштирди, бошини ён томонга энгаштириб ўйлай бошлади. Кейин бошини осмонга кўтариб, шифтга тикилиб ўйлай кетди. Кейин қўли билан иягини ушлаб, полга қараб ўйлашга киришди. У шунақа ҳаракатларни қилиб бўлгач, хона бўйлаб кезди ва ўзича секингина гингиллай бошлади:

– Ҳакла, дакла, вакла, гакла, бакла... -у анчагина гинғиллаб юрди, кейин: –Тфу! Бу қанақа сўз ўзи? Аллақандай қофияси топилмайдиган сўз экан, деди.

– Ана! -деди севишиб кетиб Билмасвой, қофиясини ўзи ҳам тополмайдиган сўзни беради-да, тагин мени қобилиятсиз дейди.

– Майли қобилиятлисан, фақат мендан нари тур! -деб жавоб берди Гулшан. – Бошим оғриб қолди. Шеър тўқиганинда ҳам маъно, ҳам қофия бўлса шундагина шеър чиқади.

– Наҳотки, бу шунақанги осон бўлса? -деб ҳайрон бўлди Билмасвой.

– Албатта, осон. Гап, қобилиятли бўлишда. Билмасвой уйига қайтиб келиб шеър тўқишга киришди. У кун бўйи хонада юриб бир полга, бир шифтга тикилди, қўли билан иягини ишқалади, ўзига нималарни минғирлади. Ахири шеър тайёр бўлди.

– Оғайнилар қулоқ солинглар-а, мана мен қанақанги шеър тўқидим? -деди.

– Қани, қани, шеър нима тўғрисида ўзи? -деб қизиқиб қолди барча.

– Сизнинг тўғригизда тўқидим, -деб очигини айтди Билмасвой.

–Мана энг олдин Билафон ҳақидаги шеър:

Ўйнаб юриб бизнинг Билафон,

Қўй устидан сакради чаққон.

– Нимадан? -деб бақирди Билафон. -Мен қачон қўй устидан сакрабман?!

– Бу фақат қофия учун шеърда шундай дейилади-да, -деб тушунтирди Билмасвой.

– Сен қофия деб менинг ҳақимда бўлмағур ёлғон гапларни тўқир экансанда-а? -деб қизиқди Билафон.

– Албатта, -деб жавоб берди Билмасвой.

– Бор гапни тўқишининг менга нима кераги бор? Ҳақиқатни тўқийдиган жойи йўқ. У шундоқ ҳам бор.

– Тагин шунақа нарса тўқиб кўргин. Кейин кўрасан деб ёниб қўйди Билафон. – Қани бошқалар тўғрисида нималар тўқидинг?

– Мана Шошқалоқ ҳақида, қулоқ солинглар -деди Билмасвой:

Шошқалоқ хўп оч эди,

Совуқ дазмолни еди.

– Оғайнилар, -деб бақириб юборди Шошқалоқ.

– Менинг тўғримда нималар тўқибди? Ҳеч қанақанги совуқ дазмолни еганим йўқ.

– Сен бақирмай тур, -деди Билмасвой. Шунчаки қофия учун совуқ дазмол деб айтдим-да.

– Мен, ҳеч қачон на совуқ, на иссиқ дазмолни еганим йўқ-ку, ахир!
– деб бақирди Шошқалоқ.

– Иссиғини единг деб айтганим йўқ-ку, хавотир олмасанг ҳам бўлади, – деб жавоб берди Билмасвой.

– Мана, Агарда тўғрисидаги шеърни эшитинглар:

Агарданинг ёстиғида,

Нон бор унинг тағида.

Агарда каравотининг олдига келиб ёстиғининг тагини қаради.

– Ёлғончи! Ҳеч қанақа нон-пон йўқ бу ерда, - деди.

– Шеърятдан ҳеч нима билмайсан, - деди Билмасвой. – Бу фақат қофия учун шунақа дейилади. Мана, мен тагин Дорижон ҳақида ҳам тўқиганман.

– Оғайнилар! -деб бақирди Дорижон. Бунақа мазах қилишни тўхтатиш керак. У ҳаммамиз тўғримизда ёлғон гапларни айтса-ю, наҳот биз индамай эшитиб турсак?

– Бас энди ! - деб бақирди барча. Бу шеър эмас, бу аллақандай масхарадан иборат. Фақат Билагон, Шошқалоқ ва Агардалар норози бўлиб бақирди:

Ўқисин! Бизнинг тўғримизда ўқигандан кейин бошқалар тўғрисида ҳам ўқисин-да!

– Керак эмас! Истамаймиз! -деб бақирди бошқалар.

– Хўп, сиз хоҳламаганингиздан кейин қўшниларга ўқиб бераман, – деди Билмасвой.

– Нима, нима? -деб бақирди ҳамма. Тагин бизни қўшниларга ҳам шарманда қиласанми? Қани ўқиб кўрчи?! Ундай бўлса уйга қайтиб келмай қўя-қол.

- Хўп майли оғайнилар, ундай қилмайман, -деб рози бўлди Билмасвой, -фақат энди сизлар мендан хафа бўлмасаларинг бўлгани.
- Шу-шу Билмасвой бошқа шеър тўқимасликка аҳд қилди.



Савол ва җошвириклар

1. *Ҳикояни ўқинг ва қайта ҳикоя қилинг.*
2. *Билмасвой қофияни тўғри тушундимиз? Қофия нима? Ўқитувчингиздан сўраг.*
3. *Билмасвой ёзган шеърлари нима учун дўстларига ёқмади?*
4. *Сиз ҳам шеър ёзганини машқ қилиб кўринг.*

САЁХАТЧИЛАРНИНГ ҲИКОЯСИ

Иссиқкўл - қирғиз денгизи.

Бу ердаги ҳар бир кичик тош ҳам мен учун қимматли. Сув остига шўнғиб, кўзингни очсанг, атрофингда тўқ қизил, алвон ранг, қоракуядек қоп-қора, сариқ, жигар ранг, шаффоф ранг ажойиб тошларни кўрасан. Агар денгиз остидан тошларни қўшиб шиша кўзада сув олсанг-да, уни дераза токчасига қўйсанг, қуёш нурида шундай товланадики, ҳатто гулнинг ҳожати ҳам қолмайди.

Ўтовлардан ҳам баландроқ тошларда бургутлар термулиб турибди. Улар диққат билан тўлқинларга шундай тикилишадики, қараб туриб сен ҳам қандайдир мўжизани кутасан.

Иссиқкўлда шамол эсади. Тўлқинлар гоҳ пасайиб, гоҳ кўтарилиб, куч йиғади, ғазабдан оқариб кетади. Кейин гўё улкан туя оппоқ қумни ҳар томонга сачратиб югураётгандек қирғоққа отилади.

Қаҳрамонларим Иссиқкўл қирғоғидаги Шўр-Бўлунга йиғилишди. Бу ерга қўл тегмаган. Қирғоқ чакалакзор бўлиб кетган, атрофда катта тошлар ётибди.

Саёхатчилар походдан олган таассуротлари ҳақида суҳбатлашишмоқда.

Тубун Кўкўй кўли ҳақида гапиряпти.

- Олдимизга қўйган вазифа: Кўкўй кўли Иссиқкўл билан боғлиқми, шуни аниқлаш эди. Аниқлашимизча, кўлнинг узунлиги -

бир ярим километр, эни – саккиз метр экан. Ҳайвонот дунёси, асосан кичик балиқлардан иборат. Хонбалиқ ва маринкалар учрамайди. Кўлдаги сув шўр, лекин айтишларича, кўл қишда музлайди. Хулоса қилиб айтганда, Кўкўй кўlining Иссиқкўл билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Зайиш қўллари билан юзини беркитди. Унинг кулгиси қистади. Тарғанининг қандай гапираётгани, нима ҳақда гапираётгани кулгиси эди. Лекин у сир бой бермади. Болалар ўзларини ҳақиқатдан ҳам сал кам олим хис этишяпти. Улар ҳаракат қилишди. Жақиш мақтанчоқ эмас, бироқ Кўкўй кўл афсонаси ҳақида гап қотганда у ҳам гердаиб гапирди.

– Иссиқкўл ҳамда Кўкўй кўлларининг пайдо бўлиши ҳақида афсона, -деди у, -деярли бир хил. Мен ўша афсоналардан бирини айтиб бераман. Бир вақтлар кўл ўрнида қишлоқ бўлган. Қишлоқ ўртасида ягона қудуқ бўлган. Қудуқ оғзини қопқоқ билан ёпиб, устига оғир тош бостиришар экан. Кунларнинг бирида бир қиз кечқурун қудуқдан сув олибди-ю, қопқоқни ёпишни ушатибди. Кечаси қудуқдан сув тошиб чиқиб, бутун қишлоқни босибди. Қишлоқ аҳли қирлиб кетибди. Биргина кампир омон қолибди. У қўшни қишлоққа меҳмонга кетган экан. Кампир аламига чидолмай ўзини сувга отибди. Кўкўй кўл шундай пайдо бўлган экан.

Самтир ва Бейиш саёҳат ҳақида соддароқ қилиб гапиришди. Минерал тошлардан йиққан коллекцияларни кўрсатиб, одам гавдасига ўхшаган учта тош ҳақида гапирдилар. Бу албатта қадимги кишилар ясаган ҳайкаллар. Улар ҳозир ҳам кўк яйловда турибди. Болалар қадимги одамлар чизган расмларни ҳам кўришибди. Бир тошда югуриб кетаётган, найза билан яраланган эчки, иккинчисида турли нақшлар.

Деворига «Бизлар Симбирскдан. Александр. Петр. 1863 йил», деб ёзилган ёрни ҳам топишибди.

Қисқа қилиб айтганда, эшитадиган нарса жуда кўп эди, лекин кўлдан шамол эсиб, сув тўлқинлана бошлади, осмонни булут қоплади, совуқ ҳам тушди. Уйга тарқалишга тўғри келди.

Савол ва топшириқлар

1. Ҳикояни ифодали ўқинг.
2. Иссиқкўлни тасвирлаб беринг.
3. Иссиқкўл ҳақида яна қандай афсона биласиз?

ҲАЗАЛ ТИЛИ БИЛАН

Алишер Навоий билан Биноий аслида қалин дўст эдилар-у, аммо орага тушган гап ташувчи ҳасадгўйлар туфайли бир-бирлари билан ади-бади айтишиб қолишарди. Нима бўлди-ю, Биноий бошқа подшо хизматига ўтиб, ўзга юртга кўчиб кетди. Алишер Навоий эса ёшлигидан дўсти бўлган Ҳусайн Бойқаро ёнида қолди. Орадан йиллар ўтди. Шоирнинг гоҳ Навоий, гоҳ Фоний деб ёзган ғазаллари Биноийга етиб борарди. Биноийнинг ўзига бир оз бино кўйиб ёзган ғазаллари ҳам Алишер Навоийга етиб келарди. Ҳар икковлари бир-бирларини соғинишиб, кўришгилари келганми, ё яна сўз ўйини, лутф қилишибми, бир-бирларига хат ёзиша бошлашди. Биноий узундан-узун бир ғазал битиб, охирига:

Биноийдек ғазал юборди машҳур Биноий,
Ўқиб жавоб ёзсин деб Навоийми ё Фоний.

Деб нуқта қўйди. Алишер Навоий ғазални ўқиб Биноийнинг нима демоқчилигини дарров англади, ўзи ҳам ўтириб бадиҳагўйлик билан катта бир ғазал ёзди ва уни шундай тугатди:

Биноий ғазалига жавоб битиб Навоий
Деди: ўзинга қўйма бино, бу дунё -фоний!

Айтишларича, ҳар икки шоир кейинчалик ҳам бир-бирлари билан ғазал тили орқали гаплашиб туришган экан.



Ҳоздан лутфат

фоний - [ф-т] ўткинчи
ғазал - [а]шеър тури



Савол ва топшириқлар

1. Ривоятни ўқинг.
2. Ҳазални тушундингизми?
3. Навоий ҳазалларидан намуналар ўқинг.

МАҲЖУРИЙ

Мумтоз адабиётимизнинг улкан билимдони, олим ва файласуф шоир Маҳжурийнинг асли исми Муҳаммад Исоқхон ўғли бўлиб, Маҳжурий - адабий таҳаллуси. «Маҳжур» - арабча ажралиш маъносини билдиради. Халқ орасида Маҳжурий домла номи билан машҳур бўлган.

Муҳаммадхон 1890 йилда Андижонда зиёли оилада таваллуд топди. Тўрт ёшидан 10-11 ёшларигача оилада яхши хат-саводини чиқаргач, Андижон мадрасаларида таҳсил олган 1933 йилда қулоқ бўлишдан қочиб, Ўшга келиб қолган. Ўз атрофига ўшлик илмпарвар кишиларни тўплаган ва ижодий ишлар билан машғул бўлган.

Ёшлигиданоқ адабиётга ҳавас қўйиб, бош мумтоз адабиётимизнинг йирик намояндалари Алишер Навоий, Бобур, Бедил, Огаҳий, Ҳувайдо, Муқимий, Фурқат каби шоирлар мероси билан танишган, ўзи ҳам ижод билан машғул бўлган эди.

Маҳжурий домланинг диққатга сазовор, чуқур мутолаа қилишга арзигулик асарларидан бири ҳаётининг сўнгги йилларида ёзган, бошдан охирига қадар панд-ўғитларидан иборат «Насихат» шеърини.

Эурсиз барчангиз фарзанд - дилбанд,
Кўзимнинг нурисиз, жонимга пайванд.

Ўқинг доим, ўқишдан асли қолманг,
Билим истаб юришдан ҳеч - толманг.

Ҳалол меҳнат билан топиб таом енг,
Бахил бўлманг, кўнгулни сиз тутинг кенг.

Жаҳонда бўлмангиз ҳаргиз дилозор,
Дилозордан Худо ҳам халқи безор.
Қилинг ота-онани яхши иззат,
Туғишганларни ҳам ғоятда ҳурмат.



Изоҳли лугат

дилбанд - [ф-т] дилни ўзига мафтун этувчи, азиз фарзанд
дилозор - [ф-т] кишининг дилига озор берувчи
пайванд - [ф-т] ўзаро боғланган, пайваста



Савол ва җойсўрашлар

1. Шеърни ифодали ўқинг.
2. Шеърдан илм ўрганиш ҳақидаги фикрларни аниқланг.
3. «Халол меҳнат билан топиб таом енг» жумласини тушунтириб беринг.

ЯССАВИЙ БОБО

Талъат Солиев

Замон қандай соз-а, Яссавий бобо?
Бўлурсиз овоза, Яссавий бобо.
Келдик эмин-эркин кунларга етиб,
Чўпдек оза-оза, Яссавий бобо.

Завқу қувончимиз шундай чексизки,
Сигмайди қоғозга, Яссавий бобо.
Сўзда, эътиқодда турмоқда собит,
Бўлурсиз андоза, Яссавий бобо.

Бетавфиқ зотларга мангу бекиқдир,
Дилдаги дарвоза, Яссавий бобо.
Бизлар эътиқодда турибмиз собит,
Иймонлар топ-тоза, Яссавий бобо.

Элимиз эркини арзийди толса
Қўллар ёза-ёза, Яссавий бобо.



Изоҳли сураш

бетавфиқ - [ф-т+а] худога ишонмайдиган, имони йўқ
 собит - бир гапда мустаҳкам турадиган
 эътиқод - қаттиқ ишонч



Савол ва топшириқлар

1. Шеърни тўхтамларга роя қилиб ўқинг.
2. Шеърдаги суръат даражаларини аниқланг.
3. «Иймон» сўзини қандай тушунасиз?
4. Шоир Яссавий ҳақида нималар биласиз?

ЭСДАЛИК

Шавкат Раҳмон

Унутганим йўқдир ҳали
 Ўрикзорни, асов сойни,
 Соё бўйида кўздан холи
 Бақатерак ўсган жойни.

Унутганим йўқдир ҳали
 Ўйинқароқ зилол сувни,
 Тол тагида шом маҳали
 Фира-шира икки қувни!...

Қовжирадим ёз гулидай
 Соғинганча ўшал жойни,
 Холи кеча, егим ҳулво,
 Ярқираган улкан ойни...



Изоҳли сураш

асов - одамга ўргатилмаган, минилмаган



Савол ва топшириқлар

1. Ўйланг, шеър нима ҳақида экан?
2. Шеърни ўқиб қандай манзара кўз олдингизга келди? Сўзлар маъносини изоҳланг.
3. Шеър мазмуни асосида шоир руҳий ҳолатини тасвирланг. У нима учун юртини қўмсапти?
4. Сизга шеърнинг қайси қисми ёқди? Шеърни ёд олинг.

ОФТОБ - ОНА

Толиб Йўлдош

Кўпни кўрган кексалар:
«Офтоб - Она» дейдилар.
Офтоб сўзи шунчаки
Бир баҳона дейдилар.
Қачонлардир шу офтоб,
Ёритган кенг оламни.
Қайдан, қандай куч билан,
Ақли етмас одамни.
Бу тўғри гап, ҳаётда,
Офтоб - катта онамиз.
Болаликдан биз меҳр
Нурларига қонамиз
Улғаямиз ҳам, унинг
Бағридамиз эрта-кеч.

Она меҳри офтобдан,
Айрилмасак деймиз ҳеч.
Тирикликнинг аввали,
Шу офтоб-ла боғлиқдир.
Офтоб ризқу - рўзимиз.
Она бағри доғлиқдир.
Фарзандим деб парвона,
Зар сочар бошимиздан.
Бу меҳнатда бизларнинг,
Чидам, бардошимиздан
У сояпар, дангаса,
Танбалларга боқмайди.
Офтоб кутганча фарзанд -
Бўлиш кимга ёқмайди?

Изоҳли луғат

*сояпар - соя-салқинни яхши кўрадиган
танбал - ўтакетган ялқов, дангаса*

Савол ва топшириқлар

- 1. Шеърни ўқинг. Офтоб тасвирланган ўринларни аниқланг.*
- 3. Она меҳри офтобдан. «Айрилмасак деймиз ҳеч» сатрларини маъносини изоҳланг.*

ТОМДА ЯШОВЧИ КАРЛСОН

Астрид Линдгрен–швед ёзувчиси
(Миттивой ва томда яшовчи Карлсон ҳақида қисса)

Стокгольм шаҳрида, одатдаги кўчаларнинг бирида, одатдаги уйлардан бирида Свантесон фамилияли оддийгина бир швед оиласи яшарди. Бу оиладаги ота ҳам, она ҳам кўпчилик ота-оналардан фарқ қилмасди. Боссе, Беган ва Миттивой исмли уч бола ҳам ўз тенг-қурларига жуда ўхшарди.

– Мен ҳечам оддийгина миттивой эмасман, - дейди Миттивой.

Бу тўғри эмас, албатта. Ахир, бу оламда етти яшар, кўзлари кўм-кўк, қулоқлари кир, иштонининг тиззаси йиртилган болалар камми! Бунга шубҳаланмаса ҳам бўлади: Миттивой кўча чангитиб юрган минглаб болаларнинг бири.

Боссе ўн бешга кирган, у доска олдида тургандан кўра, футбол дарвозасида туришни афзал кўради. Демак, у ҳам оддий болалардан бири.

Бетан ўн тўрт ёшда, унинг сочи ҳам оддий тенгдошларининг сочига жуда-жуда ўхшайди. Бутун бошли уйда битта зот ўзгаларга сира ўхшамасди - бу томда яшовчи Карлсон эди. Ҳа, у чиндан ҳам томда яшарди. Шунинг ўзиёқ антиқа эди.

Балки бошқа шаҳарларда сал бошқачароқдир, бироқ Стокгольмда бирорта одамнинг томда, яна алоҳида кичкина уйчада яшаганини ҳеч учратишмаган. Лекин буни қарангки, Карлсон худди шу биз айтган томда яшайди. Карлсон - кичкинагина, бақалоқ, кеккайган бир одамча, бунинг устига у уча олади. Самолёту, вертолётларда ҳамма ҳам уча олади, лекин Карлсоннинг ўзи уча олади. Қорнидаги тугмачасини босса бас, орқасидаги кичкина ажойиб моторча тариллаб ишлай бошлайди. Паррак пириллаб айлангунча Карлсон бир зум қимир этмай туради, мотор роса ишлагандан кейин Карлсон осмонга кўтарилади-ю, енгил чайқалиб учиб кетади. Унинг худди директорга ўхшаб керилишини кўрсангиз. Бироқ орқасида парраги бор директорни тасаввур этиш мумкинми ўзи?

Карлсон кичкинагина уйнинг томида роҳатда яшайди. Кечқурунлари остонада ўтириб, трубкасини чекиб, юлдузларни томоша қилади. Деразалардан кўра томдан юлдузлар яхшироқ кўринади, шунинг учун ҳам нега одамлар томда кам яшашади-я, деб ҳайрон бўласан киши. Балки, бошқа одамлар бунинг фаҳмига боришмас. Ахир, улар Карлсоннинг у ёқда уйчаси борлигини билишмайди, чунки уни каттакон мўри тўсиб туради.

Умуман, катталар унга қоқилиб кетишганда ҳам кичкинагина уйчага эътибор қилишармиди.

Кунлардан бир кун мўри тозаловчи Карлсоннинг уйчасини кўриб қолди. У жуда хайрон бўлиб, ўзига-ўзи:

– Тавба уйчами? Йўғ-э, кўзимга шундай кўринаётгандир! Томда кичкина уйча турибдими?... Қаёқдан келиб қолди? -деди.

Мўри тозаловчи мўрига тирмашиб чиқди-ю, шу заҳоти уйча ёдидан кўтарилди, шу-шу бошқа эсига олмади ҳам.

Миттивой Карлсон билан топишганидан жуда хурсанд бўлди. Карлсон учиб келиши биланоқ, жуда ғалати саргузаштлар бошланарди. Афтидан, Миттивой билан танишганидан Карлсоннинг ҳам кўнгли чоғ эди. Ахир кичкинагина уйда якка ўзи тургач зерикади-да. Яна бу уйни ҳеч ким кўрмаса, нимаси яхши? Учиб ўтаётганинда битта яримта «Салом Карлсон» деб қичқирмаса, сўрашмаса, кишига алам қилмайдими? Миттивой билан Карлсон нобоп кунда танишишди-да. Ўша куни Миттивой бўлишнинг ҳеч қизиғи йўқ эди. Ҳолбуки одатда Миттивой бўлиш кўнгилли. Миттивой оиланинг эркатойи, Унинг оғзидан чиққанини муҳайё қилишади. Бироқ бугун негадир иш чаппасига кетди. Ойиси уни яна иштонини йиртгани учун койиди, Бетан унга «Бурнингни артиб юрсангчи» -деб ўшқирди. Миттивой мактабдан кеч қайтганига дадасининг жаҳли чиқди.

Кўча-кўйда санқиб юрасан-а! - деди дадаси. «Кўча-кўйда санқиб юрармиш!» Ахир, уйга келаётиб йўлда кучукчани учратиб қолганини дадаси билмайди-да. Кучук шундай ширин, шундай чиройли эдики, асти қўяверасиз. У гўё Миттивойга эргашиб кетгиси келгандай, уни ҳидлаб, ҳадеб думини ликидлатарди. Миттивойга қолса, кучукни жон-жон деб олиб кетарди-я. Бироқ ойиси билан дадаси уйга ит олиб келишга қарши. Бунинг устига муюлишдан бир хотин чиқиб: «Рики! Рики! Бу ёққа кел» - деб қичқириб қолса бўладими, Ўшандан кейин Миттивой кучукдан бутунлай умидини узди.

– Бутун умр итсиз ўтиб кетадиганга ўхшайман, -деди Миттивой куюниб, иши ўнгида келмагач. – Ойи сиз дадам билан биргасиз, Боссе билан Бетан ҳам сира ажралишмайди. доим бирга, мен-чи? Менинг ҳеч кимим йўқ! – Оппоғим, Миттивой, ахир биз сени яхши кўрамыз-ку, -дейди ойиси. Билмадим...-деди Миттивой кўнгли баттар чўкиб,

чунки унга чиндан ҳам бу дунёда ҳеч кими ва ҳеч нарсаси йўқдай туюлди.

Ҳа, айтмоқчи, унинг ўз хонаси бор эди, у шу хонасига кириб кетди. Баҳор оқшомларидан бири, деразалар очиб қўйилган, оқ пардалаг гўё ҳозиргина мусаффо осмон қўйнида пайдо бўлган митти хира юлдузлар билан саломлашаётгандек секин хилпирарди. Миттивой тирсагини дераза токчасига тираганича қараб ўтирди. У бугун йўлда кўрган чиройли кучук ҳақида ўйларди. Балки, ўша кучук ҳозир ошхонада сават ичида ётгандир. Миттивой эмас, аллақандай бошқа бола унинг ёнида ўтириб, «Рики, сен ажойиб кучуксан?» деб пахмоқ бошини силаётгандир. Миттивой оғир хўрсиниб қўйди. Бирдан унинг қулоғига фингиллаган товуш эшитилди. У тобора кучайиб, кейин деразаси ёнидан лўппигина кичкина одам учиб ўтди. У кўзларига ишонмай ағрайиб қолди. Бу, томда яшовчи Карлсон эди. Лекин, Миттивой ҳали уни танимас эди.



Савол ва топшириқлар

- 1. Ҳикояни инфодали ўқинг.*
- 2. Нима учун Миттивой ёлғизликдан зерикди? Карлсон билан Миттивойнинг кейинги саргузаштларини биласизми?*
- 3. Қиссадаги тимсолларни аниқланг ва уларга тавсиф беринг.*
- 4. Қиссани ўқинг ва режа тузинг. Тузган режангиз асосида қайта ҳикоя қилинг.*
- 5. Сиз Карлсон ҳақидаги мультфильмни кўрганмисиз.*

МИЛЕНИНГ ОНАСИ

Глигор Поповски -Югославия ёзувчиси

Миле синфда ғалати, энг юввош ва энг сирли ўқувчи эди. Нега бунақа эканини тушуниб бўлмасди. У ўртоқлари билан онда-сонда, шундаям бирор нарса сўраш лозим бўлиб қолганидагина гаплашарди. У бурчакда, охириги партада ўтирар, ёлғиз ўзи ўтирганидан мамнун кўринарди. Болалар танаффусда тўполон қилиб қичқиришар, парталар оралаб югуришар, доскани артадиган латтани бир-

бирларига ирғитиб, синфни бошларига кўтаргудек бўлишарди, у эса атрофдаги ур-йиқитга ҳечам парво қилмай, бурчакда жимгина ўтираверарди.

Нимани ўйларкин?

Буни ҳеч ким билмасди. Ҳатто муаллима ҳам. Миле синфда янги ўқувчи эди. Муаллима унинг доимо дардчил чеҳрасига хавотирлик билан боқиб, болага нималар азоб бераётганини тушуниб олишга ҳаракат қиларди.

– Уйда сени койишадими? – сўради бир куни у Миледан.

– Йўқ, – жавоб берди у.

– Саломатлигинг яхшими?

– Ҳа.

– Балки, бирор ёрдамга муҳтождирсан?

– Йўқ.

– Балки, сенга бирор маслаҳат керакдир?

– Йўқ.

Ҳамма вақт шунақа. Нимани сўрасангиз ҳам Миле фақат «ҳа» ёки «йўқ»дан нарига ўтмайди. Муаллиманинг боши қотиб қолди, ҳарчанд уринса ҳам қизчанинг қалбига йўл тополмади. Шунда у Миле ҳақида болалардан дам-бадам суриштириб турмоқчи бўлди – ахир бир куни синфдошлари билан дўстлашиб, уларга ўзи ҳақида бирор нимани айтиб беради-ку! Бироқ муаллиманинг бу умиди ҳам пучга чиқди.

У ҳечам дарсни қолдирмас, муаллиманинг сўзларини диққат билан эшитар, дафтарини тоза тутарди. Лекин бирор нарсани сўраш ёки саволга жавоб бериш учун бирор марта ҳам қўл кўтармасди. Аввалига уни шунчаки ҳеч нимани билмайди ва умуман ҳеч нарсага қизиқмайди, деб ўйлашди.

Аммо муаллима уни доскага чиқарганда, ҳаммани хайрон қолдириб жавоб берарди. Шуниси борки, жавоблари бир хилда, қисқа бўларди. Аммо ҳар сафар тўғри чиқарди. Дарсга алоқаси бўлмаган бошқа барча саволларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб берарди. Кўпинча «йўқ» сўзини эшитаверганидан кейин болалар ҳам унга «йўқ» деб лақаб қўйиб олишди.

Аввалига шумтакалар ундан бирор оғиз гап эшитмоқчи бўлиб, тегажоелик қилиб юришди. Миле эса ўзини ҳеч нимани кўрмасликка, ҳеч нимани эшитмасликка олиб юраверди. Ниҳоят, болалар уни ўз ҳолига қўйишди. Фақат онда-сонда сўраб қолишарди:

– Ҳей, Йўк, нима бало, тилдан қолдингми?

– Ҳей, Йўқвой, оғзингга нима солиб олдинг?

– Ҳей, Йўқвой, қараб тургин, ҳали гапиришни ҳам унутиб қўясан!

Орадан кунлар ўтди. Миле эса ғалатилигича қолаверди. Муаллима бу сирли ўқувчисининг қалбига қандай қилиб киришни, ниҳоят, топди.

Кунларнинг бирида у болаларга уйда «Менинг отам» мавзуида иншо ёзиб келишни тайинлади. Бу ғалати, тушуниб бўлмайдиган боланинг қандай шароитда яшашини энди, албатта, билиб олади. Эртаси куни дафтарларни текшириб чиқар экан, Миленинг дафтаридаги: «Отам йўк, уни эслолмайман», деган сатрларини ўқиб қолди. Бошқа бирор жумла йўқ эди.

– Миле, отангга нима бўлган? -сўради муаллима раҳми келиб.

– Вафот этганлар.

– Қачон?

– Анча бўлган, мен эслолмайман...

Миле отаси йўқлигидан шунақа юввош ва маънос юрар экан-да, деб ўйлашди болалар. Улар Милега ачиниб, энди уни «Йўқвой» деб мазаҳ қилмайдиган бўлишди. Яна бир гал муаллима ўқувчиларга «Менинг онам» мавзуида иншо ёзиб келишни топширди. Эртаси куни у дафтарларни йиғиб олмади. – Миле, қани, нима ёзганингни бизга ўқиб берчи, -илтимос қилди муаллима.

Ҳамма ўгирилиб Милега қаради. Миле ўрнидан турди. Юзи одатдагидан ҳам оқариб кетганди. Қуруқшаб қолган лабларини бир неча марта ялаб олди-да, титроқ қўллари билан дафтарни ушлаб, бошини ҳам кўтармай ўқишга тутинди:

«Менинг онам жуда кўп ишлайдилар. Уларга ниҳоятда раҳмим келади. Кечқурун уйга ҳориб-чарчаб қайтадилар. Кир юваверганларидан қўллари қизариб, шишиб кетган. Ўзлари бировларнинг

кирини ювадилар. Мен онамларни жуда-жуда яхши кўраман, аммо буни ҳеч қачон уларга айтмайман, чунки ҳаяжонланиб кетиб, дарров йиғлаб юборадилар. Кўз ёшларини кўрсам ичим ачишиб кетади. Мени жуда яхши кўрадилар, нуқул менга бирор нарса сотиб олиб келадилар-у, ўзларини ҳеч ўйламайдилар. Онам ҳамма вақт ғамгин юрадилар, касал бўлиб қоладиларми, деб кўрқаман...»

Миле ўқишдан тўхтаб, ёш тўла кўзини ерга тикди. Синф сув куйгандек жимжит бўлиб қолди.

– Давомини ўқи, Миле, - деди муаллима.

– «Менинг онам...менинг онам...» -Миле яна ўқишга тутинди-ю, лекин шу ондаёқ тўхтаб қолди. У бошқа ўқиёлмади, овози титраб, кўзи ёшга тўлди. У дафтариини ташлаб, қўли билан юзини беркитиб олди. Синфдан фақат унинг ҳиқиллаб йиғлаши эшитиларди.

– Ўтир, Миле, - деди меҳрибонлик билан муаллима.

Миле жойига ўтирди. Унга тикилиб турган болаларнинг кўзларида ёш. Бу нотаниш аёл ҳозир уларга жуда азиз ва қадрдон бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам ўз оналари каби ундан ташвишланишарди. Ўз онаси ҳақида Миле ёзган ўша бир неча сатр жумла қолган ўқувчиларнинг ҳаммаси ёзганидан ҳам кўра маъноли эканини болалар билишарди.

Савол ва талқин

1. Ҳикояни ўқинг. Нима учун Миле ғамгин эди?
3. Ўқитувчи «Менинг онам» мавзуда ишро ёздириб тўғри қилдимми?

ГУЛЛИВЕРНИНГ САВҲАТЛАРИ

Жонатан Свифт

(Романдан парча)

Гулливер лилипутлар мамлакатида

«Антилопа» деган уч мачтали кема Жанубий океанга сузиб кетди.

Кема врач Гулливер кеманинг орқа томонида туриб, дурбин билан пристанга қаради. У ерда унинг хотини ва икки боласи: Жонни деган ўғли билан Бетти деган қизи қолган эди.

Гулливер денгизда бир қанча марталаб саёҳат қилган киши. У саёҳат қилишни севарди. Мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ, отасидан келган пулларнинг ҳаммасини деярли денгиз хариталарига ва чет мамлакатлар ҳақида ёзилган китобларга сарф қиларди. У география ва математика фанларини астойдил ўрганарди, чунки бу фанлар ҳаммадан кўра денгизчи учун зарурдир.

Отаси Гулливерни ўша вақтдаги лондонлик машҳур бир врачга ўқишга берган эди. Гулливер унда бир неча йил ўқиди, лекин денгиз ҳақида ўйлашни қўймади. Врачлик иши унга қўл келиб қолди: ўқишни тамомлагач, «Қалдирғоч» деган кемага врачлик хизматига кириб шу кемада уч ярим йил юрди. Сўнгра «Добрая надежда» номли катта кемада Шарқий ва Ғарбий Ҳиндистонга бир неча марталаб саёҳат қилди.

Денгиз сафарига Гулливер ҳеч қачон зерикмасди. У кемадаги ўз хужрасида уйдан олиб чиққан китобларини ўқир, қирғоққа чиққан маҳалларида эса бегона қабилаларнинг турмуш кечиришларини томоша қилар, уларнинг тили ва урф-одатларини ўрганар эди. Сафардан қайтишда у йўлда кўрган-кечирган ҳодисаларини муфассал ёзиб борарди. Гулливер бу галги денгиз саёҳатига чиқишда ҳам каттакон қўйин дафтарини ёнига солиб олди.

Бу дафтарнинг биринчи бетига: «1699 йил 4 майда кема билан Бристолдан жўнаб кетдик», деб ёзилган эди.

«Антилопа» Жанубий океанда кўп ҳафта ва кўп ойларгача сузиб юрди. Ҳамроҳ шамоллар эсиб турди. Саёҳат кўнгилдагидек бўлди.

Бироқ, кунларнинг бирида кема Шарқий Ҳиндистонга ўтаётганида жуда қаттиқ бўронга учради. Шамол ва тўлқинлар кемани қай томонга суриб кетаётгани маълум эмасди.

Кемада эса озиқ-овқат ва чучук сув тугай деб қолган эди.

Чарчоқ ва очликдан ўн икки матрос ўлди. Қолганларининг ҳам тинка-мадори қуриб битди. Кема тўлқинда қаттиқ чайқалиб, ёнғоқ пўчоғидай ўйнади.

Бўронли қоронғи кечаларнинг бирида шамол «Антилопа»ни сув тагидан чиқиб турган катта қоятош томонига суриб кетди. Матрос-

лар бу ҳодисани вақт ўтгандан кейингина сезиб қолдилар. Кема қоятош қирраларига урилиб, парча-парча бўлиб кетди.

Фақат Гулливер билан бештагина матрос қайиқчага тушиб омон қолди.

Улар шу яқин орада қуруқлик борлигини билардилар, шунинг учун ўша ерга етиб олишни кўзладилар. Тўлқинлар устида ҳаракат қилавериб, кучлари обдан қуриди. Тўлқинлар эса тобора кучаймоқда эди, ниҳоят, энг баланд бир тўлқин келиб, қайиқчани тўнтариб юборди.

Гулливерни сув кўмиб кетди.

У, сув бетига чиққанда, ёни-вериди ҳеч кимни кўрмади. Унинг барча ҳамроҳлари сувга чўкиб кетган эди.

Ёлғиз қолган Гулливерни шамол ва тўлқин қаёққадир суриб кетаверди. У, оёғини дам-бадам пастга узатиб, сув тагини билмоқчи бўлса-да, бироқ оёғи сув тагига етмасди. Унинг энди сузишга сира ҳам мадори қолмади, ичлари лиқ-лиқ сувга тўлган усти-бош, оёқ кийимлари уни сув тагига тортарди. Бўғзига сув тикилиб, дами қайта бошлади.

Шу пайтда тўсатдан оёқлари қаттиқ ерга текканини сезиб қолди.

Бу-саёз жой эди. Гулливер сув тагидаги қумда эҳтиётлик билан аста-секин юра бошлади.

Юриш тобора енгиллашаверди. Олдин сув Гулливернинг кифтидан келарди, кейин белига тушди, ниҳоят атиги тиззасидан келадиган бўлиб қолди. Гулливер, қирғоқ жуда яқин бўлса керак, деб ўйлаган эди, лекин бу жойнинг таги нишаб бўлгани учун, Гулливерга яна узоқ вақт тиззасидан сув кечишга тўғри келди.

Ниҳоят, сув билан қум орқада қолди.

Гулливер жуда юмшоқ ва майса ўтлар билан қопланган кўкаламзорга чиқди ва ерга ёнбошлаб, қаттиқ уйқуга кетди.



Изоҳи лугат

*мачта - кеманинг елкан осини, кузатиш, сигнал бериш учун
хизмат қиладиган метал ёғоч устуни*

*пристан - кемалар тўхтайдиган махсус жой.
муфассал - [а] тўлиқ, батафсил*



Савол ва топшириқлар

- 1. Ҳикояни ўқинг.*
- 2. Гулливер ҳақида нималарни билиб олдингиз? Унинг фазилатларини айтинг.*
- 3. Ўйланг, Гулливер уйқудан тургандан сўнг қандай воқеаларни бошидан кечирган?*

ҚУВНОҚ ЎТСИН ТАЪТИЛИМИЗ

Илӛс Муслим

Кўм-кўк бахмал тоғлардан ошиб, Бир зум ўтмай мовий денгизда
Ўқувчилар ўйнаб кулингиз! Турналар кенг ёзар арғимчоқ.
Ўлкамизда гўзал ёз чоғи, Қайтиб келган лайлак, қалдирғоч
Сизни кутар лола - гулингиз. Инларига қўниб вақти чоғ.

Бел баравар барра ўтларни Шундай кўркам фаслни кўриб
Курт-курт ейди қўй-қўзичоқлар. Кимнинг завқи тошмайди дейсиз?
– Биз ҳам шодмиз сиз каби, - дея Қандай файзли тоғ, дала бизда,
Қирда кишнар, той қулунчоқлар. Болажонлар, ўйнаб-кулингиз!

Савол ва топшириқлар

- 1. Шеърни ифодали ўқинг*
- 2. Ёзги таътилдаги режаларингизни айтинг.*



МУНДАРИЖА

| | |
|-------------------------|---|
| Салом мактаб..... | 3 |
| Китоб ўқиш қондаси..... | 3 |

I БЎЛИМ

| | |
|--|----|
| Куз..... | 5 |
| Олтин фасл..... | 5 |
| Бувисининг узуми. Вахтанг Гоголашвили..... | 6 |
| «Широқ ҳалок бўлди» Усмон Шукур..... | 9 |
| Тез айтишларни машқ қилинг..... | 10 |
| Мақоллар..... | 10 |
| Топишмоқлар..... | 10 |
| Тошоҳур. Қурбон Жўра..... | 11 |
| Қушлар можароси. Йонас Авижюс..... | 11 |
| Ота васияти. Малик Муродов..... | 13 |
| Бирлашмаган тўзар. М.Л.Михайлов..... | 14 |
| Баҳромнинг хикояси. Анвар Обиджон..... | 17 |
| Катта ва кичик. Учай Дегук..... | 18 |
| Она мусича. А. Сотиболдиев..... | 19 |
| Саккиз савол. М.Халил..... | 20 |
| Гуллар ва шамол. Рауф Толиб..... | 21 |
| Кўзача ва бўтача (эртак)..... | 23 |
| Оч бўри, шўх қўзи ва қирчанғи. Шукур Саъдулла..... | 23 |
| Остона. Тўлқин Имомхўжаев..... | 24 |
| Рустам. Фаҳри Эрдinч..... | 25 |
| Қайси бири осон. В.А. Осеева..... | 29 |
| Рубоний..... | 31 |
| Ҳикматлар..... | 32 |
| Арзимни айдим боди сабога. Хувайдо..... | 33 |

II БЎЛИМ

| | |
|--|----|
| Тоғ ва яйлов болалари..... | 34 |
| «Оқ кема» қиссасидан. Ч. Айтматов..... | 35 |

| | |
|---|----|
| Каклик билан қиз. Ёқубжон Шукуров..... | 37 |
| Навоийнинг дўсти..... | 40 |
| Турналар. Ҳамза Имомбердиев..... | 41 |
| Хатосини тушунган бола. Худойберди Тўхтабоев..... | 42 |
| Ўжар тошбақа. Ҳ. Ёқубов..... | 47 |
| Хўжаёш..... | 48 |
| Қўнолмаган оқ лайлақлар. Дилрабо Худойкулова..... | 50 |
| Филлар ва қуёнлар (масал)..... | 51 |
| Қиш тўзғитар момик пар. Қудрат Ҳикмат..... | 54 |
| Овчи, Кўкча ва Доно..... | 55 |
| Қорқиз. В.И. Даль..... | 59 |
| Қор ёққан кун. Дўстмурод Ҳақназаров..... | 64 |
| Қиш бўлмаса-чи? Яйра Саъдуллаева..... | 64 |
| Туя ва бола. Қаюм Тангриқулов..... | 67 |
| Бари бизники. Музаффар Олимбоев..... | 69 |
| Етти қароқчи ҳақида ривоят..... | 70 |
| Манас эпосининг қисқача мазмуни..... | 72 |

Ш БЎЛИМ БАДИИЙ

| | |
|---|-----|
| Бизнинг қайсар дадамиз..... | 73 |
| Мулойим бувим, қайсар бувам ва лоқайд дадам ҳақида..... | 76 |
| Меҳр. Абдусаттор Сотиболдиев..... | 82 |
| Кунтуғмиш..... | 85 |
| Гулдаста. Тамилла Қосимова..... | 87 |
| Азиз устоз бобом! Қуддус Муҳаммадий..... | 89 |
| Шоир жиловдори..... | 90 |
| Ҳадислардан намуналар..... | 93 |
| Сомон йўли Ч. Айтматов..... | 94 |
| Она деган сўз. Омон Матжон..... | 96 |
| На у ёқлик, на бу ёқлик..... | 97 |
| Бўрининг табиб бўлгани ҳақида эртақ. Анвар Обиджон..... | 100 |
| Учиш ҳумори. Қуддош Мирзо..... | 102 |
| Биз табиатни севамиз. М. Горький..... | 104 |
| Сўзловчи ёмғир. Абдурахмон Акбар..... | 106 |
| Баҳорда..... | 107 |

| | |
|--|-----|
| Уйғон, Қуёш! Меҳди Саидзода..... | 109 |
| Ола бузоқ. Ғ. Фулом..... | 110 |
| Қалдирғоч. Тўлан Низом..... | 111 |
| Ўрнак қўшиғи. Ото Коко ўғли..... | 111 |
| Она билан бола. Хабибулло Абдуллаев | 112 |
| Ялпиз. Хуршид Даврон..... | 116 |
| Жийда гули..... | 116 |
| Қарз. Султонмурод Хожибоев..... | 117 |
| Наврўз - баҳор байрами. Музайяна Алавия..... | 118 |
| Наврўз удумлари, анъаналари ва расм-русумлари..... | 119 |

IV БЎЛИМ

| | |
|--|-----|
| Тил - тигдан ўткир(эртак)..... | 121 |
| Қувғин бўлган қиш..... | 123 |
| Ой билан кун..... | 125 |
| Сичқон, қурбақа ва қарға..... | 126 |
| Қарға ила зағизғон. Абдулла Авлоний..... | 128 |
| Наби ва одоб. Мирмуҳсин..... | 129 |
| Гулсара. Яйра Саъдуллаева..... | 131 |
| Кураш. Тоғай Мурод..... | 135 |
| Кўз. Ҳамид Бадалов | 137 |
| Қувонч. Ғани Абдуллаев..... | 139 |
| Пўлатнинг қаламлари. Улугбек Мустафокулов..... | 140 |
| Билмасвой қандай қилиб шеър тўқиди? Николай Носов..... | 144 |
| Саёҳатчиларнинг ҳикояси..... | 148 |
| Ғазал тили билан..... | 150 |
| Маҳжурий..... | 151 |
| Яссавий бобо. Талъат Солиев..... | 152 |
| Эсдалик. Шавкат Раҳмон..... | 153 |
| Офтоб - Она. Толиб Йўлдош..... | 154 |
| Томда яшовчи Карлсон. Астрид Линдгрэн..... | 154 |
| Миленинг онаси. Глигор Поповски..... | 157 |
| Гулливернинг саёҳатлари. Жонатан Свифт..... | 160 |
| Қувноқ ўтсин таътилимиз. Илём Муслим..... | 163 |

Ўқув китоби

Исмаинова Акибатхан Алимжановна

Камолдинова Собирахон Мисирохуновна

Юнусова Саодат Артиковна

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

(АДАБИЙ ЎҚИШ)

Тўрт йиллик бошланғич таълимнинг
4-синф ўқувчилари учун дарслик

Бош муҳаррир

А. Ҳрипбоев

Тех. муҳаррир

М. Аҳмедов

Мусаҳҳиҳ

С. Набиева

Босишга 16.12.2011 имзо чекилди.
Офсет қоғози № 1. Формати 70x90 ¹/₁₆ "Таймс" гарнитураси.
Ҳажми 10,5 физ.босма тобоқ. Адади 12 000 нусха.
Буюртма 737.

«Учкун» ОАЖ босмахонасида чоп этилди.
720031, Бишкек ш., С.Ибраимов кўчаси, 24.

